

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ  
ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**Иноғомжонова З.Ф.  
Тўлаганова Г. З.**

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

**Ўқув қўлланма**

**Тошкент – 2006**

**Ю.ф.д. проф. М.Х. Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида**

**Тақризчилар:** **Пўлатов Б.Х.** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази кафедра мудири, ю.ф.д.  
**Норпўлатов Н.Н.-** Республика Юристлар малакасини ошириш Маркази директори, ю.ф.н.

## **Сўз боши**

Жиноят процесси ҳуқуқий фан сифатида давлат органлари билан, жиноят иши натижасидан манфаатдор бўлган ҳамда бошқа иштирокчилар ўртасидаги муносабатни тартибга солишни ўргатади.

Жиноят процесси иштирокчиларининг ваколатлари қонунда белгиланганига қарамай доимий равищда такомиллашиб бормоқда. Масалан, давлат органларидан бўлган суднинг ваколатларини ошириш мақсадида дастлабки терговда суд назоратининг жорий қилиниши, апелляция, кассация инстанцияси тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган иштирокчиларнинг ваколатларининг кенгайтирилиши, ярашувчилик институти таъсис этилиши билан жабрланувчининг ваколатини кенгайтирилиши ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан имтиёзлар яратилганлигини эътироф этиш мумкин.

Жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бирга ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар мавжуд. Жумладан, жабрланувчи ва гувоҳни адвокат билан таъминлаш, уларнинг муҳофазасини амалга ошириш чораларини кўриш, эксперт ҳамда мутахассиснинг ваколатларини кенгайтириш, ҳимоячининг ишдаги иштирокини жиноят процессининг дастлабки босқичларидан бошлаш, процесс иштирокчиларининг судга шикоят қилиш тартибини ишлаб чиқиш, вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишнинг ўзига хос хусусиятларини такомиллаштириш, яъни ювенал юстицияни ташкил қилиш ва ҳоказо. Бу муаммоларни ҳал қилмасдан туриб, жиноят судлов ишларини юритиш вазифаларини мукаммал ҳал этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам чоп этилаётган рисолалар орқали назариётчи олимлар, тажрибали амалиётчи ходимларни фикр ва мулоҳазаларини тўплаш зарур деб ҳисоблаймиз. Чунки фикрлар бор жойда уларни қиёсий тавсифлаш учун шароит яратилади.

*ю.ф.д. проф. М.Ҳ. Рустамбоев*

## **1-боб. Жиноят процессининг иштирокчилари ҳақида тушунча ва уларнинг классификацияси**

Жиноят процесси иштирокчилари деб жиноят судлов ишларини юритишда қонун билан белгиланган тартибда муайян бир функцияни бажаришга йўналтирилган ва қонун билан тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларга айтилади. Жиноят процесси иштирокчилари фани маҳсус курс ҳисобланиб, назарий ва амалий жиҳатдан жиноят судлов ишларини юритишда иштирок этадиган барча процесс иштирокчиларининг қонунда белгиланган тартибдаги ваколатларини ўрганади.

Барча ижтимоий муносабатларда, жумладан ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи шахсларни номлаш турли мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Масалан, А.П. Рыжаков ва К.Ф.Гуценколар<sup>1</sup>нинг фикрича процесс иштирокчиларини «субъект» деб номлаш тўғри, чунки «иштирокчи» сўзи субъектга нисбатан кенгроқ маънени англаради. «Иштирокчилар» билан «субъект» сўзларининг маъносини айрим ҳолатда таҳлил қилиш етарли натижа бермайди. Шунинг учун ҳам ҳозирда иштирокчилар билан субъект сўзларининг маъносини бир хилда тушуниш тавсия этилади»,<sup>2</sup> дейди В.В.Вандышев. Бизнинг фикримизча, иштирокчилар жумласи мақсадга мувофиқ, чунки биринчидан, иштирокчиларнинг маъноси кенгроқ, иккинчидан ЖПКда ҳам иштирокчилар сўзи қўлланилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси «процесс иштирокчилари» тушунчасини кенг маънода талқин қилиб, мазкур тушунчага жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахсларни киритади. Процесс иштирокчиларидан ҳар бирининг олдида турган вазифалари ва бажараётган процессуал функцияларининг характеристири ва унга белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажми кўринишида бўлиб, мазкур иштирокчининг ҳуқуқий ҳолатини белгилайди.

Жиноят процесси иштирокчиларининг тушунчаси ва классификациясига доир масала ҳам мунозаралидир. Маҳсус адабиётларда ва 1959 йилда қабул қилинган Жиноят процессуал кодексида жиноят процесси иштирокчилари тушунчасига жиноят ишида ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар киритилган. Қолган иштирокчилар эса процессдаги вазифалари ва уларга юклатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳажмидан келиб чиқиб, мазкур тушунчага киритилмаган<sup>3</sup>.

В.Н.Шпилев юқорида кўрсатилган фарқлашлар қисман тўғри бўлганлиги учун процесс иштирокчиларининг у ёки бу даражада классификациялаш мумкин, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, процесс

<sup>1</sup> Рыжаков А.П. Уголовный процесс . Учебник для вузов.-3-е..перераб.-М.: Норма, 2004. -Б. 61; Уголовный процесс. Учебник для вузов. Изд. 4-ое. Перераб. и дополненное. / Под ред. К.Ф.Гуценко. –М.: Зерцало-М, 2001. –Б.88-89.

<sup>2</sup> Вандышев В.В. Уголовный процесс. Курс лекций. Учебник для вузов. -СПб.: Питер, 2002. –Б.44.

<sup>3</sup> Галкин Б.А. Уголовно – процессуальный закон. -М.: 1982. –Б.92.

иштирокчиларининг барчаси муайян ҳуқуқларга эга бўлиб ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажаради ва шунга кўра процессуал муносабатларга киришиб, процессуал фаолиятни амалга оширади. Шунинг учун ҳам жиноят ишларини юритишда иштирок этувчи барча шахсларни «процесс иштирокчилари» тушунчасига киритиш мақсадга мувофиқ<sup>4</sup>.

Ўзбекистон Республикасида илк бор нашр этилган «Жиноят процесси» дарслигининг муаллифлари «Жиноят процессининг иштирокчилари деганда жиноят процессуал фаолиятда ўз ваколатлари ва мажбуриятларини қўллаш орқали иштирок этувчи давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва жамоат бирлашмалари тушунилади» деб таъкидлашади.<sup>5</sup>

Баъзи жиноят процессуал адабиётларда «жиноят процесси иштирокчилари гумон қилинувчи, айбланувчи, химоячи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, жабрланувчи ва унинг вакили билан чегараланади» деган фикрлар ҳам бор.<sup>6</sup>

Жиноят ишини юритиш давомида ҳал қилинаётган масалага қараб уларнинг ҳар бири, масалан, айбланувчи ва жабрланувчи, фуқаровий жавобгар ва фуқаровий даъвогар бир биридан фарқ қиласди. Лекин шу билан бирга уларни «процесс иштирокчиси» сифатида эътироф этиш учун бир умумийлик боғлаб туради. Бу умумийлик ҳар бир иштирокчининг ўзи ва вакиллари орқали қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ифодаланади.

Шундай қилиб, юқоридаги фикрга кўра, «процесс иштирокчилари» деганда жиноят процесси давомида ўзи ёки вакиллар орқали ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қиласди, алоҳида процессуал мақомга эга бўлган, мазкур ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали жиноят ишининг юритилиши ва ҳал қилинишига у ёки бу даражада таъсир қила оладиган ҳамда ишнинг натижасидан манфаатдор бўлган ёки манфаатдор бўлмаган шахслар тушунилади.

Давлат идоралари ҳар доим жиноят процессуал муносабатларда процессуал фаолиятнинг ваколатли субъекти ҳисобланади ва мазкур ваколатлари орқали улар қонунда белгиланган тартибда: жиноят ишини қўзғатиш, суриштирув ва тергов ишларини олиб бориш, прокурор назоратини амалга ошириш, одил судлов вазифасини бажариш мажбуриятига, шу жумладан давлат мажбурловини қўллаш ҳуқуқига эгалар, чунки уларга исботлаш бурчи юклатилган. Судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи жиноят процессида давлат номидан иш юритиб, унинг манфаатларини ҳимоя қиласидилар.

Процесс иштирокчиларини бундай тушуниш жиноят ишида иштирок этаётган барча субъектларни процесс иштирокчилари қаторига киритиш лозим деган хulosани беради. Чунки ишда қатнашаётган барча субъектлар у

<sup>4</sup> Шпилев В.Н. Участники уголовного процесса. -М.: 1990 –Б. 13-14.

<sup>5</sup> Жиноят процесси. Умумий қисм. / З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. -Т.: Янги аср авлоди, 2002. –Б.101.

<sup>6</sup> Уголовный процесс: Учебник. /Под ред. М.А.Чельцова -М.: 1989. –Б.69-73.

ёки бу даражада процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар ҳамда маълум бир процессуал функцияни бажарадилар.<sup>7</sup>

Н.А.Яқубович ҳам мазкур фикрни таъкидлайди, унинг фикрича «жиноят ишини юритишда иштирок этувчи давлат идоралари ва мансабдор шахслар, фуқаролар ҳамда ишда иштирок этувчи бошқа иштирокчилар ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари ҳажмидан қатъий назар кенг маънодаги процесс иштирокчилари ҳисобланади». Чунки уларнинг барчаси ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишлари, уларни жиноят-процессуал муносабатларнинг иштирокчиси (субъекти) қилиб кўрсатади.<sup>8</sup>

М.С.Строгович процесс иштирокчиси тушунчасига таъриф бериб, жиноят процессуал фаолиятнинг субъектлари бу ўзига юклатилган ваколатлар, қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали муайян бир жиноий процессуал функцияни бажарадиган ва жиноят процессида иштирок этадиган давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ҳисобланади,<sup>9</sup> дейди. Гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар жиноят процессида шахсий манфаатини, ҳимоячи, вакил ва қонуний вакил эса ҳимояси остидаги шахслар манфаатини ҳимоя қиласи.

Процесснинг ҳар бир иштирокчиси жиноят процессида амалда бўлган функцияни, яъни фаолият йўналишида белгиланган вазифани амалга оширади. Мазкур функцияларнинг характери процесс иштирокчиларининг бажараётган вазифалари ва манфаатларидан келиб чиқиб белгиланади. Процесс иштирокчиларининг амалга оширилаётган функциялардан келиб чиқиб қўйидаги гурухларга бўлинади.

Жиноят ишини юритишга маъсул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар: суд (судья), прокурор, терговчи, тергов бошқармаси, бўлими, тергов гуруҳи бошлиғи ва унинг ўринбосари, суриштирув органи, суриштирув органининг бошлиғи ва суриштирувчи киради. Чунки факат улар ҳуқуқ нормасидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллади, жиноят ишини қўзғатади, суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятини амалга оширади, жиноят ишларини суд мажлисларида муҳокама қиласи, судланувчини айбдор деб топиб, Республика номидан хукм чиқаради, хукмларнинг қонунийлиги, адолатлилиги ва асослантирилганлигини текширади ҳамда алоҳида тоифадаги ишларни юритади.

Жиноят процессида гумон қилинувчи ёки айбланувчиларнинг шунингдек, жиноят натижасида жисмоний, моддий ва маънавий заар етказилган шахслар (жабрланувчилар) ҳамда жиноят ишини ҳал қилишда у ёки бу даражада мулкий заар кўрган шахслар (фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар) нинг шахсий манфаати билан боғланган. Жиноят процессида иштирок этувчи фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида жамоат

<sup>7</sup> Уголовный процесс. Учебник /Александров А.С., Ковтун.Н.Н., Поляков М.П., Сереброва С.П.; Науч.Ред. В.Т.Томин. - М.: Юрайт-Издат, 2003. -Б.104.

<sup>8</sup> Якубович Н.А. Вопросам борьбы с преступностью. -М.: 1991. -Б.68-69.

<sup>9</sup> Строгович М.С. Курс уголовного процесса. -М.: 1968. -Б.203.

бирлашмаларининг вакиллари қатнашишига йўл қўйилади. Бу иштирокчилар ичида ҳимоячи муҳим ўрин тутади. Юкорида санаб ўтилган барча иштирокчилар навбатдаги гурухни ташкил қилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКда «Жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиласиган шахслар. «Ҳимоячилар ва вакиллар» деб аталади (ЖПКнинг 45-64 моддалари).

Иштирокчиларнинг яна бир гурухига жамоат бирлашмалари ва уларнинг вакиллари киради. Процессуал фаолиятда уларнинг фикрини ҳисобга олиш давлат идоралари олдида турган вазифаларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Шунингдек, процессуал фаолиятга жиноят судлов ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишда ёрдамчи, яъни ташкилий-техник функцияни бажарувчи шахслар (таржимон, мутахассис, холислар) ёки исботлашга кўмаклашувчи шахслар (холислар ва эксперталар) жалб қилинади. Санаб ўтилган иштирокчилар битта номга бирлаштирилиб «Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар» деб юритилади (ЖПКнинг 65-75 моддалари).

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, процесс иштирокчилари деганда жиноят иши юритувига алоҳида процессуал хужжат орқали жалб қилинган, ўзи ёки вакили манфаатларини ҳимоя қилиш учун муайян хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлган шахслардир. Улар қаторига гумон қилинувчи, айланувчи, ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакилларини киритиш мумкин.

Жиноят процесси иштирокчиларининг мавқенини белгилаш ва муҳофазасини таъминлашга қонунларни такомиллаштириш орқали эришилади. Масалан, жиноят процессига ярашувчилик институтини киритилиши жабрланувчининг мавқенини ошишига хизмат қилди. Ҳозирги кундаги муҳим вазифалардан бири жабрланувчи ва гувоҳнинг муҳофазасини ҳалқаро талабларга мослаштиришdir.

Ҳозирги замон қонунчилигига кўра жиноят судлов ишларини юритиш иштирокчиларини қуидагича классификация қилинади.

1. Жиноят ишини юритишга маъсул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар: а) суд (28-модда); б) прокурор (33-модда); в) терговчи (35-модда); г) тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гурухи бошлиғи ва унинг ўринбосари (37-модда); д) суриштирув органлари (38-модда).

2. Жиноят процессида ўз моддий, маънавий ва шахсий манфаатларини ҳимоя қиласиган иштирокчилар: а) айланувчи (45-модда); б) гумон қилинувчи (46-модда); в) жабрланувчи (54-модда); г) фуқаровий даъвогар (56-модда); д) фуқаровий жавобгар (58-модда)

3. Ўзгалар манфаатини ҳимоя қиласиган иштирокчилар: а) ҳимоячи (49-модда); б) қонуний вакил (60-модда); в) вакиллар (62-модда).

4. Жамоатчилик номидан иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари: а) жамоат айловчилари (43-модда); б) жамоат ҳимоячилари (44-модда).

5. Жиноят судлов ишларини самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи иштирокчилар: а) гувоҳ (65-модда); б) эксперт (67-модда); в) таржимон (71-

модда); г) холис (73-модда); д) мутахассис (69-модда); е) суд котиби (32-модда).

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексида белгиланган жиноят процесси иштирокчиларнинг классификацияси билан келишиб бўлмайди.

1. Жиноят процессида ўз моддий ва шахсий манфаатга эга бўлган иштирокчилар учинчи гуруҳда, яъни жамоатчилик номидан иш кўрувчи иштирокчилардан кейин қўйилган.

2. Жиноят процессида ўз моддий ва шахсий манфаатга эга бўлган иштирокчилар гуруҳига ҳимоячилар ва вакиллар ҳам қўшиб қўйилган (5-боб).

3. Суд мажлиси котиби жиноят ишини юритишга маъсул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар гуруҳига киритилган. Ваҳоланки, у жиноят судлов ишларини юритиш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган иштирокчилар гуруҳига киради.

Жиноят процессининг ҳар бир иштирокчиси жиноят судлов ишларини юритишда факат битта функцияни адо этади. Масалан: одил судлов функциясини – суд; тергов функциясини - суриштирувчи, терговчи, прокурор; айблов функциясини – жабрланувчи, прокурор; ҳимоя функциясини – ҳимоячи, вакил, қонуний вакил; қўшимча функцияни - фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар; ёрдамчи функцияни - гувоҳ, ҳолис, таржимон, эксперт, мутахассис ва суд котиби.

Шундай қилиб, жиноят процессининг иштирокчилари ўз ваколат доираларида жиноят судлов ишларини юритиш вазифаларини бажарилишига хизмат қиласидилар.

*Ўзбекистон Республикасининг "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши мунособати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳакида» 29.08.2001 йилдаги N 254-II Қонуни*

## Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (ЎзР 24.04.2003 йилгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Т.: Ўзбекистон, 2003. -40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси.-Т.: Адолат, 1999. -525 б.
3. Рыжаков А.П. Уголовный процесс . Учебник для вузов.-3-е..перераб.-М.: Норма, 2004. –Б. 61.
4. Уголовный процесс. Учебник для вузов. Изд. 4-ое. Перераб. и дополненное. / Под ред. К.Ф.Гуценко. –М.: Зерцало-М, 2001. –Б.88-89.
5. Вандышев В.В. Уголовный процесс. Курс лекций. Учебник для вузов. –СПб.: Питер, 2002. –Б.44.

6. Уголовный процесс: Учебник для студентов юрид. вузов и факультетов: -М.: Зерцало, 2003. -Б. 62.
7. Уголовно-процессуальное право: Учебник / под.общей ред. Проф П.А.Лупинской. -М.: Юристъ, 2003. –Б.97.
8. Галкин Б.А. Уголовно - процессуальный закон. -М.: 1982. -Б. 92.
9. Шпилев В.Н. Участники уголовного процесса. -М.: 1990. -Б. 13-14.
10. Жиноят процесси. Умумий қисм. / З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. -Т.: Янги аср авлоди, 2002. –Б.101.
11. Уголовный процесс: Учебник. /Под. ред. М.А. Чельцова. -М.: 1989. -Б. 69-73.
12. Уголовный процесс: Учебник /Александров А.С., Ковтун.Н.Н., Поляков М.П., Сереброва С.П. Науч. ред. В.Т.Томин. - М.: Юрайт-Издат, 2003.-Б. 104.
13. Якубович Н.А. Вопросам борьбы с преступностью. -М.: 1991. -Б.68-69.
14. Строгович М.С. Курс уголовного процесса. -М.: 1968. -Б.203.

### **Назорат саволлари**

1. Жиноят процессида иштирокчилари фани тушунчаси ва мазмунига таъриф беринг.
2. Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига иштирокчилар қандай гурухларга бўлинган?
3. Жиноят процесси иштирокчиларини илмий туркумлашнинг ҳозирги замон муаммолари ҳакида гапириб беринг.
4. Жиноят процесси иштирокчилари мақомини белгилашнинг тарихий аспектларига тўхталиб ўтинг.
5. Жиноят процесси иштирокчилари мақомини белгилашнинг хорижий тажрибалари хусусида нималарни биласиз?
6. Жиноят процессининг турли гурухларига мансуб иштирокчилари қандай функцияларни адо этадилар?

## **2-боб. Жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар**

### **1-§. Суд ва унинг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимига бўлиниши (11-модда) суднинг мавқеини оширди.

Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича одил судловни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида суд қуидаги тизимга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари фаолият кўрсатадилар.

Судларнинг ихтисослашуви Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонига асосан амалга оширилди ва 2001 йил 1январдан ўз фаолиятини бошлади.

2001 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чакириқ олтинчи сессиясидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти суд-хуқуқ ислоҳотини такомиллаштириш масалаларига алоҳида тўхталиб, жиноят қонунчилигини инсонпарварлик ва адолат принципларидан келиб чиқсан ҳолда либераллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг айrim Қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунчилик ташаббуси билан чиқди.

Бунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексларига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонун қабул қилинди. Шунга кўра (36-моддаси учинчи қисмининг биринчи жумласи), (46-моддасининг биринчи қисми), (48-моддасининг биринчи қисми ), (55-моддасининг биринчи қисми), (84-моддаси тўртинчи қисм), (209-моддасининг иккинчи қисми), (242-моддасининг матни), (245-моддасининг, биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлари, (290-моддасининг биринчи қисмидаги, (295-моддасининг матни), (351-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисми), (374-моддаси иккинчи қисмининг 6-бандидаги, учинчи қисмининг 3-банди ), (380-моддасининг биринчи қисми), (384-моддасининг 8-банди), (396-моддасининг 6-банди), (398-моддаси), (401-моддасининг

биринчи қисми), (405-моддасининг матни), (457-моддаси биринчи қисмининг), (470-моддасининг 5банди), (558-моддасининг биринчи қисми ) кодекс 62-боб билан тўлдирилди.

ЖПКнинг 29-моддасига биноан суднинг ваколатларига: жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш; ишни муҳокама килиш ва ҳукм чиқариш ёки бошқа қарор қабул қилиш, ишни апелляция, кассация, назорат тартибида кўриб чиқиш, ҳукмни ижрога қаратиш киради.

Судларда ишлар ҳайъат ҳамда якка тартибида кўрилади. Жиноят ишини кўриб чиқишида суднинг таркибида сайланган ва тайинланган судьялар ва халқ маслаҳатчилари иштирок этадилар.

Биринчи инстанция суди жиноят иши бўйича ҳукм ёки ажрим чиқариш ҳуқуқига эга. Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоят ва протестлар бўйича ишларни кўриб, ажрим чиқаради. Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоят ва протестлар бўйича ишларни кўриб, ажрим чиқаради. Назорат инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган протестлар бўйича ишларни улар апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилганидан кейин кўриб, қарор (ажрим) чиқаради.

Бундан ташқари, юқори судлар ўз ваколатлари доирасида қуий судларнинг судлов фаолияти устидан назоратни амалга оширадилар.

Суд адолат тимсоли сифатида ишларни беғараз ва холисона ҳал этади. Суд фаолияти мустақил ва фақат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунларга бўйсуниш, ошкоралик, тарафлар тортишуви ва teng ҳуқуқлилиги, айбиззлик презумпцияси каби принципларга ва жиноят процессининг бошқа демократик асосларига таянади.

Суд ҳокимиюти фақат ана шундай шарт-шароитда одил, инсонпарвар, чинакам мустақил, қонун устуворлигини ва шахснинг ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлайдиган ҳокимият сифатида ўзини намоён этади.

Суд мажлисига шу суднинг раиси, унинг ўринбосари ёки судья раислик қилиши мумкин. Раислик қилувчи суд мажлисига раҳбарлик қилади, ишнинг барча ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириш ҳамда ҳақиқатни аниқлаш учун қонунчиликда назарда тутилган ҳамма чораларни кўради, кўрилаётган ишга алоқаси бўлмаган ҳолатлар суд муҳокамасига киритилмайди.

Тарафлардан ёки бошқа шахслардан бирортаси раислик қилувчининг ҳаракатларига эътиroz билдирган такдирда, бу эътиrozлар суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади.

Суд мажлисида судьяларга тажрибали судья раҳбарлик қилиб, суд муҳокамасида барча иштирокчиларнинг фаолиятини бошқаради, суд терговини режалаштиради, одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни таъминлайди.

Суд мұхокамасига туман (шахар) судининг раиси шахсан ўзи раислик қилиши ёки раислик қилиш учун судьяни тайинлайды. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шахар судларининг суд мажлисларида суд раиси ёки унинг танлови бўйича раис ўринбосари, суд ҳайъатининг раиси ёки унинг тайинлови бўйича тегишли суднинг судьяси раислик қилади. «Суд мажлисида раислик қилувчининг раҳбарлиги суд процессининг тарбиявий аҳамиятини таъминлаб, иш ҳолатларини тартибли равишда кўриб чиқишига имконият яратади».<sup>10</sup> Суд мұхокамасида раислик қилувчининг аниқ ҳаракатлари, халқ маслаҳатчилари ва тарафлар билан фикрлашуви процессуал қонун талабларига қатъий риоя қилган ҳолда иш олиб бориши, қонунга эътиқод ва эътироф билан ёндашуви процесс иштирокчиларидан ҳам шуни талаб қилиш учун замин ҳозирлайди. Суд ишни кўришда уни ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилишини таъминлаш чораларини кўриши, судланувчининг айбини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини аниқлаши, шунингдек иш юзасидан ҳақиқатни аниқлаш учун фақатгина ишдаги материаллар ва далиллар билангина чегараланиб қолмай ўз ташаббуси билан далиллар тўплаши ва текшириши лозим.

Суд таркиби ишни тўла текшириш учун қўшимча далиллар тўплаш, ҳужжатларни талаб қилиб олиш, иш юзасидан судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, мутахассис ва экспертни сўроқ қилиш, ариза ва илтимосларни қабул қилиш, танаффус эълон қилиш, қидирув эълон қилиш, иш юзасидан келмаган жабрланувчи ва гувоҳларни мажбурий келтириш, суд мұхокамаси пайтида тартибни бузганларга ва судга ҳурматсизлик қилганларга нисбатан чоралар кўриш ҳуқуқига эга.

Суд таркибига суд мұхокамасида бўлган ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириш, илтимос ва аризаларни қўриб чиқиб, суднинг қарорини эълон қилиш, иштирокчиларни таржимон билан таъминлаш, қонунга сўзсиз бўйсиниш, объектив ҳақиқатни аниқлаш, судланувчи шахсни қонун асосида айбор деб топиб, унга нисбатан жазо белгилаш, суд мұхокамасида тилга эътибор бериш, суд мұхокамасининг бевоситалиги, оғзакилиги ва ошкоралигини таъминлаш, зарур ҳолларда ёпиқ суд мажлиси ўтказиш, суд мұхокамасининг тарбиявий таъсирини кучайтириш ва судга бўлган ҳурматни ошириш мажбуриятлари юклатилади.

Суд мұхокамасида раислик қилувчи бошқа иштирокчиларга нисбатан алоҳида ваколатларга эга: у суд мұхокамасига тайёргарлик билан боғлиқ ҳаракатларни бажаради, суд мажлисини ўтказилиш куни, жойи ва вақтини белгилайди, суд мажлисини очиқ деб эълон қилади, суд мажлисига келмай қолган иштирокчиларсиз ишни давом эттириш ҳақида тарафларнинг фикрини сўрайди. Судланувчининг шахсини аниқлагач, суд таркиби ва процесс иштирокчиларини эълон қилади. Шунингдек, судланувчи,

<sup>10</sup> Уголовный процесс. / Под. ред. К.Ф.Гуценко. -М.: Зерцало, 2001. -Б.353; Уголовный процесс. / Отв. ред. Н.С.Алексеев и В.З.Лукашевич. -Л.: 1989. -Б.232.

жабрланувчи, эксперт ва мутахассисларга хукуқ ва бурчларини тушунтиради.

Суд муҳокамасининг барча иштирокчилари ва суд мажлиси залида қатнашувчи фуқаролар ҳам раислик қилувчининг барча фармойиш ва талабларини сўзсиз бажаришлари керак. Раислик қилувчи суд мажлисида тартибни бузган гувоҳлар ва бошқа фуқароларни огоҳлантириш ҳамда зарур бўлса уларни суд залидан чиқариб юбориш ҳуқуқига эгадир.

Суд муҳокамаси пайтида раислик қилувчи тушган ариза ва илтимослар тўғрисида тарафларнинг фикрини сўрайди, ишга алоқаси бўлмаган саволларни чиқариб ташлайди. Суд муҳокамасида раҳбарликни раислик қилувчи судъя амалга ошиrsa-да, иш юзасидан далилларни текшириш, ўрганиш ва баҳо бериш ҳайъат иштирокида ҳал қилинади. Ишни муҳокама қилишдан келиб чиқсан, ҳайъатда кўришни талаб қилувчи масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Агар раислик қилувчининг фикри юзасидан ҳалқ маслаҳатчиларининг бирортасида иккиланиш пайдо бўлса, бу масала ҳам ҳайъат аъзолари иштирокида кўриб чиқиб ҳал қилинади.<sup>11</sup>

Суд (судъя ва ҳалқ маслаҳатчилари) нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ЖПКнинг 13-моддасида батафсил ўз ифодасини топган. Ушбу моддада „иш биринчи инстанция суди томонидан ҳайъатда кўрилганда суд таркибига судъя ва икки нафар ҳалқ маслаҳатчиси киради. Одил судловни амалга оширишда ҳалқ маслаҳатчилари судъянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнida келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эгадирлар», дейилган. Суд ҳайъатида икки нафар ҳалқ маслаҳатчиларининг иштирок этиши ахолини одил судловга жалб этиш воситаси сифатида тан олинади. Суд маслаҳатчилари биринчи инстанция суди томонидан жиноят иши кўрилганда бевосита иштирок этадилар. Улар суд муҳокамасидан келиб чиқадиган муаммолар, турли процессуал ва ҳукмга оид масалаларни ҳал этишда бевосита судъя билан биргаликда иштирок этадилар ва ўз фикр-мулоҳазаларини судъяга етказадилар. Агар ҳалқ маслаҳатчисининг фикри раислик қилувчи судъянинг фикрига мос келмаса, раислик қилувчи ушбу фикрининг нотўғрилигини тушунтириб бериши шарт.

Суд мажлиси котибининг суддаги роли ғоят муҳимдир. Суд мажлиси котиби раислик қилувчининг топшириғига биноан жиноят ишини суд мажлисида кўриш учун тайёрлайди; суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида процесс иштирокчиларига хабар беради; судга чақирилган процесс иштирокчиларининг келган-келмаганлиги сабабини текширади ва бу ҳақда судга маълум қиласди; суд мажлислари баённомасини ёзиб боради; раислик қилувчининг суд муҳокамасини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа топширикларини бажаради.

---

<sup>11</sup> Немытина М.В. Российский суд присяжных. -М.: БЕК, 1995. -Б.126.

Котиб баённомада суднинг ҳаракатлари ва қарорларини, шунингдек суд мажлиси барча иштирокчиларининг ҳаракатлари, ариза, илтимос ва кўрсатувларини тўла ва тўғри қайд этиб бориши шарт.

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисидаги” қонуни (*янги таҳрири*) 14 декабр 2000 йил. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳуҗжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 14.12.2000 йилдаги N 163-II Ўзбекистон Республикасининг Қонунидан кўчирма (*ўзгартишлар ва қўшимчалар билан*)

## **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (ЎзР 24.04.2003 йилгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Т.: Ўзбекистон, 2003. -40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.-Т.: Адолат, 1999. -525 б.
3. Жиноят процесси. Умумий қисм. / 3.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. -Т.: Янги аср авлоди, 2002.
4. Рустамбоев М.Х., Никифорова Е.Н. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари. –Т.: ТДЮИ, 2005.
5. Қурбонов А. Ўзбекистон Республикасида суд тизими. -Т.: Адолат, 2001. –Б.5.
6. Рыжаков А.П. Субъекты уголовного процесса. –М.: 1996. –Б.54.
7. Уголовный процесс. (Общая часть) Учебник. / Под ред. Е.Н.Никифоровой -Т.: Адолат, 2000. –Б.64.
8. Уголовный процесс. /Под. ред. К.Ф.Гуценко. –М.: Зертало, 2001. – Б.353.

## **Назорат саволлари**

1. Жиноят ишлари бўйича иш юритиш учун масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар деганда кимлар назарда тутилади?
2. Жиноят процессида суд қандай процессуал мақомга эга?
3. Мазкур гурӯҳга мансуб бўлган иштирокчилар ўз ваколатларини тўлақонли амалга оширишларида қандай муаммолар юзага келмоқда?

## **2-§. Суд-хуқуқ ислоҳотлари**

Ҳозирги суд-хуқуқ ислоҳотларининг энг асосий вазифаларидан бири суднинг амалдаги мустақиллигини таъминлашдир. Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинган кундан бошлаб, бу борада жуда кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Судлар тўғрисида янги қонунларнинг қабул қилиниши, судларнинг ихтисослашуви, янги апелляция институтининг жорий этилиши шулар жумласидандир. Президентимиз И.А.Каримов

ўзларининг «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз» деб номланган рисолаларида: «...суд ислоҳотларини ўтказиш жараёнида жиноий ва фуқаролик ишларини қўрувчи судьяларнинг ихтисослашувини амалга ошириш ва бу масалаларни ташкилий жихатдан ҳал қилиш зарур. Бу, албатта, одил судловни амалга ошириш сифати ва тезкорлигини, энг муҳими, қабул қилинган суд қарорларининг адолатли бўлишини таъминлайди», деган эдилар.<sup>12</sup>

Президентимиз томонидан айтилган ушбу фикрлар судларнинг мустақиллиги масаласига давлат томонидан берилаётган жуда катта эътиборни англатади. «Жамиятимиз ҳаётида қонун устуворлигига эришиш учун ҳокимиятнинг уч тармоғи - қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг хақиқий мустақиллигини таъминлаш зарур. Шундагина ҳокимият тармоқлари орасида том маънодаги мувозанат қарор топади, содда қилиб айтганда, адолат тарозиси бузилмайди. Аввало, суд ҳокимияти, бу оддий фуқароми ёки мансабдор ва амалдорми - ҳар кандай ҳолатда ҳам қонун устуворлигининг таъминланишига эришишимиз даркор». <sup>13</sup> Мамлакатимизни янада ривожлантириш ва ҳаётимизни эркинлаштириш тўғрисида ғамхўрлик қилиб, Президентимиз томонидан демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди: «Бу соҳадаги энг муҳим вазифа, судларнинг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш зарур. Судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина, қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг хуқукий устуворлиги сўзсиз таъминланади». <sup>14</sup> Суд ҳокимиятининг мустақиллиги деганда, аввало Конституцияда мустаҳкамланган ҳокимиятлар бўлиниши тамойилларига асосан суд ҳокимиятининг ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлардан мустақил равища фаолият юритилиши тушунилади.

Жамият ва унинг ҳар бир аъзоси судьяга ишонч билан, мўътабар адолат ҳомийси сифатида қарамоғи лозим. Афсуски, судга худди жазолаш органи деб қараш ҳануз давом этмоқда. Яқингача судда жиноят ишларини кўриш чоғида судланувчини давлат номидан айбловни қувватлайдиган прокурор кўпинча иштирок этмас, унинг йўқлиги боис судланувчига унинг айбига оид саволларни судья ноиложликдан берарди. Эндиликда бундай ҳолларга барҳам берилган. Лекин баъзи судьяларда айглаш ҳиссиёти, судланувчининг жиноят содир этганлигини исботлашда беҳуда фаоллик кўрсатиш ҳоллари учраб туради. Ваҳоланки, судья холис бўлиши, айблов ва ҳимоя томонларига ўз фикр-мулоҳазаларини ифодалаши ва исботлаши учун бир хил, тенг шартшароитлардан фаол фойдаланишга имкон яратмоғи лозим. Айглаш, айбловни исбот қилиш - факат давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси ва жабрланувчига хос функция, суд уларнинг вазифаларини бажаришдан ўзини тийиши лозим. Назаримизда, судланувчи ва унинг ҳимоячиси айбни инкор

<sup>12</sup> Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон 2000.-Б.344.

<sup>13</sup> Каримов И.А. Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг хуқукий асоси. -Т.: Ўзбекистон, 2002. -Б.8.

<sup>14</sup> Каримов И.А. Адолат қонун устуворлигига. // Халқ сўзи. -2001. -30 авг.

қилиш имкониятлари таъминланишига кўпроқ муҳтоҗлик сезади. Негаки, асрлардан буён амал қилиб келаётган нақлга кўра айблаш осон, ҳимояланиш қийин. Шуни эътиборга олиб, Конституциямизнинг 116-моддасида айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланиши алоҳида ургу билан ифодаланган.

Конституция судья мустақил иш юритишга давват қилса-ю, бу улуғ мартабадаги шахс ўз масъулиятини сезмаса, турли давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, ҳатто алоҳида мансабдор шахсларнинг йўл-йўриғи, топшириғи билан иш кўрса, суд хокимиятига иснод келади, қонунлар поймол бўлади, адолатга путур етади. Шу сабабдан ҳам судьялардан алоҳида салоҳият, қобилият, малака ва шак-шубҳасиз, қалбан софлик талаб қилинади.

Судьяларнинг мустақиллигини таъминлашга оид бир қанча асосий талаблар «Судлар тўғрисида»ги Қонунда, хусусан унинг 67-моддасида кўрсатилиб ўтилган: судьяларни қонунда белгиланган тартибда сайлаш, тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш; уларнинг дахлсизлиги; одил судловни амалга оширишда қатъийлик; қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатини сир тутилиши; судга хурматсизлик, муайян суд ишини ҳал қилишга аралashiш ва судьянинг дахлсизлигини бузиш учун жавобгарлик; судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш шулар жумласидандир.

Уларнинг фаолиятини амалиётда кенгроқ тарғиб ва татбиқ қилиш судьяларнинг мавқеи чинакам юқори бўлишига ва бинобарин, адолат устуворлигига эришишга ёрдам беради.

Судьяларнинг мустақиллигига эришиш, судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техник ва маблағ билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида маҳсус ваколатли орган – Суд қарорларининг ижро этилиши, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш Департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилди.

Департаментнинг ташкил қилиниши суд тизимини ислоҳ қилишга катта ҳисса бўлиб қўшилган тадбирлардан биридир. Департамент ва унинг жойлардаги органлари ўз фаолияти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига ҳисбот берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан судлар ихтисослашувининг жорий этилиши, яъни умумий юрисдикция судларнинг фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқадиган судларга ажратилиши суд тизимини ислоҳ қилишда муҳим қадам бўлди. Бу эса, албатта, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг кафолатланишини янада кучайтиради, судларда ишларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли кўриб чиқилишини таъминлайди.

Судларнинг ихтисослашуви одил судловни амалга оширишнинг қўшимча кафолати ҳисобланиб, судлар томонидан илгари йўл қўйилган

хатолар ва фуқаролар қонуний манфаатлари бузилишининг объектив сабабларини бартараф қилишга хизмат қилади.

Хозирги кунда судьялар ўз ихтисосларига кўра қонунлар ва суд амалиётини анча чуқур ўрганиш имкониятига эгадирлар. Бундан ташқари Адлия вазирлиги томонидан жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судьяларни қайта тайёрлаш юзасидан алоҳида дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Шундай қилиб суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ушбу босқичида ишларни судда кўришнинг бирмунча такомиллаштирилган процессуал тартиби жорий этилди, суд кадрларини танлаш ва лавозимга тайинлаш борасида анча самарали тизимга асос солинди, суд олдида процесс иштирокчиларининг тенглиги қонун томондан мустаҳкамланди.

Суд томонидан чиқарилган ҳар қандай ҳукм, ажрим ва қарор қонуний, асосланган ва адолатли бўлиши лозим. Суднинг ҳар қандай ҳукм, ажрим ёки қарори фақат юқори суд томонидан бекор қилинган тақдирда ўз кучини йўқотади. Судья чиқарган ҳукм, ажрим ва қарорлар қонун билан баробар кучга эга, уни қонун каби сўзсиз тан олиш, ижро этиш, унга бўйсуниш барча учун мажбурийдир. Яқин ўтмишда суд ҳужжатларига итоат қилиш у ёқда турсин, унинг ижро этилишини турли бўлар-бўлмас важлар билан тўхтатиб қўйиш кайфиятларини туғдирувчи қонун нормалари, юқори мансабдор шахсларга Конституцияга зид бўлган ваколатлар берувчи тартиблар мавжуд эди. Судьяларнинг мавқеига путур етказадиган бу хил тартибсизликларга эндилиқда барҳам берилди.

Судьяларнинг мавқеи уларнинг шахсий таркиби, малака даражаси ва суд фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини такомиллашуви, ниҳоят, бу хақдаги қонунларимизнинг ҳам мукаммаллигига боғлиқ. Шу муносабат билан судларимизнинг ижобий тажрибасини кенг ёйиш билан бир қаторда, ривожланган демократик мамлакатлардаги суд тизимининг ўзига хос жиҳатларини чуқур тадқиқ қилиш жиддий аҳамиятга эга.

Мустақил суд тўғрисидаги талаб - ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи демакдир. Бу ҳуқуқ Инсон ҳуқуқлари декларациясининг 10-моддасида ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа ҳужжатларида мустаҳкамланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси томонидан бу ҳужжатлар ратификация қилинган.

Мустақил ва холис судларсиз суд ҳокимиятини тасаввур этиб ҳам, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиб ҳам бўлмайди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунида бу принципни таъминлаш кафолатланган. Бундай кафолатларга, жумладан, қўйидагилар киради: судьяларни сайлаш, тайинлаш ва вазифасидан озод қилиш тартибининг қонунда белгиланиши; уларнинг дахлсизлиги, одил судлов жараёнини амалга оширишнинг қатъий тартиби; қарор қабул қилишда судьялар маслахатининг сир сақланиши, уни ошкор қилишни талаб қилишнинг тақиқланиши, судга нисбатан хурматсизлик қилганлик ёки ўзи истаган қарорни чиқариш мақсадида унинг ишига аралашиш, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарликнинг белгиланиши ва бошқалар. Жиноят кодексида одил судловга қарши жиноятлар учун жавобгарлик тўғрисида алоҳида боб мавжуд (230-241- моддалар).

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 67-моддасида одил судловни амалга оширишнинг қатъий тартиби белгиланган. Процессуал қонунларда таъкидланганидек, суд қарори муҳокама этиладиган ва қабул қилинадиган маслаҳат хонасида мазкур ишни кўришга ваколатли судьялардан ташқари ҳеч ким бўлмаслиги керак. Бу хонада бўладиган маслаҳатлашувлар сир сақланиши шарт.

Судьялик лавозимини эгаллаш беш йиллик муддат билан чегараланган. Бошқа мансабдор шахсларга қараганда судьяларга яна бир қанча қўшимча талаблар, уларнинг маҳсус одоб қоидалари баён этилган бўлиб, унга кўра: юксак маънавий ва ахлоқий фазилатлар соҳиби, хушмуомала, сабр-тоқатли, дўст ва танишлар орттиришда эҳтиёткор бўлиш; бошқаларни ошкора танқид қилишдан ўзини тийиш; суддан ташқарида ихтилоф ва низоларни ҳал этишда ҳакамлик қилмаслик; хизмат вазифасини адo этишга салбий таъсир қилиши мумкин бўлган молиявий ва тижорат ишларидан сақланиш; ҳар қанча нокулай бўлмасин, суд ишлари бўйича қарор қабул қилишда ўзгалар фикри таъсиридан ҳоли бўлиш; қарор қабул қилингунча ўз фикрини пинҳон тутиш кабилар судьянинг мавқеини юқори даражада бўлишига кафолат беради.

Судьяларнинг мустақиллиги нақадар ижтимоий зарурат экани муҳтарам Президентимизнинг қўйидаги мазмунга бой қисқа жумлаларида ифодаланган: «Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ваadolat бузилиши муқаррар». <sup>15</sup> Юртбошимиз И.А.Каримов томонидан илгари сурилаётган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи мажбурлов чораларини факат суд томонидан қўллаш тартибига ўтиш, прокуратура баъзи ваколатларини судларга ўtkазish ғоялари судлар мустақиллигини янги сифат даражасига кўтариш лозимлигини тақозо этмоқда. 2005 йилнинг 8 августида қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармон инсон ҳуқуқлари ва эркинларини ҳимоя қилиш борасида ташланган муҳим қадамлардан бири бўлди.

Президентимиз таъкидлаганларидек: «Қонунларимиз қанчалик мукаммал бўлмасин (ҳақиқатан ҳам улар энг замонавий талабларга жавоб беради), лекин мустақил суд тизимиға эга бўлмасдан туриб, бу қонунларни тўлақонли қўллаш амримаҳол». <sup>16</sup> Демак, одил судловни амалга оширувчи суднинг ҳар қандай ташкилотлар тяъсиридан ҳоли бўлишига эришиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Энди вазифа суднинг чинакам мустақиллигини ва эркинлигини таъминлашдан, суд ҳокимиятининг обрўсини оширишдан, судсиз ҳукм чиқариш ва жазолашдек ҳоллар у ёқда турсин, ҳатто хўжалик ва бошқа низоларнинг ҳам суддан ташқари ҳал қилинишига йўл қўймасликдан иборат. Давлатимизнинг мустақиллиги ва қучи кўп жиҳатдан адолат тантанасига, чинакам одил судловга боғлиқ эканлигига шубҳа йўқ.

<sup>15</sup> Каримов И.А. Адолат қонун устуворлигига. // Халқ сўзи. -2001. -30 авг.

<sup>16</sup> Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. - Т.:Ўзбекистон, 2005.-Б. 18.

Ўзбекистон Республикасининг "Жиноят жазоларнинг либераллаштирилиши мунособати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишилар ва қўшимчалар киритиш ҳакида» 29.08.2001 йилдаги N 254-II Қонуни. «Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида қўриш амалиёти ҳакида (қўшимча ва ўзгартишилар билан)» Олий Суди пленуми қарори. № 5, 01.06.2001 й.

### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (ЎзР 24.04.2003 йилгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). -Т.: Ўзбекистон, 2003. -40 б.
2. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон хаёт-пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон 2000.-Б.344.
3. Каримов И.А. Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг хуқуқий асоси. - Т.: Ўзбекистон, 2002. -Б.8.
4. Каримов И.А. Адолат қонун устуворлигида. // Ҳалқ сўзи. -2001. -30 авг.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -Б. 18.
6. Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири 2000 йил 14 декабр.)
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.-Т.: Адолат, 1999. -525 б.
8. Инсон хуқуqlари бўйича халқаро шартномалар. –Т.: Адолат, 2004. – 270 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 2 жилдли. –Т.: Шарқ, Т.1. 1998. – 64 б., Т.2. 1999. – 400 б.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йилнинг 8 августида қабул қилинган «Қамоқقا олишга санкция бериш хуқукини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони.
11. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислоҳотлар даври. -Т.: Адолат, 2002.

### **Назорат саволлари**

1. Жиноят процессида суд қандай процессуал мақомга эга?
2. Мазкур гурӯҳга мансуб бўлган иштирокчилар ўз ваколатларини тўлақонли амалга оширишларида қандай муаммолар юзага келмоқда?
3. Судларнинг амалда чинакам мустақиллигини таъминлаш учун яна қандай қўшимча тадбирлар кўрилиши лозим?
4. Судда якка тартибида ва ҳайъатда иш юритиш деганда нимани тушунасиз?

5. Жиноят ишини суд мухокамасида кўриш учун тайинлаш босқичида судларнинг ваколатини кенгайтириш тўғрисида гапириб беринг.

6. Қамоққа олишга суд томонидан санкция бериш тартибига ўтиш инсоннинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари доирасига қандай таъсир кўрсатади?

7. Апелляция ва кассация тартибида иш юритиш ҳақида сўзлаб беринг.

### **3-§. Прокурор - жиноят процесси иштирокчиси сифатида**

Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг З-бобида кўрсатилган қоидаларга биноан жиноятчиликка қарши қураш олиб борувчи органлар устидан прокурор назорати ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш амалга оширилади. Ушбу вазифа прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

ЖПКнинг 382-моддасига мувофик, прокурор суриштирув, дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириб, ўз ваколати доирасида: суриштирув ва дастлабки тергов органларидан ишларни текшириш учун, содир этилган жиноятларга оид тезкор-қидириув, суриштирув, дастлабки тергов ишларини олиб борилишига доир ҳужжатларни, материалларни ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади, содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини ҳар ойда камида бир марта текширади; терговчиларнинг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қиласи; жиноятларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, жиноят тавсифини белгилаш, ишда айланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жиноят содир этган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради; шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш, қамоққа олиш, қидириш, тинтуб ўтказиш, олиб куйиш, бошқа тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги қарорларни ижро этишни топширади, шунингдек прокурор ёки прокуратура терговчиси қўлидаги ишлар юзасидан жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар беради; дастлабки терговда иштирок этади ҳамда зарур ҳолларда ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажаради ёки терговни тўлиқ амалга оширади; тинтуб ўтказишга, почта-телеграф жўнатмаларни хатлаш ва уларни олиб қўйишга, телефонлар ва бошқа сўзлашув курилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туришга, айланувчини лавозимидан четлаштиришга ва қонунда назарда тутилган ҳолларда суриштирув органлари ҳамда терговчининг бошқа ҳаракатларига рухсат беради; жиноят-процессуал қонунда белгиланган тартибида тергов юритиш ҳамда эҳтиёт чораси сифатида

қамоқда саклаш муддатини узайтиради; ишларни дастлабки тергов органларига құшымча тергов үтказиш тұғрисида ўз күрсатмалари билан қайтаради; ҳар қандай ишни суриштирув органларидан олиб терговчига беради, шунингдек, уни бир дастлабки тергов органидан бошқасига, бир терговчидан бошқасига үтказади; терговчини, агар у ишнинг тергов чоғида қонун бузилишига йўл қўйган бўлса, дастлабки тергов ишларини давом эттиришдан четлатади.

Прокурорнинг ЖПКда назарда тутилган тартибга мувофиқ дастлабки тергов органларига терговга қадар текшириш үтказиш, ишларни қўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ бўлган барча күрсатмаларини бажариш мажбурийдир.<sup>17</sup>

Тезкор-қидирав, суриштирув, дастлабки тергов органлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш прокурор учун ўта муҳим масалаларни ечиш билан боғлиқ бўлган жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Бу босқичда жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи орган ходимлари тўпланган далиллар ичидан тегишлиларини танлашлари, айланувчининг шахси билан маълумотларга баҳо бериши, объектив шарт-шароитларни ҳисобга олиши лозим бўлади. Объектив ва субъектив шарт-шароитларни баҳолаш чоғида энг ҳалол ходимлар ҳам баъзи ҳолларда иш бўйича нотўғри хulosаларга келишлари эҳтимолдан холи эмас. Бу хulosалар билан жиноят ишини қўзғатган, айланувчини қамоққа олишни рухсатлаган ва айлов хulosасини тасдиқлаган прокурор ҳам келишиши мумкин. Ходимнинг нотўғри хulosалари билан суд ҳам келишиб, ўз ҳукмида унга асосланиши мумкин. «Шу ерда қайд этиш лозимки, суд томонидан жиноят ишлари бўйича йўл қўйилаётган хатоликларнинг жуда катта қисми терговчи ва прокурорларнинг дастлабки терговда йўл қўйган хатолари оқибатида юзага келади».<sup>18</sup> Терговчи томонидан хатоликка йўл қўйилгани аниқланган ҳолларда, прокурорлар фаол равишда ўзларининг қарорлари билан ишни қайта терговга жўнатиш, бошқа терговчига үтказиш ваколатларидан фойдаланишлари керак.<sup>19</sup>

Тезкор-қидирав, суриштирув, дастлабки тергов сифатли үтказилган жиноят ишлари бўйича суд томонидан камдан кам ҳолларда хато қарорлар қабул қилинади, суднинг хато қарорлари асосан жиноятни юридик жиҳатдан баҳолаш ва унга нисбатан жиноий жазо чораларини тайинлаш билан боғлиқ бўлади. Бундай хатоларни апелляция, кассация ва назорат тартибида ишлар кўрилганда тўғрилаш мумкин. Лекин ходимлар томонидан томонидан суриштирувда ёки терговда йўл қўйилган камчиликни топиш ва уни тўғрилаш жуда ҳам мушкул.

Прокурорнинг тезкор-қидирав фаолияти устидан назоратни олиб борищдаги асосий вазифаси, бу фаолият натижасида қўлга киритилган далилларни баҳолашда иштирок этишdir.

<sup>17</sup> Прокурорский надзор: Учебник / Под ред. Г.П.Химичевой. –М.: Юрлитинформ, 2001. –Б.97.

<sup>18</sup> Басков В.И. Прокурорский надзор. –М.: МГУ, 1991. -Б. 153.

<sup>19</sup> Якубовский Д.О. Процессуальное доказывание. Понятия, средства, стадии. -М.: 2001. -Б.228.

Суриштирув процессуал қонунларда белгиланган ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

ЖПКнинг 339-моддасида суриштирувнинг вазифалари мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра суриштирув жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл кўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинувчиларни ушлаш ва яширинган жиноятчиларни қидириб топиш, жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритишдан иборат. Жиноятнинг белгилари мавжуд бўлса, суриштирув ва тергов органи ўз ваколати доираларида жиноят ишини қўзғатадилар ва жиноят-процессуал қонун қоидаларига риоя этган ҳолда, жиноятнинг изларини аниқлаш, уларни мустаҳкамлаш юзасидан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтуб, олиб қўйиш, гувоҳлантириш, ушлаб туриш ва сўроқ қилиш каби кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини амалга оширадилар. Аниқланган жиноят ҳақида прокурорга дарҳол хабар берилади. Бундай ишлар бўйича суриштирув юритиш ўн кун муддат ичида амалга оширилиши керак.

ЖПКнинг 341-моддасида жиноят иши юзасидан суриштирув ўн суткадан ошмаган муддатда тамомланиши зарурлиги мустаҳкамланган. Ўша муддат ичида суриштирув органи, суриштирувни амалга оширувчи шахс иш учун зарур бўлган кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказишга ва тезкор-қидириув ҳаракатларини ҳам амалга оширишга ҳақлидир. Бу ҳаракатларни албатта қонун талабларига риоя этилган ҳолда амалга ошириш керак. Мабодо, суриштирув фаолияти ўн суткада тамомланмаса, бу ҳолда суриштирув тергов жараёни билан алмашинади. Кейин тергов суриштирув улгурмаган тергов ҳаракатларини ва бошқа ҳаракатларни ўтказиш, амалга ошириш мажбуриятига эга бўлади. Прокурор ўз ваколатлари доирасида суриштирув органи томонидан суриштирув олиб бориш муддатларига, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказишнинг процессуал тартибига риоя этилганлигини назорат қиласи.

Суриштирув пайтида оғир ва ўта оғир жиноят содир этилганлиги аниқланиб қолгудек бўлса, суриштирувчи ишни терговчига ўтказиш ҳақида қарор қабул қиласи.

Суриштирув ва тергов органлари дастлабки тергов жараёнидаги ўзаро алоқаларининг самарадорлигини ошириш асосан уларнинг тезкор-қидириув фаолияти ва тергов ҳаракатларини юритиш натижасида олинган ахборотлар билан ўз вақтида алмашинишига боғлиқдир. Уларнинг алоқаларини яхшилаш ва жиноят судлов ишларининг сифатини яхшилаш учун тезкор-қидириув ишларининг умумий қўшма режасини ишлаб чиқилиши муҳимдир. Бу режага асосан вазифалар ижрочилар ўртасида ўзаро тақсимланади. Уларни ишлаб чиқишида тезкор-қидириув фаолияти ва тергов ҳаракатларининг ўтказилиш вақти, жойи ва муддатлари келишилганлигига катта эътиборни қаратиш

керак.<sup>20</sup> Бу органлар ўртасидаги ўзаро мувофиқлаштиришни ташкил этилиши устидан прокуратура назорат олиб боради.

Суриштирув ва тергов органлари орасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилган бўлиши жиноят судлов ишларининг самарадорлигини оширишга хизмат қиласи. Бундай мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш, албатта ишлар ИИВ ва МХХ терговчилари томонидан олиб борилаётганда осон кечади, чунки улар бир ташкилотнинг ходимлари бўлганликлари учун уларнинг орасида ҳеч қандай тўсиқлар бўлмайди. Бу ташкилотларнинг терговчилари ҳам тезкор-қидирав фаолияти билан яқиндан таниш бўлганликлари учун, тезкор ходимлар билан биргаликда олиб борилиши лозим бўлган тезкор-қидирав ишларининг пухта режасини ишлаб чиқиши имкониятига эга бўладилар. Прокуратура терговчилари жиноят ишини олиб борадиган ҳолларда ҳам худди шундай алоқалар ўрнатилишига эришилиши лозим. Бундай ҳолда ҳам суриштирув органи томонидан мазкур жиноят иши учун шахсан жавобгар бўлган тезкор ходим тайинланиши керак.

Дастлабки тергов ҳаракатларини юритишда қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат прокурор томонидан амалга оширилади. Дастлабки тергов органларининг фаолияти ва уларнинг ходимларининг савияси, малакаси йилдан йилга яхшиланиб бормоқда. Шу билан бирга ҳозир ҳам бу органлар томонидан жиноят ишлари юритилишида нуқсонлар учрайди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўзининг «Жиноятчиликка қарши кураш, дастлабки тергов ва суриштирув ўтказишида қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини тўлиқ таъминлаш ҳамда тергов маҳкамаси фаолияти самарадорлигини ошириш ҳақида»ги 1997 йил 28 майдаги 13-сонли буйруғида бу органлар фаолиятидаги камчиликлар кўрсатилиб, терговни ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона ўтказиш, айланувчини ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш, ушлаб туриш, қамоқقا олиш ҳаракатларини бажариш устидан прокурорлик назоратини кучайтириш тўғрисида кўрсатмалар берилди. Дастлабки тергов босқичида йўл қўйилган ҳар қандай камчилик ёки нуқсонлар прокурорлар томонидан синчиклаб текширилиши ва унга нисбатан таъсир чоралари кўрилиши лозимлиги бу буйруқда алоҳида таъкидланган.<sup>21</sup>

Дастлабки тергов органлари томонидан қонунларни ижро этилиши устидан прокурорлик назорати - бу қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратнинг бир қисми бўлиб, жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги ариза ва хабарларни кўриш ҳамда ҳал қилиш, текширишни амалга оширишнинг ЖПКда белгиланган тартиби, чиқарилган қарорларнинг қонунийлиги дастлабки тергов органлари томонидан қонунлар ижро этилиши устидан олиб борадиган назоратининг соҳасидир. Қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан прокурорлик

<sup>20</sup> Хидоятов Б. Некоторые особенности взаимодействия следователя с органами дознания при расследовании дел связанных с незаконным оборотом наркотических средств. /Гиёхвандликка қарши кураш: назария ва амалиёт. Конференция материаллари, -Т.: ТДЮИ, 2002. –Б. 126.

<sup>21</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг амалдаги буйруқлари, кўрсатмалари, низом ва йўрикномалари тўплами. -Т.: 1999. –Б. 92-104.

назоратининг ўрни ва аҳамияти ҳозирги кунда ошиб бормоқда. Дастребаки тергов органларининг барча фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва жиноят процессуал қонун ҳужжатларига қатъян ва аниқ мувофиқ келиши лозим. Ҳар бир терговчининг ва умуман тергов маҳкамасининг фаолиятини баҳолашда асосан жиноят ишлари қўзғатишнинг қонунийлиги, тергов қонунга риоя этилган ҳолда ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона олиб борилганлиги, шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказилмаганлиги эътиборга олинади.<sup>22</sup>

Жиноятларни очиш ва тергов қилишдаги прокурорлик назоратини амалга оширишда шахсий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш ва туар-жой дахлсизлиги, ёзишмалар, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни сир сақланиши каби конституциявий қоидаларга алоҳида эътибор зарур.<sup>23</sup>

Дастребаки тергов ўз олдига қўйган вазифаларни бир мақсадга йўналтирилган икки муштарак томони мавжуд. Биринчиси, ҳар бир жиноят ишини тўла ва тез очиш, айборларни топиш ва жиноят содир этганларни адолатли жазога тортилишига ва ҳеч бир айбизз шахснинг жиноий жавобгарликка тортилмаслигига эришиш бўлса, иккинчи томони, олиб борилган жиноят судлов ишлари ҳуқуқ-тартибот ва қонунчиликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олиш ва уларни таг-томири билан йўқотишга, жамият ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга, фуқароларни қонунга нисбатан хурмат руҳида тарбиялашга эришишdir. Ҳар қандай жиноят ишини тергов қилишда, содир этилган жиноятнинг характеристидан қатъий назар, бу икки муштарак вазифа бажарилиши шарт ва улар бир-бири билан чамбарчас боғлангандир. Прокурорнинг дастлабки терговдаги асосий ваколатлари ҳам шу ердан келиб чиқади, яъни у бу икки вазифа чамбарчас ҳолда бажарилишини назорат қиласди. Улардан бирининг етарли даражада бажарилмаслиги қўпол қонунбузилишларига олиб келади.

Процессуал ва тергов ҳаракатлари устидан прокурорлик назоратининг вазифаларини қуйидаги қоидалардан келиб чиқсан ҳолда талқин қилиш мумкин:

1. Ҳар қандай жиноят очилмай қолмаслиги ва ҳар қандай жиноят содир этган шахс қонунда белгиланган жиноий жавобгарликдан қутулиб қолмаслиги керак;
2. Жиноят содир этишда гумон қилинган шахслар фақат қонунда кўрсатилган тартибдагина ушланиши лозим;
3. Ҳеч кимнинг ноқонуний ва асосланмаган равишида жиноий жавобгарликка тортилиши ва ҳуқуқлари чекланмаслиги керак;
4. Ҳеч бир шахс суднинг қарори ёки прокурор рухсатисиз қамоқقا олиниши мумкин эмас;

<sup>22</sup> Чувилев А. А. Прокурорский надзор в Российской Федерации. Учебник. -М.: Юрист, 1999. – Б.322.

<sup>23</sup> Жиноят процесси. Махсус қисм. /З.Ф.Иногомжонованинг умумий таҳрири остида. - Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.127.

5. Жиноят иши қўзғатишнинг ва тергов олиб боришининг қонунда кўрсатилган тартибига, унинг муддатларига риоя этиш ва процесс иштирокчилари хуқуқларининг ҳимоясига эътибор қаратиши шарт;

6. Ҳар бир жиноят иши ЖПКда кўрсатилган меъёрларга асосан барча шароитлар ҳисобга олинниб, ҳар томонлама, тўла ва холисона, айбланувчининг айблилиги ва айбизлигини исбот қиласидиган, айбни оғирлаштирадиган ва енгиллаштирадиган барча ҳолатлар аникланиб, тергов қилиниши шарт;

7. Содир этилган жиноятнинг сабаблари, уни содир этишга замин тайёрлаган шароитлар аникланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилиши керак.

Прокурорлар томонидан дастлабки тергов органлари устидан назоратни амалга оширишнинг муҳим шарти уларнинг ўzlари томонидан қонунларга қатъий амал қиласидиган ҳолда иш юритишларидир. Дастлабки тергов органлари ҳам қонунийлик принципига асосланган ҳолда иш кўришлари лозим. Баъзи терговчилар «жиноят ишларини очиш учун ҳар қандай усулдан фойдаланиш мумкин, жиноят иши очилиб, айборлар фош этилса бас»,<sup>24</sup> деб ҳисоблайдилар. Бу нотўғри, албатта. ЖПКнинг 2-моддасида жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ҳамда ҳукм қилинмаслиги таъкидланган. Терговчилар жиноятларни фош этишда фақатгина қонунга асосланган, қонунда кўрсатилган ва қонундан келиб чиқадиган усусларнигина қўллашлари мумкин.

Жиноят судлов ишларини юритиш жиноят иши қўзғатилгандан кейин бошланади.

Ҳар бир жиноят судлов ишларида қонунни тўғри татбик этилиши ишнинг муваффақиятли якунлашини таъминлаб, ижрочиларнинг йўл қўйиши мумкин бўлган ва процесс давомида унинг иштирокчиларининг қонуний хуқуқ ва манфаатларининг жиддий чекланишига олиб келувчи хатоларининг олдини олади.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичи - жиноят процессининг мустақил босқичи бўлиб, бир томондан, жиноий ҳодисага нисбатан дарҳол таъсир кўрсатилишини таъминласа, иккинчи томондан, жиноят аломатлари бўлган фактларни аниклайди. Жиноят ишини ўз вақтида қўзғатилиши жиноий фаолиятни давом этиришни тўхтатиш, жиноятни тез ва тўла очиш, айби бўлган шахсларни жавобгарликка тортилиши, айби бўлмаган ҳеч бир шахсни жавобгарликка тортилмаслиги, ҳамда жиноят судлов ишларининг бошқа масалаларини ҳал қилишга ёрдам беради. Жиноят ишини қўзғатишни етарли асосларсиз рад қилиш, қоидага кўра, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузилишига олиб келади.

Бундан шуни англаш мумкинки, жиноят судлов ишларининг юритиш устидан прокурорлик назорати жиноят иши қўзғатилган пайтдан эмас, балки ундин олдин, яъни жиноят тўғрисида хабар келиб тушган вақтдан бошлаб

<sup>24</sup> Прокурорский надзор. Учебник. / Под ред. проф. Ю.Е. Винокурова. -М.: Юрайт-М, 2004. -Б.301.

амалга оширилиши лозим. Прокурор жиноят ишини қўзғатиш ёки уни рад этиш тўғрисидаги қарорнинг қонунийлиги устидан назоратни ташкил этишда барча олиб борилган процессуал ҳаракатларнинг қонунийлигини текшириши керак.

Прокурор жиноят ишини қўзғатишнинг асослилиги ва қонунийлиги устидан назоратни амалга оширишда жиноят ишини қўзғатиш сабаб ва асослари содир қилинган ёки тайёрланаётган жиноятни тасдиқловчи фактик маълумотларда ўз аксини топганлигини хисобга олади. Ҳеч қандай тахмин, миш-миш, субъектив ишонч жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўла олмайди. Шунингдек, тезкор-қидирув воситалари билан олинган маълумотлар, агар улар бошқа маълумотлар билан тасдиқланмаса, жиноят ишини қўзғатиш учун етарли сабаб бўлмайди.

ЖПКнинг 337-моддасига мувофиқ, жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлиги устидан назорат олиб бораётган прокурор: 1) терговчининг жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ва иш қўзғатишни рад қилишга; 2) терговчининг жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ва айни вақтда иш қўзғатишга; 3) иш қўзғатиш тўғрисидаги ёки иш қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги суднинг ажрими устидан юқори судга протест беришга ҳақлидир.

ЖПКнинг 331-моддасига кўра, суриштирувчи, терговчи, суд жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим нусхасини ишнинг тергов қилиниши устидан назоратни амалга ошириши лозим бўлган прокурорга юборади. Прокурор нафақат жиноят ишини қўзғатишнинг, балки иш қўзғатишни рад қилишнинг қонунийлиги устидан ҳам назоратни олиб бориши лозим. Прокурор жиноят ишини қўзғатишни рад қилишнинг қонунийлигини текширишда қўшимча маълумотларни талаб қилиб олиши керак.

Баъзи амалиётчи олимлар терговчининг жиноят ишини қўзғатишни рад этиш қарори устидан назоратни ташкил этишда прокурор қуйидагиларга эътиборини қаратиши лозимлигини таъкидлайдилар: 1) жиноят ишини қўзғатишга тўсқинлик қилувчи шарт-шароитларни аниқлаш учун кўрилган чораларнинг қонунийлиги; 2) жиноят тўғрисидаги иш материалларини кўриб чиқиш ва бу ҳақда қарор қабул қилишнинг қонунда кўрсатилган муддатларига риоя этилганлиги; 3) жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорнинг асосланганлиги; 4) қабул қилинган қарорнинг тўғри процессуал расмийлаштирилганлиги; 5) жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорнинг жиноят-процессуал қонун талабларига мос келиши.<sup>25</sup> Мазкур фикрларга биз ҳам тўла қўшиламиз.

Жиноят тўғрисида етарли маълумотлар мавжуд бўлгандан кейингина, прокурор жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорни бекор қиласади. Бу эса қонунбузилишларини ўз вақтида бартараф қиласади, ҳамда

<sup>25</sup> Рагинский М.Ю., Рябцев В.П., Трубин Н.С. Прокурорский надзор за соблюдением закона при учете и разрешении заявлений и сообщений о преступлениях. -М.: 1987. -Б. 89.

мансадбор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан прокурорнинг таъсир кўрсатиш доирасини кенгайтиради.

Прокурор процесснинг иштирокчиси сифатида мустақил равища жиноят ишини қўзғатиши, қамоқقا олиш, тинтуб, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш, лавозимдан четлаштириш ва бошқа тергов ҳаракатларига рухсат бериши, шунингдек ҳар қандай процессуал ҳаракатларда иштирок этиши ёки жиноят терговини мустақил равища олиб бориши мумкин.

Прокурор мансабдор шахс сифатида ўзига бўйсунадиган терговчини рағбатлантириши ёки жазолаш масаласини қўйиши, қайсиdir жиноят ишини олиб боришдан четлатиши, лавозимидан олиб ташлаши қонунда белгилаб қўйилган.

Прокурорга берилган ваколатлар орқали, у дастлабки органлари томонидан йўл қўйилган қонунбузилишларини бевосита бартараф қиласди. Терговчига шахси аниқланмаган иш ўтказилган бўлса, бунда улар жиноят содир этган шахсни аниқлаш юзасидан терговчини хабардор қилиб турган ҳолда тезкор-қидирув ҳаракатларини олиб боришини давом эттирадилар.

Прокурор жиноятларни тергов қилишда қонунларга риоя қилинганлиги устидан назоратни амалга оширади. Прокурорнинг терговни ўтказиш жараёнидаги ҳолати терговчиникига қараганда ўзгачадир. Прокурор қарор қабул қилишда мустақил бўлса, терговчи жиноят ишини юритишида прокурордан розилик ёки рухсат олишига тўғри келади.

Жиноят ишини тергов қилиш, жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш прокурор фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир.

Бундан ташқари, прокурор ёки унинг ўринбосари кўп воқеали жиноят ишлари бўйича айловни айрим воқеалари юзасидан муайян шахсга нисбатан тўплаган далилларни айлов хулосаси тузиш учун етарли деб эътироф этса, шу воқеалар бўйича терговни тамомлаш ва ишни судга юбориш ҳақида ёзма кўрсатма беришга ҳақли (ЖПКнинг 383-моддаси).

Бир мансабдор шахсга турли режадаги бундай ваколатларнинг берилиши прокурорнинг дастлабки тергов босқичидаги процессуал ҳолатининг ўта мураккаб эканлигини кўрсатади ва асосийси, тергов натижалари учун жавобгарлик унинг зиммасига юклатилган.

Прокурорнинг дастлабки тергов органлари устидан назоратининг энг самарали воситаларидан бири фуқароларнинг қонуний ҳукуқ ва манфаатларини жиддий чекловчи тергов ҳаракатларига рухсат бериши ҳисобланади. Жиноят процессуал қонунда прокурорнинг рухсати олинганидан кейин ўтказилиши шарт бўлган тергов ҳаракатларининг рўйхати кўрсатиб ўтилган. Бунинг маъноси шуки, бу ҳаракатлар фақат прокурор розилиги олинганидан кейин бажарилиши керак. Қамоқقا олиш, тинтуб, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва давлат сири мавжуд бўлган ҳужжатларни олиб қўйиш, тиббий йўсингидаги мажбурлов чорасини қўллаш, лавозимдан четлаштириш каби тергов ҳаракатларини ўтказиш ва

процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги терговчининг қарорларига прокурор томонидан рухсат берилади.

Тамомланган жиноят иши бўйича айлов хulosаси (ЖПКнинг 379-моддаси), тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор прокурор томонидан тасдиқлангандан кейингина судга юборилиши мумкин (ЖПКнинг 388-моддаси). Жиноят ишини ЖПКнинг 84-моддасида кўрсатилган асослар билан тугатиша ҳам прокурорнинг розилиги олиниши керак.

Прокурор судда тараф сифатида иштирок этиб, унинг вазифаси – қўйилган айловни қўллаб қувватлаш ва суд олдида айбланувчининг барча кирдикорларини фош этиш, ўзининг айлов хulosаларини суд олдида исботлаб бериш, судланувчига нисбатан тегишли жазо тайинланиши учун қатъий позицияда туришдан иборат. Айловни қувватлаш ёки суд муҳокамасида исботланмаган бўлса, айловдан воз кечиш – бу прокурорнинг суддаги иштирокининг асосий мазмунини ташкил этиб, унинг суд муҳокамасининг қатнашчиси сифатидаги процессуал ҳолатини аниқлаб беради.<sup>26</sup>

Жиноят ишлари судда кўрилишида прокурорлар ўз иштирокларининг нафақат процессуал маъносини, балки ижтимоий негизини ҳам англаш етишлари лозим. Улар қонунбузилишларнинг олдини олишлари, фуқароларнинг ҳукуқлари бузилмаслигининг кафолати бўлишлари ва ўз ваколатлари доирасидаги вазифаларни сидқидилдан бажаришлари лозим. Прокурорнинг суддаги иштироки судга далилларни ҳар томонлама, тўла ва холисона таҳлил этишга, жиноий жавобгарликка тортилаётган шахснинг айбли ёки бегуноҳ эканлигини исботлашга, содир этилган жиноятнинг тўғри малакаланишига, шахсга нисбатан адолатли жазо тайинланиши ёки уни жазодан озод қилинишига ёрдам беради.

Назаримизда, «...прокурорнинг суддаги иштироки прокуратура органлари фаолиятининг энг масъулиятли йўналишларидан биридир»,<sup>27</sup> деган Н.Мельниковнинг фикрлари жуда ҳам тўғри.

Жиноят ишлари бўйича судларда прокурорнинг иштироки суд трибунасидан судланаётган шахсларга нисбатан тарбиявий таъсир кўрсатиш, ҳар бир суд муҳокамасидан жамият учун фойдали мулоҳазалар олиш, сиёсий ҳаётга ижобий ўзгаришлар киритиш учун фойдаланишга даъват этади.

Прокурорнинг судда иштирокидаги асосий вазифалари қўйидагилардир:

-биринчидан, прокурорнинг жиноят ишлари бўйича судда оптималь равиша қатнашишини таъминлаш;

-иккинчидан, жиноят ишлари кўрилиши оқибатида қабул қилинган ҳукм, ажрим ва бошқа суд қарорларининг қонунийлигини таъминлаш;

-учинчидан, жиноят судлов ишларида жабрланувчи, судланувчи ва бошқа процесс қатнашчиларининг қонуний манфаатларини таъминлаш.<sup>28</sup>

<sup>26</sup> Воскресенский В. В. Участие прокурора в рассмотрении дел // Российская юстиция - 1996 - №7 - Б. 2-4.

<sup>27</sup> Мельников Н. Участие прокурора в рассмотрении дел. // Российская юстиция. -1996. -№7. -Б.2-4.

Прокурорларнинг жиноят ишларини кўриш бўйича суддаги вазифалари тўғрисида қабул қилинган қарорларда уларнинг олиб борадиган ишлари фақатгина айловни қувватлашдан иборат эмаслиги кўрсатилган. Давлат айловчиси процесс қатнашчиларининг, жиноят қурбонларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишининг кафолати бўлмоғи лозим. Тортишув тамойиллари асосидаги суд муҳокамасида прокурор давлат айловини қувватлар экан, унинг далилларни исботлашдаги фаоллиги, касбий маҳорати содир этилган жиноятга жазо тайинланишида муҳим ўринни эгаллади. «Прокурорнинг ушбу ўриндаги вазифаси шундан иборатки, айбизз хар қандай шахс жиноий жавобгарликдан озод қилиниши керак. Прокурорнинг айнан шу функцияни бажараётганда айловдан воз кечиши ёхуд айловни енгиллик тарафига қараб ўзгартириши керак».<sup>29</sup>

Прокурор қувватлаётган айлов давлат айлови ҳисобланиб, прокурорнинг ўзи давлат айловчиси ҳисоланади, чунки у ўз фаолиятини давлат ваколатлари асосида, давлат номидан ва давлат манфаатларини кўзлаб олиб боради.<sup>30</sup>

Давлат айловчиси вазифасини бажаришда прокурор ишнинг барча ҳолатларини ўрганиши, уни тўғри ҳал этишга эришиши ва айловни фақатгина исботланган томонларини қувватлаши лозим. Жиноят ишлари бўйича судда иштирок этишда прокурор фақат қонун устуворлиги тамойилига суюнмоғи керак. Бунинг учун прокурор ўзи барча хукуқий нормаларга риоя қилиши, кимнинг манфаатлари камситилишидан қатъи назар, ҳар бир қонунбузилишига эътибор бериши лозим.<sup>31</sup>

Прокурорларнинг судда иштирокидаги холислиги ва уларнинг мустакиллиги қонунда белгиланган давлат айловини қувватлашдан воз кечишида яққол намоён бўлади.<sup>32</sup> Ноқонуний суд қарорлари устидан ўз вақтида протест келтирилади.

Прокурор жиноят ишлари бўйича судларда иштирок этиб, ўз ваколатлари доирасида: 1)судьянинг жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги қарорининг қонунийлигига эътибор беради; 2)судда давлат айловчиси сифатида иштирок этиб, жиноий таъқибни амалга оширади; 3) суд муҳокамаси даврида юзага келган масалалар юзасидан ўз фикр ва хулосаларини беради; 4) агар давлат, жамият ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоялаш талаб этилса, даъволар келтиради ва уларни судда ҳимоя қиласи; 5)суднинг асосланмаган ва ноқонуний қарорлари, ажримлари устидан протест келтиради; 6) протест ёки шикоятлар бўйича кўрилаётган

<sup>28</sup> Пўлатов Б.Х. Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. –Т.: Х.Ф. Мизим, 2004. –Б.211.

<sup>29</sup> Мадалиев О., Асраев А. Жиноят ишларини кўрилишида прокурорнинг процессуал мавқеи ва ҳимоячи билан ўзаро муносабати./ «Ўзбекистон Республикасида адвокатуруни такомиллаштириш муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2003. –Б. 92.

<sup>30</sup> Уголовный процесс. /Под ред. К.Ф. Гуценко. -М.: Зерцало - М, 2001. -Б. 108 .

<sup>31</sup> Иногомжонова З.Ф. Айлов нутқи ва унга қўйилган талаблар. // Ҳаёт ва қонун. -2005. -№2. -Б.5-7.

<sup>32</sup> Гуценко К.Ф., Ковалев М.А. Правоохранительные органы. Учебник для студентов юридических вузов и факультетов. -М: 1999. –Б. 291.

апелляция, кассация ва назорат тартибидаги судларга ўз хulosаларини тақдим этади; 7) судларнинг ҳукм, қарор ва ажримларининг қонунийлиги ва муддатларини текширади; 8) судларнинг ҳукм, ажрим ва қарорларининг бажарилиши устидан назорат олиб боради; 9) ҳукм, ажрим ва қарорлар қонун томонидан назорат тартибida қайта кўриб чиқиладиган ҳолатларда, янги очилган ҳолатлар бўйича жиноят иши қайта тикланадиган ҳолларда керакли чораларни кўради.<sup>33</sup>

Жиноят процессуал қонуни ва меъёрий ҳужжатларда қайд қилинишига кўра<sup>34</sup> прокурор суднинг барча инстанцияларида ўз ваколатлари доирасида фаол иштирок этади: прокурор қатнашмаган суд ишларидағи ҳукмларнинг қонунийлиги ва асосланганлигини текшириш; апелляция, кассация ва назорат тартибida ишларни кўришда қатнашиш йўли билан; ҳукмларнинг ижро этилиши, унинг қонунийлигини ва ўз вақтида бажарилганини текшириш билан; суд амалиётининг маълум давр ичидаги жиноят ишлари ва жиноят ишларининг айрим тоифаларини умумлаштириш йўли билан аниқланиши мумкин. Бундан ташқари прокуратура органларининг бошқа муҳим вазифалари ҳам мавжуддир. Булар моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши аниқлаш ва бартараф этиш ишлари, процесс қатнашчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят содир этиш сабаблари ва шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, жиноятчиликнинг пайини қирқиш чораларини кўриш учун судга ўз таъсирини ўтказиш ва бошқалардир.

Суд терговининг ўзига хос томони шундан иборатки, дастлабки терговдан фарқли ўлароқ судда кўрсатув берувчи барча томонлар бир вақтнинг ўзида, бир жойда ҳозир бўладилар, барча ашёвий далиллар ва ҳужжатлар бир ерга жамланган бўлади.<sup>35</sup>

Судда суд ҳаракатларини бажариш навбати тўғрисида прокурорнинг таклифлари эшитилади. Айрим ҳолларда бу жиноят ишининг ва суд ишининг мувафақиятли якунланишига имкон беради. Прокурор томонидан таклиф этилган далилларни таҳлил этиш навбати қатъий тартибда ва тўла асосда кўрилаётган ишнинг барча шароитларини очиб беришга хизмат қилиши керак. Прокурорнинг таклифлари ортида суд муҳокамасини ўтказишнинг батафсил вариантлари, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашнинг барча йўллари, усуллари жамланган бўлмоғи керак.

Процесс иштирокчиларининг шахсий муносабатлари замиридаги, ўзаро келишмовчиликлари ёхуд тарафларнинг бир-бирларига нисбатан пайдо бўлган қарама-қаршиликлари туфайли юзага келган вазиятда луқмадан (реплика) фойдаланиш мумкин эмас. Луқмани тарафлар фикрлари бир-бирига қарама-қарши бўлганлиги сабабли, шахсий келишмовчиликларни

<sup>33</sup> Басков В.И. Курс прокурорского надзора. Учебник для вузов. М.: 1998. –Б. 239.

<sup>34</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси. Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси Бюллетени. №10. –Т.: 2005. –Б.86.

<sup>35</sup> Щадрин В.С. Обеспечение прав личности при расследовании преступлений. - М.: Юрлитинформ, 2000. – Б.212.

ойдинлаштириш қуролига айлантирасликлари лозим. Луқма асосий айлов нутқи каби аниқ, исботланган, асослантирилган фактлардагина бўлиши керак.<sup>36</sup>

Суд муҳокамасининг ўтказиш тартиби тўғрисида прокурор таклиф берар экан, бу тартиб иш бўйича ҳақиқатни аниқлашнинг энг мақсадга мувофиқ ва унумли йўлларини кўзлаган бўлиши керак. Ишда мавжуд бўлган далиллар – бу оддий сонларнинг ўрнини алмаштиргандай йифиндиси ўзгармайдиган суммаси эмас. Жиноят ишида бундай ўрин алмаштириш ишнинг якунига жуда жиддий маънода таъсир кўрсатиши мумкин.<sup>37</sup>

Прокурорда суд муҳокамасини ўтказишнинг қатъий режаси бўлиши керак. Унинг суд муҳокамасини олиб борилиши тўғрисидаги таклифлари ишнинг барча ҳолатларини синчиклаб текширишни, такрорга йўл қўймасликни, судда ишга алоқадор бўлмаган масалалар кўрилмаслигини назарда тутиши керак. Бундан мураккаброқ бўлган ҳолатларда, яъни судланувчи (ёки улар бир нечта бўлса, улардан баъзилари) айбига иқрор бўлмаса, суд муҳокамаси бошқа тартибда ўтказилади. Бундай ҳолларда биринчи навбатда содир этилган жиноятнинг барча ҳолатлари тўғрисида ҳақиқатни сўзлаб бериши мумкин бўлган судланувчилар, жабрланувчилар, асосий гувоҳлар (воқеани билиши нуқтаи назаридан) ва бошқалар сўроқ қилинадилар.<sup>38</sup>

Ишнинг ҳолатлари тўла ва объектив равишда ўрганилиши учун прокурор, агар буни шароит тақозо қиласиган бўлса, суд муҳокамасини ўтказиш тартибини ўзгартириш тўғрисида ёзма равишда судга мурожаат қилиши керак.

Давлат айловчиси судланувчини сўроқ қилишда унинг шахсини эътиборга олган ҳолда алоҳида ёндошиши керак. Прокурор ўз олдида манфаатлари, қизиқишлиари ва ўзига хос томонлари бўлган инсонни ҳис қилиши керак. Судланувчининг руҳий ҳолатидан келиб чиқиб, унинг ижобий хислатларини ҳам аниқлаш ва бу хислатларни унинг салбий томонлари билан солиштириш мумкин бўлади. Прокурор шахснинг руҳий ҳолатидаги ўзига хос томонларидан фойдаланиши керак, чунки прокурор олдиндан белгиланган тактика судланувчига нисбатан қандай таъсир этишини билмаса, судланувчига нисбатан қўлланган ҳар қандай сўроқ қилиш усули муваффақиятли бўлмайди. Ҳар қандай ҳолда ҳам прокурор судланувчи билан яхши муносабат ўрнатишга ҳаракат қилиши лозим, чунки судланувчида прокурорнинг ҳақгўйлиги ва ишни объектив олиб бориши, қандайдир кўрсатувлар олинишига қизиқмаслиги тўғрисида иккиланиш бўлмаслиги керак. Бунинг учун прокурор судланувчининг шахси ва унинг характеристи хусусида яққол тасаввурга эга бўлиши лозим. Айбланувчининг жамоатчилик ишларидаги иштироки, унинг динга бўлган муносабати, хайрия фаолияти

<sup>36</sup> Жиноят процесси. Махсус қисм. / З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. -Т.: ТДЮИ, 2003. -Б. 195.

<sup>37</sup> Соловьев А.Б., Токарева М.Е., Халиуллин А.Г. Прокурорский надзор за исполнением законов при расследовании преступлений. - М.: Юрлитинформ, 2000. -Б. 116.

<sup>38</sup> Алексеев А.И., Ястребов В.Б. Профессия – прокурор. -М.: Юристъ, 1998. -Б. 108-109.

билин шуғулланиши, қизиқишилари, ва бошқаларни мисол қилиб келтириш ҳеч қачон ортиқча бўлмайди. Айбланувчининг яқин кишилари тўғрисидаги маълумотлар эса унинг шахсини ўрганишда катта аҳамият касб этади.<sup>39</sup>

Бундан ташқари, прокурор терговчи билан ҳам музокаралашиши мақсадга мувофиқдир, терговчи унга шахснинг аҳамиятга молик томонлари тўғрисида ахборот бериши мумкин.

Прокурор ўз навбатида суд жараёнида гувоҳларга ўз мажбуриятларини тушунтирилишини таъминлашда иштирок этиши керак. Гувоҳнинг судланувчига ва жабрланувчига нисбатан бўлган алоқасини аниқлаш ҳам прокурорнинг вазифасидир.

Прокурор судланувчига айбисизлигини кўрсатувчи, шунингдек айблов позициясига қарама-қарши келадиган саволларни, айниқса судланувчи ҳимоячидан воз кечган ҳолларда бериши мумкин эмас.

Прокурорнинг суддаги вазифаларидан бири эксперт хulosаларини баҳолашда иштирок этишидир. Прокурор экспертизанинг берган хulosасига кўшилмаслиги ҳам мумкин. Лекин қандай асосга кўра эксперт фикрига кўшилмаслиги сабабларини айблов фикрида, жиноят ишини бекор қилиш ҳақидаги қарорда, суднинг ҳукми ёки ажримида такрорий ёки қўшимча экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорида кўрсатилиши керак.<sup>40</sup>

Экспертнинг хulosаси суд ва прокурор томонидан ишнинг ҳамма ҳолатлари билан боғланган ҳолда текширилиши ва баҳоланиши лозим.

Эксперт хulosасини баҳолашда прокурор ўзининг ҳуқуқий онгига асосланиб иш кўради. Бу онг жиноят ишидаги ҳолатларни таҳлил этишга қонун-қоидаларнинг, шу жумладан процессуал қонун-қоидаларнинг мақсад ва маъноларини тушунтиришга ва исботлаш учун у қоидаларни қай тариқа ишлатиш манфаатли бўлганлигига эътиборни қаратишга ҳам хизмат қилади.

Прокурор фаолиятида ижтимоий онг биринчи галда унинг қонун талабларини оғишмасдан бажаришда ўз ифодасини топади.

Прокурорлар эксперт хulosасини ишдаги барча ҳолатларни ҳар томонлама тўла ва объектив равишда кўриб чиқишига асосланган ўзларининг ички ишончлари асосида, қонун ва ҳуқуқий онгга амал қилиб баҳолайдилар.

Эксперт хulosасининг илмий асослантирилганлиги фактик материалларнинг тўла ва сифатли эканлиги, қўйилган саволларга нисбатан тўлалиги текширилади.

Прокурор эксперт хulosасини баҳолаганда асосан қуйидагиларни аниқлаши керак:

1. Экспертни экспертиза ўтказишида жиноят процессуал қонунларига риоя қилинганлиги;

2. Экспертиза тайинлаш ва ўтказишида экспертни Жиноят процессуал кодекснинг тегишли моддасида талаб этилган айбланувчининг ҳуқуқига эътибор берганлиги ва экспертнинг мазкур иш бўйича мутахассислиги, материалларнинг экспертга қонунга мос равишда тақдим этилганлиги.

<sup>39</sup> Багаутдинов Ф. Изучение личности обвиняемого// Законность. -2001. -№1. -Б. 51.

<sup>40</sup> Комментарий к Уголовно - процессуальному кодексу Российской Федерации / Под общ. ред. В.В. Мозякова. -М.: 2002. -Б.112.

Прокурорнинг судлардаги айблов нутқи қуидаги элементларни ўз ичига олади: 1) жиноятга ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-психологик баҳо бериш; 2) ишнинг ҳақиқий ҳолатларини баён қилиш; 3) далилларни таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш; 4) қилмишга берилган юридик квалификацияни асослаш; 5) судланувчини шахсини тавсифлаш; 6) айборнинг айбини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш; 7) жиноятларни келтириб чиқаришга ёрдам берган сабаб ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф қилиш чоратадбирлари ҳақида таклифларни шакллантириш; 8) тайинланиши лозим бўлган жазога, ундирилиши лозим бўлган фуқаролик даъвосига, жиноят туфайли етказилган моддий зарани ундиришга ва шунга ўхшаш масалалар юзасидан ўз таклифини билдириш; 9) хulosса қилиш.

Шунингдек, З.Ф.Иногомжонованинг таъкидлашича, прокурор албатта ҳар қандай жиноят иши бўйича шу кўрсатилган тартибда айблов нутқини тузиши шарт эмас, балки жиноят ишининг ўзига хос хусусиятларига, жиноят иши бўйича тўпланган материалларнинг тузилишига қараб айблов нутқининг қайд этилган элементлари жойлашиши ўзгариши, шу элементларнинг мазмуни ва бутун ҳажми аниқ воқеа ҳолатларига қараб ўзгариши мумкин.<sup>41</sup>

Прокурор ўзининг айблов нутқида экспертиза хulosаларига таянишда унинг объективлигига, ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига мос келишига, унинг мантиқан ва ҳуқуқий томондан тўғри тузилганлигига эътибор қаратиши керак. Экспертнинг хulosалари иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан солиштириб, баҳоланади. Агар улар орасида номутаносиблиқ аниқланса, ўша мос келмаган жойлари қайта текширилиши лозим. Ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос келмаган эксперт хulosалари бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолда қайта экспертиза ўтказилиб, у бошқа экспертга топширилади.

Экспертларни сўроқ қилишда прокурор аниқлаштирувчи саволлар беришга ҳақлидир. Хulosса қилиб айтадиган бўлсак, экспертиза хulosаларини текширишда прокурор бегараз ва холис бўлиши керак.

Прокурор судда ўз вақтида ашёвий далилларни кўздан кечиришина таъминлаши керак.

Прокурор ашёвий далилларни кўздан кечиришида ҳимоячининг бу далилларни топишнинг процессуал тартиби бузилганлиги, дастлабки тергов материалларига ноқонуний қўшилганлиги тўғрисидаги аризасига кўпгина ҳолларда баҳо беришига тўғри келади. Бунда прокурор Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 203-212-моддаларида кўзда тутилган йўллар билан топилмаган далиллар жиноят судлов ишларида юридик кучга эга эмаслиги ва айбловнинг асосига қўйилиши мумкин эмаслиги, бундан ташқари ишнинг ҳолатларини исботлашда улардан фойдаланиш ман этилиши кўзда тутилганлигини назардан қочирмаслиги керак. Агар бу ашёвий далиллар ноқонуний йўл билан топилган деб ҳисобланса ҳам, давлат айбловчиси қонун

<sup>41</sup> Иногомжонова З.Ф. Айблов нутқи ва унга қўйилган талаблар. // Ҳаёт ва қонун. -2005. №2. -Б.5-7.

йўли билан иш кўрмоғи лозим. Лекин прокурорнинг давлат айловини қўллаш фаолияти асосан суд жараёнида ўз аксини топади.

Суд ажрим ва қарорларининг қонунийлиги ва асосланганлигини текшириш жиноят судлов ишларини юритишда муҳим масалалардан бири ҳисобланиб, айрим фуқаролар устидан ноҳақ суд ҳукми чиқишининг олдини олиб, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қиласди. Ҳукмларни қайта кўриб чиқиш юқоридаги мақсадларни қўзлаши билан бир қаторда суд ҳукмлари ижросининг чўзилиб кетишига, бир неча бор шикоятлар билан турли суд инстанцияларига мурожаат қилишга қарши қаратилган бўлмоғи лозим. Бу масалалар юқори инстанция судлари томонидан – яъни ишларни апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилишида ҳал этилади. Бу инстанцияларда иш юритилишида прокурор марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Чунки у жиноят процессининг қатнашчиси сифатида ўз ваколатлари доирасидан келиб чиқиб биринчи инстанция судларининг қарорлари, ажримлари устидан келтирган протестлари ишнинг юқори инстанция судларида кўрилишига сабаб бўлади. Юқори инстанция судларида ҳам прокурор асосан давлат айловини ва ўзи келтирган протестнинг қонунийлигини асослаб бериши лозим.

ЖПКнинг 497-моддасига биноан суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан апелляция тартибида прокурор томонидан протест билдириши мумкин. Апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан ЖПКнинг 498-моддасида кўрсатилган шахслар назорат тартибида шикоят беришлари мумкин. Апелляция протестлари ҳукм чиқарган суд орқали берилади. Шикоят ёки протест бевосита апелляция инстанция судига топширилган бўлса, суд уларни ҳукм чиқарган судга юборади.

Чиқарилган ҳукмлар ва ажримлар (қарорлар) билан бирга ишларни назорат тартибида кўриб чиқишига улар фақат апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилганидан кейин қонунда протест билдириш ҳуқуки берилган суд раиси, прокурор ёки уларнинг ўринbosарлари протест билдиргандагина йўл қўйилади.

Прокурор биринчи ва юқори инстанция судларида ўз номидан қатнашмайди, балки давлатнинг вакили сифатида қатнашади. ЖПКнинг 503-моддасида протестни қайтариб олишга ваколатли шахслар ва органлар кўрсатилган бўлиб, бу моддадан кўринадики, прокурорларнинг ўзи ёки юқори турувчи прокурор протестни қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Бу ҳақда олимлардан В.М.Савицкий, «Апелляция, кассация протестини юқори прокурор томонидан қайтариб олиниши одил ҳукм чиқарилишининг қўшимча кафолатидир, чунки суд ишни қўйи прокурорнинг етарлича асосланмаган протести бўйича қайта кўрмайди»,<sup>42</sup> деганди. Шу билан бирга айтиш мумкинки, протестнинг қайтариб олиниши одил ҳукм чиқаришга қўшимча кафолатдан бошқа нарса эмас. Апелляция ва кассация судлари учун протест худди апелляция, кассация шикояти каби, ҳукмнинг қонунийлиги ва

<sup>42</sup> Еникеев З.Д. Уголовное преследование. – Уфа: БашГУ, 2000. -Б.113.

асосланганлигини текшириш учун бир асос, холос. Ҳали бу ҳукм ва қарор ноконуний дегани эмас.

Прокурорларнинг апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида иштироки, уларнинг вазифалари доираси тўғрисида олимларнинг турлича фикрлари мавжуд. Баъзи олимларнинг фикрига кўра, «...прокурор юқори инстанция судларида айблов вазифасини бажармайди.»<sup>43</sup> Бошқа олимларнинг фикрига кўра эса, «...прокурор худди биринчи инстанция судидаги каби юқори инстанция судларида ҳам айблов вазифасини бажаради.»<sup>44</sup> Учинчиларининг фикрига кўра эса, «...прокурор баъзи ҳолатларда айблов вазифасини, баъзиларида эса қонун назорати вазифасини бажаради.»<sup>45</sup>

Назаримизда, бу фикрларнинг барчасида масалага бир ёқлама ёндошилгани кўринади. Прокурор биринчи инстанция судига тайёр айблов тезиси билан келади ва ўз айловини ҳимоя қиласди. Юқори инстанция судларида жиноят ишларини кўришда эса бу процесс кузатилмайди, яъни у чиқарилган ҳукмнинг қонуний, асосли ва адолатли эканлигига ўз муносабатини билдиради. Унда олдиндан тайёрланган айблов тезислари фақатгина ўзи протест келтирган ҳолатдагина бўлиши мумкин. Унинг апелляция, кассация ва назорат инстанциясида ҳукмга бўлган муносабати биринчи инстанция судидаги айблов хулосаларидан тубдан фарқ қилиши мумкин.

Агар прокурор, суд оғир жазо тайинлаганини ва жиноят ўта оғир моддалар билан малакаланган деб ҳисобласа, бу тўғрида шикоят берилгани учун протест беришдан бош тортишга ҳақли эмас, бундай ҳолларда у ҳукмга нисбатан ўз муносабатини аниқлаб, жазони енгилроғи билан алмаштириш ва жиноятни тўғри малакалаш тўғрисида протест келтириши лозим. Лекин амалиётда бундай протестлар жуда кам учрайди. Прокурорларнинг протестлари асосан айблов йўсенида бўлиб, оқланганликнинг нотўғрилиги, жазо чорасининг енгиллиги, суд томонидан жиноят енгилроқ модда билан малакалангани устидан протестлар келтирилади. Шунинг учун ҳам қўплаб протестлар юқори турувчи орган томонидан қайтариб олинади. Юқори турувчи прокурор апелляция, кассация муддати ўтганидан кейин қуий прокурорнинг протестини ўз протести билан алмаштиришга ҳақли эмас, бу ҳолатга апелляция, кассация муддатлари ичida йўл қўйилади. Апелляция, кассация муддатидан кейин ва суд мажлиси бошланишидан олдин юқори прокурор протестни қайтариб олиши мумкин.

Умуман олганда, прокурор юқори инстанция судларининг энг фаол иштирокчисидир. Прокурор бу босқичда протест келтириш, протестни қувватлаш, чиқарилаётган ажримларнинг қонунийлигини назорат қилиш каби қўплаб масалаларни ҳал этишда қатнашади.

<sup>43</sup> Алексеев Н.А. Уголовный процесс. -М.: Юристъ, 1995. -Б.112.

<sup>44</sup> Рыжаков А.П Уголовный процесс. - М.: ПРИОР, 1999. -Б.49-52.

<sup>45</sup> Нагорная Э.Н. Производство вкассационной инстанции арбитражного суда. –М.:Юстициинформ, 2000. -Б.122.

Ушлаб турғанларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноят-хуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилишини қонунийлиги устидан амалга ошириладиган прокурор назоратининг вазифалари Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддаси талаблари асосида қуйидагича белгиланади: шахсий даҳлсизлик ва эркинлик хуқуқини муҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир ҳилда бажарилишини таъминлаш; ҳеч кимнинг қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олинишига йўл қўймаслик; ушлаб турғанларни сақлаш жойларида (вақтинча сақлаш ҳибсонасида, авахта) ушлаб турниш тартиби, ушлаб турғанларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини таъминлашга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир ҳилда ижро этилишини; ушлаб турғанларни сақлаш жойлари маъмурияти томонидан қабул қилинадиган қарор ва ҳужжатларнинг қонунга мос келишини таъминлашдан иборатdir.

Прокурор ушлаб турған, қамоққа олинган, озодликдан маҳрум этилган ҳамда жиноят-хуқуқий таъсирнинг бошқа чораларига тортилган шахсларнинг жазони ижро этувчи орган ёки муассаса маъмуриятига, бошқа давлат органларига, жамоат бирлашмаларига, мансабдор шахсларга шикоят ҳамда аризалар билан мурожаат қилиш хуқуқлари тўғрисидаги қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Прокурор суднинг ҳукмни ижрога қаратиш юзасидан қабул қилган ҳужжатларининг жавобгар шахслар томонидан аниқ ва қонуний бажарилишини назорат қиласди. Суд ҳукмлари ижросини таъминлаш мақсадида прокурор томонидан кўпгина органлар ва муассасалар, жумладан; судлар, суд ижрочилари, ички ишлар органлари, жазони ижро этиш муассасалари, ҳокимиятлар қошидаги вояга етмаганлар иш бўйича комиссиялар, молия бўлимлари, шифохоналар ва бошқалар назорат қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, прокурор жиноят процессининг энг фаол иштирокчиларидан бири бўлиб, факат у жиноят иш юритувининг барча босқичларида, яъни жиноят ишини қўзғатиш босқичидан то шахсга нисбатан чиқарилган суднинг ҳукми кучга киритилгунга қадар иштирок этади. Прокурор барча жиноят ишлари кўрилишига бошчилик қилиб, ишлар бир босқичдан кейингисига ўтишида муҳим вазифаларни адо этади. Шу билан бирга унинг процессуал ҳолати ҳам турли босқичларда турлича кўринишга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисидаги” қонуни (яни таҳрири). «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишилар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 30.08.2001 йилдаги N 271-II Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

## **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (ЎзР 24.04.2003 йилгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Т.: Ўзбекистон, 2003. -40 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. -Б. 126.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.-Т.: Адолат, 1999. -525 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири). –Т.: 2002, –57 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг амалдаги буйруқлари, кўрсатмалари, низом ва йўриқномалари тўплами.-Т.: Прокурор-тергов ходимларнинг малакасини ошириш маркази, 1999. –Б.68.
6. Алексеев А.И., Ястребов В.Б. Профессия – прокурор. -М.: Юристъ, 1998. -Б. 108-109.
7. Алексеев Н.А. Уголовный процесс. -М.: Юристъ, 1995. -Б.112.
8. Багаутдинов Ф. Изучение личности обвиняемого// Законность. - 2001. -№1. -Б. 51.
9. Басков В.И. Курс прокурорского надзора. Учебник для вузов. М.: 1998. –Б. 239.
10. Басков В.И. Прокурорский надзор. –М.: МГУ, 1991. -Б. 153.
11. Воскресенский В. В. Участие прокурора в рассмотрении дел // Российская юстиция - 1996 - №7 -Б. 2-4.
12. Гуценко К.Ф., Ковалев М.А. Правоохранительные органы. Учебник для студентов юридических вузов и факультетов. -М: 1999. –Б. 291.
13. Еникеев З.Д. Уголовное преследование. – Уфа: БашГУ, 2000. -Б.113.
14. Жиноят процесси. Махсус қисм. /З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. - Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.127.
15. Иноғомжонова З.Ф. Айблов нутқи ва унга қўйилган талаблар. // Ҳаёт ва қонун. -2005. -№2. –Б.5-7.
16. Комментарий к Уголовно - процессуальному кодексу Российской Федерации / Под общ. ред. В.В. Мозякова. -М.: 2002. -Б.112.
17. Мадалиев О., Асраев А. Жиноят ишларини кўрилишида прокурорнинг процессуал мавқеи ва ҳимоячи билан ўзаро муносабати./ «Ўзбекистон Республикасида адвокатурани такомиллаштириш муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2003. –Б. 92.
18. Мельников Н. Участие прокурора в рассмотрении дел. // Российская юстиция. -1996. -№7. –Б.2-4.
19. Нагорная Э.Н. Производство вкассационной инстанции арбитражного суда. –М.:Юстицинформ, 2000. -Б.122.
20. Прокурорский надзор.Учебник. / Под ред. проф. Ю.Е. Винокурова. - М.: Юрайт-М, 2004. -Б.301.
21. Прокурорский надзор: Учебник / Под ред. Г.П.Химичевой. –М.: Юрлитинформ, 2001. –Б.97.

22. Пўлатов Б.Х. Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. –Т.: Х.Ф. Мизим, 2004. –Б.211.
23. Рагинский М.Ю., Рябцев В.П., Трубин Н.С. Прокурорский надзор за соблюдением закона при учете и разрешении заявлений и сообщений о преступлениях. -М.: 1987. -Б. 89.
24. Рыжаков А.П Уголовный процесс. - М.: ПРИОР, 1999. -Б.49-52.
25. Соловьев А.Б., Токарева М.Е., Халиуллин А.Г. Прокурорский надзор за исполнением законов при расследовании преступлений. - М.: Юрлитинформ, 2000. -Б. 116.
26. Уголовный процесс. /Под ред. К.Ф. Гуценко. -М.: Зерцало - М, 2001. -Б. 108 .
27. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси Бюллетени. №10. –Т.: 2005. –Б.86.
28. Хидоятов Б. Некоторые особенности взаимодействия следователя с органами дознания при расследовании дел связанных с незаконным оборотом наркотических средств. /Гиёҳвандликка қарши кураш: назария ва амалиёт. Конференция материаллари, -Т.: ТДЮИ, 2002. –Б. 126.
29. Чувилев А. А. Прокурорский надзор в Российской Федерации. Учебник. -М.: Юрист, 1999. –Б.322.
30. Щадрин В.С. Обеспечение прав личности при расследовании преступлений. - М.: Юрлитинформ, 2000. – Б.212.
31. Якубовский Д.О. Процессуальное доказывание. Понятия, средства, стадии. -М.: 2001. -Б.228.

### **Назорат саволлари**

1. Прокурор назоратининг асосий йўналишларини санаб ўтинг.
2. Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичида қандай вазифаларни амалга оширади?
3. Прокурорнинг дастлабки терговни шахсан ўзи олиб бориши ҳақида сўзлаб беринг.
4. Прокурорнинг биринчи инстанция судидаги иштирокига тўхталиб ўтинг.
5. Қонуний кучга кирган ҳукм ва ажримнинг қонунийлиги ва асослилигини прокурор томонидан назорат қилишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ҳақида гапириб беринг.

#### **4-§. Терговчининг жиноят процессидаги иштироки**

Жиноят иши бўйича дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати терговчилари олиб борадилар. Дастлабки терговни прокурорлар ҳам олиб боришлари қонунда назарда тутилган (ЖПКнинг 344-моддаси).

Терговчи дастлабки тергов босқичида терговнинг ўз вақтида ва сифатли олиб борилиши учун масъул бўлган асосий шахс ҳисобланади. Унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси қонун билан белгиланган. Лекин жиноят процесси фанида терговчи масъулиятини ошириш масаласи муҳим муаммолардан бири бўлиб келмоқда.

Терговчи – дастлабки тергов босқичида қонунийлик ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жиноят содир этган ҳар бир шахснинг жазосиз қолмаслиги ва бирорта айбизз шахснинг жиноий жавобгарликка тортилишига йўл қўйилмаслиги учун қонунни тўғри қўллашга масъул бўлган жиноят процессининг иштирокчисидир.

Олий юридик ёки бошқа маҳсус маълумотга эга бўлган, зарур касбий ва ахлоқий сифатларни ўзида мужассамлаштирган, соғлигига кўра ўзига юклатилган мажбуриятларни бажара оладиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари терговчи бўлишлари мумкин.

Жиноят ишининг хусусияти ва мазмуни, босқичи ва мураккаблик даражаси, малакаланиши ва терговчининг тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда терговчилар турли мансабда бўлишлари ва улар терговчи, катта терговчи, ўта муҳим ишлар бўйича терговчи ва ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчи деб аталиши мумкин. Дастлабки терговни амалга оширишига кўра ходимлар лавозимининг бундай номланиши тергов бўлими мавжуд бўлган барча идораларда мавжуд.

Одатда туман ва шаҳар прокуратураларида терговчи ва катта терговчилар, вилоятлар ва Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида терговчи, катта терговчи, ўта муҳим ишлар бўйича терговчилар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчи, ўта муҳим ишлар бўйича терговчи ва катта терговчилар фаолият юритишади. Ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати ва ҳарбий прокуратураларда ҳам терговчилар мансаблари деярли шундай тақсимланади.

Терговчининг жиноят процессидаги ўрни ва маҳсус ваколатлари процессуал функциялар деб номланадиган унинг ўзига хос фаолият йўналишларида ўз аксини топади. Бунда терговчи томонидан амалга ошириладиган функцияларнинг сони турлича талқин этилади. Лекин терговчи факат битта функцияни – жиноят ишини тергов қилиш вазифасини бажаради, деган фикр кенг тарқалган. Шу билан бир вақтда терговчи икки<sup>46</sup>,

<sup>46</sup> Стремовский В.А. Участники предварительного следствия в уголовном процессе. –М.: Наука, 1968. –Б. 122.

уч<sup>47</sup>, беш<sup>48</sup> ва ҳатто етти<sup>49</sup> функцияни бажаради, деган фикрлар ҳам учраб туради.

Кўп ҳолларда терговчи бажарадиган функциялари сифатида қуидагилар кўрсатилади: айблов, ҳимоя, ишни ҳал этиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашда жамоатчиликни жалб этиш, тарбия ва бошқалар.

А.П.Гуляев томонидан терговчининг жиноят процессида амалга оширадиган қуидаги функциялари санаб ўтилган: жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш; иш ҳолатларини ўрганиш; жиноят содир этишда айблаш; фуқароларни жиноят содир этишда асосиз айблашнинг олдини олиш; жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш ва мулкни мусодара қилиш юзасидан ҳукмнинг ижросини таъминлаш; жиноят содир этилишига сабаб бўлган ҳолатларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш ва жиноятларнинг олдини олиш; тураг жойи номаълум бўлган айбланувчиларга қидирув эълон қилиш; жиноят ишларини ҳал қилиш.<sup>50</sup>

Адабиётларда процессуал функция тушунчаси бўйича яқдил фикрга эришилган тақдирдагина терговчининг функциялари тўғрисидаги баҳс муваффақиятли ҳал этилиши мумкин. Ҳозирча бундай ягона фикр мавжуд эмас. Бундан ташқари, терговчи айблов функциясини амалга оширадими, деган савол ҳам долзарб бўлиб турибди.

Бизнинг фикримизча, терговчи фақат тергаш функциясини амалга оширади. Юқорида функйиялар деб номланган вазифалар терговчининг ваколатларидан келиб чиқувчи хуқуқ ва мажбуриятлар ҳисобланади.

Терговчи гумон қилинувчиларни ушлаб туриш, уларга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллаш, шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб этиш ва айб эълон қилиш ҳамда айблов хulosасини тузиш ваколатларига эга. Энг муҳими терговчи бу ваколатларини тўла, ҳар томонлама ва холисона бажариши шарт.

Терговчи айблов тўғрисида қарор чиқаргач, айбловчига айланмайди ва айблов функциясини амалга оширмайди, у ўзининг ягона процессуал функцияси бўлган жиноят ишини тергов қилиш яъни ишни тўла, ҳар томонлама ўрганиб чиқиш, объектив ҳақиқатга мос келадиган исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш билан шуғулланади.

Дастлабки тергов органларининг жиноятларни очиш ва ва айбланувчини фош этишда тутган ўрни уларнинг жиноят процессида қандай процессуал функцияни бажаришига боғлиқ бўлади<sup>26</sup>. Процессуал адабиётларда бу масала юзасидан турли хил фикрлар билдирилган. Баъзи олимлар терговчининг фаолияти қораловчи(айбловчи)<sup>27</sup> мазмунида ва ҳатто бу билан далилларни

<sup>47</sup> Строгович М.С. Курс уголовного процесса, Т.1. –М.: Наука, 1970. –Б. 226.

<sup>48</sup> Мариупольский Л.Н., Гольст Г.Р. К вопросу о процессуальных функциях следователя. // Государство и право. -1963. - №6. -Б 114.

<sup>49</sup> Фаткуллин Ф.Н. Обвинение и судебный приговор. –Казань: 1965. -Б. 62-63.

<sup>50</sup> Гуляев А. П. Следователь в уголовном процессе. -М.: 1981. -Б.23.

<sup>26</sup> Салиев Ю. Раскрытие преступлений как уголовно- процессуальная функция. -Т.: 1991. –Б.31.

<sup>27</sup> Журавлёв В.Г. Обвинение как уголовно процессуальная функция в уголовном и военно-уголовном процессе. -М.: 1950. -Б. 15.

тўплашда айлов томонга ён босиши<sup>28</sup> ҳақида фикрлар билдирилган. Бошқа олимларнинг фикрича, терговчининг фаолияти айлов, ҳимоя ва ишни ҳал қилиш функцияларини ўзида мужассамлайди<sup>29</sup>. Шундай қарашлар ҳам борки, унга асосан терговчининг фаолияти икки босқичга ажратилади: 1) ишда айланувчи юзага келгунча терговчи жиноятни очади; 2) шахсга айлов эълон қилингандан сўнг бу шахсни фош этади ёки бир вақтнинг ўзида ҳам фош этади ҳам ҳимоя қиласи<sup>30</sup>.

Бизнинг фикримизча, бу қарашлар терговнинг тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона ўтказилиши тўғрисидаги бошланғич қоидаларини унутиб, терговчининг ўз характеристери бўйича ягона бўлган фаолиятини қисмларга ажратиб ташлади.

Терговчининг фаолияти, албатта, иш учун «бетараф» бўлган фактларни аниқлашга эмас, балки айни топишга қаратилмоғи лозим. Бироқ бу факат айлов йўналишидаги фаолият бўлмаслиги, терговнинг тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона юритилиши қонуннинг талабидир.

Терговчи ўз функцияларини тегишли даражада бажариш учун масъул ҳисобланади ва терговнинг йўналиши ва тергов ҳаракатларини юритишга оид барча қарорларни, прокурор рухсатини олиниши лозим бўлган қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, мустақил равишда қабул қиласи. Буларнинг барчаси ЖПКнинг 36-моддасида ўз аксини топган.

Терговчининг мустақиллиги ва масъулдорлиги тамойили у бажарадиган функцияларнинг асосида ётади. Бу тамойил терговчи дастлабки тергов давомида амалга оширадиган жиноят ҳолатларини ўрганиш вҳал қилишда яққол намоён бўлади. Айнан иш ҳолатларини ўрганиш жиноят иши бўйича оралиқ ва якуний қарорларни чиқариш ва айлов ёки ҳимоя учун асос бўлиб хизмат қиласи. Терговчининг баъзи вазифалари маълум бир жиноят ишини кўриб чиқишида бажарилмаслиги ҳам мумкин (масалан, моддий зарар қопланишини таъминлаш, агар жиноят моддий зарар келтириш билан боғлиқ бўлмаса). Маълум бир вазифанинг амалга оширилишини жиноят ишини ўрганиб чиқмасдан туриб аниқлаш мушкул.

Терговчининг фаолияти бир қатор ҳаракатлар ва қарорлардан иборат бўлиб, у қонун талабларига мувофиқ жиноят ишини сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқишини тақозо этади. Терговчининг шахсий масъулияти у амалга оширадиган барча ҳаракатлар, ечим ва қарорларига тегишилдири. Терговчига процессуал мустақилликни, яъни қонунга асосланган ҳолда ва ўз ички ишончидан келиб чиқиб иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона кўриб чиқиш учун мустақил ҳаракат қилиш имкониятини таъминламасдан, ундан масъулдорликни талаб қилиш мумкин эмас.

<sup>28</sup> Чельцов М.А. Система основных принципов уголовного процесса. -М.: 1946. -Б. 130.

<sup>29</sup> Строгович М.С. Уголовное преследование в уголовном процессе. -М.: 1951, -Б.98; Курс уголовного процесса. -М.: 1958. -Б.127.

<sup>30</sup> Строгович М.С. Курс уголовного процесса. -М.: 1958. -Б.127; Чельцов М.А. Уголовный процесс . М.: 1948. -Б.76.

Терговчи мустақиллигининг чегараси унга берилган ваколатлар доираси орқали белгиланади. Терговчи ўз ваколатларини амалга ошириш давомида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга сўзсиз риоя қилиши лозим. У, ҳатто, айланувчига нисбатан тергов ҳаракатларини амалга ошириш учун сўроқقا чақиришда, маълум бир жиҳатдан шахснинг эркинлигини чеклашга, яъни кундалик иш билан шуғуллана олмасликка сабаб бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиши керак. Шу сабабли терговчи барча ҳолатларни чуқур таҳлил қилган ҳолда айланувчини тергов органига чақириш керакми ёки йўқми, деган масалани ҳал қилиши лозим.

Терговчининг мустақиллиги ва унинг ишлаш самарадорлигини ошириш борасида хуқуқшунос олимлар ва амалиётчилар томонидан қўплаб илмий қўлланмалар ишлаб чиқилмоқда.<sup>51</sup> Терговчи маълум бир процессуал мустақилликка эга, у иш ҳолатларидан келиб чиқиб ва уларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиб, ўзининг қарорларини чиқаради.<sup>52</sup> Терговчининг у ёки бу идорада хизмат қилиши унинг процессуал фаолиятига таъсир қилмай, балки унинг ваколатини терговга тегишлилик қоидалари бўйича чегараларини белгилайди. «Қайси ташкилотга тегишлилигидан қатъий назар ҳар қандай терговчи ўзининг фаолияти ва йўналишлари мазмuni билан боғлиқ бўлган қонун талабларига риоя қилиши шарт. У ҳар бир жиноят тез ва тўла тергов қилиши, ҳар бир жиноят содир этган шахс адолатли жазога тортилиши ва айби бўлмаган ҳар қандай шахс жиноий жавобгарликка тортилмаслиги, судланмаслиги тўғрисидаги қонун талабларини бажарилишини таъминлаши керак.»<sup>53</sup>

Юқорида таъкидлаганимиздек, терговчининг мустақиллиги судъяларнинг мустақиллигидан тубдан фарқ қиласи. Судъяларга ҳеч ким, давлатнинг ҳеч қайси органи, ҳатто юқори турувчи суд ҳам уларнинг юритувида бўлган ишни қандай ҳал қилиши бўйича кўрсатмалар бера олмайди. Терговчига эса прокурор жиноят ишидаги ҳар қандай масала бўйича кўрсатмалар беради ва бу терговчи учун мажбурийдир. Лекин бу кўрсатмалар икки шарт асосида мажбурий ҳисобланади. Биринчидан, прокурорнинг кўрсатмалари фақат ёзма равишда берилган бўлса, терговчи учун мажбурий (ЖПКнинг 37-моддаси 3-қисми, 382-моддаси 3-қисм 3-банди, 4 қисмлари). Бу техник талаб эмас, балки процессуал-хуқуқий талаб бўлиб, унинг маъноси шундаки, прокурор терговчига ўз кўрсатмаларини ёзма равишда тузиб, шу билан уларнинг қонунийлиги ва асослилиги ҳамда терговчи томонидан уларнинг бажарилиши натижасида келиб чиқсан оқибат учун ҳам жавобгар бўлади. Прокурорнинг ёзма кўрсатмалари процессуал хужжат сифатида ишга қўшиб қўйилади. Иккинчидан, прокурор томонидан берилган кўрсатмалар турли хил тергов ҳаракатларини ўтказиш хақида

<sup>51</sup> Дворкин А.И. Селиванов Н.А. Пособие для следователей. Расследование преступлений повышенной общественной опасности. –М.: Юрид. лит., 1998. –Б.39.

<sup>52</sup> Белкин Р.С. Курс криминалистики. Т.1-3 –М.: Юристъ, 1999. –Б.97.

<sup>53</sup> Трубочкина В.В. Процессуальное положение следователя./ Вестник Московского университета, Серия 11. // Право. -1997. -№5. –Б.39.

таклиф мазмунида берилиб, терговчини иш ҳолатлари бўйича муайян хulosса чиқариш учун мажбурламаса ҳам, бу кўрсатмаларни бажариш терговчи учун мажбурийдир. Бунинг маъноси шундаки, агар прокурор терговчига у ёки бу ҳолатни аниқлашни, бирор масала бўйича экспертиза ўтказишни, бирор шахсни сўроқ қилишни таклиф этса, терговчи бундай кўрсатмаларга рози бўлмаса ҳам, уларни тўхтатмай ижро этиши лозим. Аммо кейинчалик бу кўрсатмалар устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиши мумкин. Агарда прокурор берган кўрсатмалар терговнинг мазмuni ва натижасига тегишли бўлса, бунда прокурор терговчини ўз ишончига қарши чиқишига мажбур эта олмайди. Бинобарин, ЖПКнинг 36-моддаси 3-қисмига асосан, терговчи прокурорнинг шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, жиноятни тавсиф қилиш ва айблов, эҳтиёт чораси сифатида камоқقا олиш, ишни судга юбориш ёки ишни тугатиш, тугалланган ишни қўшимча терговга қайтариш ҳақидаги кўрсатмаларига рози бўлмаса, ўз эътиrozларини ёзма равишда баён қилган ҳолда, ишни юқори турувчи прокурорга тақдим этишга ҳақлидир. Бундай ҳолда қуи турувчи прокурорнинг кўрсатмасини юқори турувчи прокурор ўз қарори билан бекор қиласди ёки иш бўйича тергов юритишини бошқа терговчига топширади. Қонуннинг бу кўрсатмасига оғишмай риоя этиш терговчининг ҳақиқатда эркин ва мустақил бўлишини кафолатлади. Терговчи прокурор кўрсатмаларининг техник ижрочиси эмас, у мустақил процессуал фигура, у қонун билан унга муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклатилган жиноят процессуал фаолиятнинг мустақил субъектидир.

Терговчининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ ваколатлари, хусусан қамоқقا олиш (ЖПК, 243-модда) ва тинтув ўтказиш (ЖПК, 161-модда) прокурорнинг санкциясига мувофиқ амалга оширилади. Бу билан фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш янада мустаҳкамланади. Айбланувчини ишдан четлатишда ҳам худди шу мақсадда прокурор санкцияси олинади (ЖПК 256-модда 1-банди). Ушбу чораларни қўллашда прокурор санкциясининг талаб қилинишидан бу борада терговчи мустақил қарор қабул қилмайди деган хulosса келиб чиқмаслиги керак.

Бизнинг фикримизча, терговчининг прокурор томонидан хоҳлаган масала бўйича берилган кўрсатмаларга норозилиги, агар бу норозилик юқори турувчи прокурор томонидан рад этилмаган бўлса, тўлиқ ва ҳар томонлама терговни амалга ошириш мақсадида терговчини алмаштириш заруратини вужудга келтиради.

Терговчи, бошқа мансабдор шахслар сингари, ўз вазифаларини бажариш жараёнида ўз фаолиятининг ташкилий ва бошқа таъминотларга таяниш, ўз фаолияти жараёнида давлатнинг ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бу борада қонунчилик терговчининг ўз юритувидаги иш юзасидан қонунга мувофиқ берган ёзма топшириклари ва чиқарган қарорлари барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийлигини талаб этади (ЖПК 36-модда 4-банди). Терговчининг ягона функция сифатида терговни олиб бориши концепциясида жиноий таъқиб функцияси, шунингдек, дастлабки тергов

босқичида уни амалга оширувчи шахслар масаласи олиб ташланади. И.Л.Петрухин ушбу концепциянинг тарафдори сифатида шундай ёзган эди: «Терговчи шахсни айбланувчи сифатида ишга жалб этиш ҳақида қарор чиқарилганидан кейин айбловчи бўлиб қолмайди ва айблов функцияларини амалга оширмайди, у ўзининг ягона процессуал функцияси ҳисобланган жиноят ишини ҳар томонлама, тўла ва холисона тергов қилишни давом эттиради».<sup>54</sup> Муаллиф бу ерда терговчининг холисоналигига ҳайриҳоҳлик қилиш нуқтаи назарига асосланган бўлса керак.

Ҳозирги давр шароитида терговчи ўзининг вазифалари ва қонунийликни таъминлашдаги ўрнига янгича назар ташлаши лозим. Бу эса ўз навбатида кўп нарсаларга, масалан терговчининг процессуал мустақиллигига янгича нигоҳ билан қарашга мажбур этади.

Агар дастлабки терговни ички ишлар органларининг терговчилари ёки миллий хавфсизлик хизмати органларининг терговчилари олиб бориша, улар ЖПКнинг талабларига тўла риоя қилишлари лозим. Айнан шу органларда мавжуд бўлган ва терговга оид бўлган идоравий ҳужжатлар тўла равишда қонун талабларига мос бўлиши шарт, акс ҳолда ЖПКнинг талаблари устувор ҳолатда бўлади.

Ички ишлар органлари ва хавфсизлик хизмати органларида тергов аппарати терговчилар, катта терговчилар, энг мураккаб ишлар бўйича терговчилардан ташкил топади.

Ҳозирги вақтда ҳукуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини тубдан яхшилаш, дастлабки терговда иштирок этадиган процесс иштирокчиларининг бир-бирлари билан ўзаро алоқалари самарадорлигини ошириш масаласи турибди.<sup>55</sup> Суриштирув ва тергов органлари алоқаларини такомиллаштириш масалалари кўп вақтдан бери турли тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда.<sup>56</sup>

Терговчи зиммасига дастлабки терговни олиб бориш билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятларни юклатиш ман этилади. Терговчи қуйидаги ҳолатларда жиноят ишини юритишда иштирок этишга ҳақли эмас ва уни рад қилиши лозим:

1) у ушбу иш бўйича жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, эксперт, мутахассис, таржимон, гувоҳ, холис, ҳимоячи сифатида, гумон қилинувчи, айбланувчининг қонуний вакили ёки жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этаётган бўлса ёки илгари иштирок этган бўлса;

2) у ушбу ишни юритиш учун маъсул бўлган бирор бир мансабдор шахснинг ёки юқорида кўрсатилган ўзга шахсларнинг қариндоши бўлса;

3) унинг холислилиги ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

Терговчининг ўз процессуал мажбуриятларини бажариши, башарти ушбу иш қўшимча тергов юритиш учун жўнатилган бўлса, дастлабки тергов

<sup>54</sup> Петрухин И.Л. Состязательность и правосудие. // Государство и право. -1994. -№10. -Б.128.

<sup>55</sup> Истина... И только истина / Под ред.: А.Я. Сухарева. - М.: Юристъ, 1991. -Б.63.

<sup>56</sup> Рыжаков А.П., Сергеев А.И. Субъекты уголовного процесса. -М.: Юрид. лит., 1998. -Б.85-89.

юритишига монелик қилмайды (ЖПКнинг 76-моддаси). Агар ЖПКнинг 76-моддаси 1-қисмида кўрсатилган асослардан бири мавжуд бўлса, терговчи ўзини-ўзи рад этиши шарт.

Тергов бўлимининг раҳбари ҳам дастлабки терговни олиб бориш хуқуқига эга. Терговчининг фаолияти устидан ташкилий процессуал раҳбарликни амалга оширувчи шахслар рўйхати ЖПКнинг 37-моддасида белгиланган: тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гурухи бошлиғи ва унинг ўринбосари. Ўзининг мазмуни ва ҳажмига кўра уларнинг ваколатлари мураккаб характерга эга. Бу ваколатлар, биринчидан – тергов бўлинмасининг бошлиғига тегишли бўлиб, улар терговчининг фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш учун берилган, иккинчидан – тергов бўлими бошлиғи жиноят ишини шахсан тергов қилиш вақтида фойдаланадиган терговчининг ваколатлариdir.

Тергов бўлимининг раҳбарлари прокуратура органларида, ички ишлар органларида, миллий хавфсизлик хизмати органларида мавжуд ва уларнинг муовинлари ҳам дастлабки терговни олиб бориш хуқуқига эга. Агар тергов бўлимининг бошлиғи шахсан ўзи дастлабки тергов олиб бориш тўғрисида тегишли қарорга келса, у ҳолда терговчининг вазифаларини бевосита бажариши керак.

А.М.Ларин таъкидлаганидек, тергов бўлимининг бошлиғи «терговнинг доимий, мажбурий иштирокчиси эмас».<sup>57</sup> Кўплаб жиноятлар тўла ҳажмда унинг иштирокисиз тергов қилинади. Ҳатто тергов бўлими бошлиғининг ўз ваколатлари доирасида жиноят ишлари бўйича терговчиларнинг фаолияти устидан назорат олиб бориши ҳам процессда уни «доимий иштирок этувчи» мансабдор шахс сифатида эътироф этишга имкон бермайди, баъзи кичик туманларда тергов гуруҳини ташкилий томондан катта терговчи бошқаради ва бундай лавозимнинг ўзи мавжуд эмас.

Терговчи ўз фаолиятида мустақил бўлса-да, унга тергов бошқармаси (бўлими) бошлиғи раҳбарлик қиласди. Ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органларида тергов бошқармаси бошлиғи алоҳида мансабдор шахслар бўлса, прокуратура идораларида тергов бошқармаси бошлиғи прокурор ҳисобланади.

Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гурухнинг бошлиғи ва унинг ўринбосари ўз ваколатлари доирасида жиноятларни очиш ва уларни олдини олиш юзасидан терговчиларнинг ўз вақтида ҳаракат қилишини назорат қилиб турадилар, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўла, холисона ва ҳар томонлама олиб бориш чораларини қўрадилар. Тергов органининг бошлиғи ва унинг ўринбосари ишларни текшириб қўришга, шунингдек дастлабки тергов ўтказиш, шахсни ишда айданувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш, жиноятни тавсиф қилиш ва айбловнинг ҳажми ҳамда ишнинг йўналишини белгилаш, айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш хақида терговчига кўрсатмалар беришга, ишни бир терговчидан иккинчисига топширишга, шунингдек терговчини ваколатларидан фойдаланиб, дастлабки

<sup>57</sup> Ларин А.М. Расследование по уголовному делу: процессуальные функции. –М.: 1986. –Б.138.

терговни олиб боришда қатнашишга ва дастлабки терговни шахсан ўзи олиб боришга ҳақлидир (ЖПКнинг 37-моддаси). Тергов органи бошлиғи ва унинг ўринbosари иш юзасидан терговчига берган ёзма кўрсатмалари терговчи учун мажбурийдир (ЖПКнинг 37-моддаси 3-қисми).

Шуни назарда тутиш керакки, тергов бошқармаси (бўлим) бошлиғи ўз қарорлари билан терговчининг қарорларини бекор қила олмайди, бундай хуқуқ факат прокурорга берилган. Ундан ташқари терговчи ва тергов бошқармаси бошлиғи ўртасидаги низоли масалалар бўйича охирги сўз прокурорга тегишилдири.

Агар жиноят иши кўп меҳнат талаб қиласа ва жуда мураккаб ёки ўта долзарб бўлса, дастлабки тергов терговчилар гурухи томонидан ҳам олиб борилиши мумкин. Бу ҳолларда прокурор ёки тергов бўлимининг бошлиғи ушбу иш бўйича дастлабки тергов юритишни доимий ёки маҳсус тузилган тергов гурухига топшириши мумкин. Терговчилар гурухи устидан раҳбар тайинланади ва у ҳам тегишили ваколатларга эга.

Демак, жиноят процессида дастлабки терговни олиб боришга ваколатли органлар ва мансабдор шахслар рўйхати кенг ҳамда улар терговни муваффақиятли олиб боришлари учун қонунларда белгиланган кўплаб ваколатлардан фойдаланадилар.

## Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (ЎзР 24.04.2003 йилгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Т.: Ўзбекистон, 2003. -40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.-Т.: Адолат, 1999. -525 б.
3. Белкин Р.С. Курс қrimиналистики. Т.1-3 –М.: Юристъ, 1999. –Б.97.
4. Гуляев А.П. Следователь в уголовном процессе. –М.: 1981. –Б.5.
5. Гусаков Э.Г. Принцип состязательности и досудебные стадии уголовного процесса. В.сб. Судебная реформа и эффективность деятельности органов суда, прокуратуры и следствия. / Под общ. ред. проф. В.В. Новика. - СПб.: 2001.–Б.14-19.
6. Дворкин А.И. Селиванов Н.А. Пособие для следователей. Расследование преступлений повышенной общественной опасности. –М.: Юрид. лит., 1998. –Б.39.
7. Еникеев З.Д. Уголовное преследование. Учебное пособие. –Уфа: БашГУ, 2000. – 131 б.
8. Жиноят процесси. Умумий қисм. / З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. –383 б.
9. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессуал қонунини либераллаштириш - давр талаби. /Суд-хуқуқ ислохоти: назарий ва амалиёт мавзусида халқаро илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: 2001. – Б.62.
10. Истина... И только истина / Под ред.: А.Я. Сухарева. - М.: Юристъ, 1991. –Б.63.

11. Колоколов Н.А. Судебный контроль в стадии предварительного расследования. –М.: ЮНИТИ, 2004. -303 б.
12. Ларин А.М. Расследование по уголовному делу: процессуальные функции. –М.: 1986. –Б.138.
13. Ленский А.В. Досудебное (предварительное) следствие. –Кемерово: 1997. –Б.202.
14. Петрухин И.Л. Состязательность и правосудие. // Государство и право. -1994. -№10. –Б.128.
15. Рыжаков А.П., Сергеев А.И. Субъекты уголовного процесса. -М.: Юрид. лит., 1998. –Б.85-89.
16. Салиев Ю. Раскрытие преступлений как уголовно- процессуальная функция. -Т.: 1991. –Б.31.
17. Строгович М.С. Курс уголовного процесса, Т.1. –М.: Наука, 1970. – Б. 226.
18. Трубочкина В.В. Процессуальное положение следователя./ Вестник Московского университета, Серия 11. // Право. -1997. -№5. –Б.39.
19. Тұлаганова Г.З. Жиноят процессида әхтиёт чораларини қўллаш муаммолари. –Т.: Адолат, 2005. -168 б.

### **Назорат саволлари**

1. Жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов қайси органларга мансуб бўлган терговчилар томонидан олиб борилади?
2. Жиноят процессида терговчи, тергов бошқармаси (бўлим, бўлинма ва гурух) бошлиғининг процессуал ҳолатига тўхталиб ўтинг.
3. Терговчининг процессуал мустақиллиги деганда нимани тушунасиз ва ушбу мустақилликни сифат жиҳатдан юқори пофонага кўтариш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш керак деб ўйлайсиз?

### **5-§. Суриштирув органлари**

Суриштирув органи, суриштирув органининг бошлиғи ва суриштирувчи жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва шахслари қаторидан ўрин олган. Уларнинг процессуал ваколатлари ва хуқуқий мақоми ЖПКда белгилаб қўйилган. Суриштирувчи содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш ва улар асосида жиноят иши қўзғатишга, жиноят содир этишда айланувчиларга нисбатан процессуал мажбурлов чораларини қўллашга, ушлаб туришга, терговчининг топшириғи билан кечикириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказишга ҳақлидир. ЖПК 339, 340-моддаларида суриштирувчи томонидан жиноят иши қўзғатилгандан кейин, амалга ошириладиган тергов ҳаракатларининг рўйхати берилмаслиги тўғри ҳал қилинган. Суриштирувчи суриштирув ва тергов ҳаракатларини, жумладан: гумон қилинувчи, гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; гувоҳлантириш;

ходиса жойини кўздан кечириш; мурдани эксгумация қилиш: эксперимент; олиб қуиши; тинтуб; телефон ва бошқа сўзлашув курилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшишиб туриш; экспертиза текшируви учун намуналар олиш; нарсалар ва хужжатларни тақдим қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишни бошқа суриштирувчига топшириши мумкин. Жиноят процессуал қонунни таҳлил этиб, шундай хулосага келиш мумкини, терговчи ва суриштирувчининг процессуал ваколатлари бир-биридан фарқ қилмайди, факат суриштирувчи шахсни айбланувчи тариқасида жиноят ишида иштирокчи сифатида жалб қилишга ҳақли эмас.<sup>58</sup>

Суриштирувчи тушунчаси терговчининг топшириғига асосан тезкор-қидирав тадбирлари ўтказадиган ходимни ўз ичига олмайди.<sup>59</sup> Илгарилари ҳам Жиноят-процессуал кодексига суриштирувчининг ваколатлари кўрсатилган алоҳида модда киритилиши таклиф этилар эди.<sup>60</sup> Ҳозир бундай модда Ўзбекистон Республикаси ЖПКда мавжуд (ЖПКнинг 37-моддаси).

ЖПКнинг 38-моддасига кўра ҳар бир суриштирув органининг бошлиғи жиноят ишини қўзғатишга, бу ишни ўзининг иш юритишига қабул қилиш ва суриштирувни бошлашга ёки ўзига бўйсунувчи бошқа ходимга суриштирув юритиши топширишга ёхуд иш қўзғатишни рад ёки аризани, хабарни терговга тегишлилига кўра ўтказишга ҳақлидир.<sup>61</sup>

Суриштирув органи бошлиғининг топшириғига биноан ва унинг раҳбарлигига ишлаётган суриштирувчи иш бўйича ЖПКнинг 339-моддасида назарда тутилган вазифаларни бажариш учун зарур, кечиктириб бўлмайдиган барча тергов ҳаракатларини амалга ошириши зарур.

«Суриштирув органларининг асосий меҳнати ижтимоий хавф туғдирадиган ишларни юритиш фаолиятидир. Бу ишлар бўйича кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатларни ўтказиш шарт ва бу ишларнинг муваффақияти суриштирув органларининг катта ва мураккаб вазифаларни бажаришлари билан боғлиқдир».<sup>62</sup>

Суриштирувчи терговчи юритаётган иш бўйича белгиланган қоидаларга амал қилиб, тергов ҳаракатлари олиб боради ва қарорлар чиқаради. Суриштирув органининг бошлиғи ҳам, башарти у суриштирувчининг вазифаларини бажараётган бўлса, худди шу қоидаларга амал қиласи. Суриштирувчининг қарори суриштирув органининг бошлиғи томонидан тасдиқланиши лозим. Суриштирув органи бошлиғининг ёзма кўрсатмаси суриштирувчи учун мажбурийдир. Суриштирувчи бу кўрсатмага норози бўлса, кўрсатмани бажаришни тўхтатмай туриб, бу кўрсатма устидан прокурорга шикоят қилишга ҳақлидир. Қуйидаги жиноятлар содир этилган ҳолларда, суриштирув органлари республика прокуратурасига ахборотлар

<sup>58</sup> Процессуальное положение дознавателя. Ресурс: <http://www.allpravo.ru/diploma/doc47p0>

<sup>59</sup> Рыжаков А.П. Орган дознания: понятие и проблемы // Юридический мир. - 2002. - № 1. - Б.39-43

<sup>60</sup> Сергеев А.Б. Особенности формирования органов дознания в России // История государства и права. -2002. - № 5. - Б.39-46.

<sup>61</sup> Жиноят процесси. Умумий қисм. /З.Ф.Иногомжонованинг умумий таҳрири остида. -Т.: Янги аср авлоди, 2002. -Б.114.

<sup>62</sup> Иванов В.А, Дознание в уголовном процессе. –Л.: ЛГУ, 1966. –Б.33.

юборилишини таъминлашлари шарт: темир йўл, ҳаво ва сув транспортларида, саноат, қурилиш ҳамда қишлоқ хўжалигида рўй берган кишиларнинг нобуд бўлишига ёки кўп микдорда моддий заарар етишига сабаб бўлган барча ҳалокатлар, емирилишлар; жиддий заарар етказилишига сабаб бўлган портлашлар, ёнғинлар ва ёппасига тарқалган касалликлар ҳамда заҳарланишлар рўй берганлиги; қуроллар, жанговар аслаҳалар, портловчи моддалар, ҳарбий техникалар, портлаш мосламалари ва бошқа анжомларнинг талон-торож қилингандиги, шуинингдек, бундай воситаларни қўлланганлиги; гиёхвандлик моддалари ёки психотроп воситалари талон-тарож қилингандиги, шунингдек гиёхвандлик воситалари билан кўп микдорда бизнесни амалга оширгандик; уюшган жиноий гурухлар томонидан содир этилган барча жиноятлар; келиб чиқишидан қатъий назар, оммавий тартибсизликлар; террор ва экстремистик фаолиятлар, ҳаво кемасини эгаллаш ёки бунга суиқасд қилиш, шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш; прокуратура, суд, адлия, ички ишлар ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари, ахлок тузатиш муассасалари, Давлат солиқ қўмитаси ходимлари, шунингдек, ҳокимиёт ҳамда бошқарув органларининг масъул мансабдор шахслари томонидан содир этилган барча жиноятлар; озодликдан маҳрум қилиш жойлари ва маҳсус тарбиявий муассасаларда содир бўлган оммавий тартибсизлик, итоатсизликлар, қуролли гурух бўлиб қочиш ҳоллари, шунингдек, ахлоқ тузатиш муассасалари ишларини издан чиқаришга қаратилган ва оғир оқибатларга олиб келган ҳаракатлар ҳақида; хорижий мамлакатлар дипломатик ваколатликлар билан боғлиқ жиноятлар, шунингдек чет эл фуқаролари томонидан ёки уларга нисбатан содир этилган жиноятлар; тергов ўтказишида қонунсиз усусларнинг қўлланилганлиги, била туриб файриқонуний ушлаш, қамоқقا олиш, асоссиз жиноий жавобгарликка тортиш ва бошқа йўллар билан қонунни қўпол равишида бузилганлиги; қасдан одам ўлдириш; номусга тегиш; ўз-ўзини ўлдириш ва суиқасд қилиш; таъмагирлик мақсадида одам ўлдириш; ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари, ҳокимиёт ва бошқарув органлари ходимлари, назорат органлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, сиёсий ва жамоат арбобларига нисбатан, уларни хизмат фаолиятлари билан боғлиқ ҳолларда содир этилган жиноятлар; жуда кўп микдорда талон-торож қилиш; порахўрлик; қалбаки пуллар тайёрлаш ва сотиш; миллий, ирқий ёки диний низолар асосида содир этилган жиноятлар ҳақида.

Прокурорнинг ёзма кўрсатмасига суриштирув органининг бошлиғи ва ва суриштирувчи рози бўлмаган тақдирда, кўрсатмани бажаришни тўхтатмай туриб, унинг устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилишга ҳақлидир.

Суриштирув органи бошлиғи шахсан жиноят ишини тергов қилиши, у бўйича қонунда кўзда тутилган ҳар қандай ҳал қилув қарорларини қабул қилиши мумкин. Бундай ҳолларда у суриштирув органига, шунингдек суриштирувчига берилган ваколатларга амал қилган ҳолда иш кўради.

Суриштирувчи - муайян ҳукуқ ва мажбуриятлар берилган процессуал шахсдир. Суриштирувчи ишни ўзининг юритувига қабул қиласи. У суриштирув органи бошлиғининг назорати остида ишлайди, лекин шу билан

бир вақтда маълум мустақиликка эга.<sup>63</sup> ЖПКнинг 39-моддасига асосан суриштирувчи юритувида бўлган иш бўйича ҳар қандай фуқарони сўроқ қилиш учун ёки экспертни ёки мутахассисни иш бўйича хулоса бериш учун чақириш, кўздан кечириш, тинтув, олиб қўйиш ва бошқа қонунда кўзда тутилган тергов ҳаракатларини ўтказиш, муассасалардан, ташкилотлардан иш бўйича зарур ҳақиқий маълумотларни аниқлаб оладиган нарсаларни, ҳужжатларни тақдим қилишни ҳамда тафтиш ўтказишни талаб қилиши мумкин.

Суриштирувчи қонунга риоя қилган ҳолда далилларни, иш ҳолатларини мажмуини ҳар томонлама тўлиқ ва объектив кўриб чиқишга асосланиб, ўзининг ички ишончига таяниб баҳолайди.

Суриштирувчига иш ҳолатларини тўлиқ, ҳар томонлама ва объектив аниқлаш учун қонунда назарда тутилган ҳамма чораларни кўриш, гумон қилинувчига ўзини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган воситалар ва усуллар билан, унинг шахсий ва мулкий хуқуқларини ҳимоялашни (ЖПКнинг 24-моддаси) ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга тушунтириш ва уларнинг хуқуқларини таъминлаш мажбурияти юклатилган (ЖПКнинг 100-моддаси ).

Юқорида таъкидлаганимиздек, иш бўйича прокурорнинг кўрсатмалари суриштирув органи каби суриштирувчига ҳам тегишлилигини, улар кўрсатмаларни бажаришни тўхтатмай туриб, юқори прокурорга уларнинг устидан шикоят беришга ҳақли эканлиги ЖПКнинг 39-моддаси назарда тутилган. Бу қоида прокурорнинг ЖПКнинг 382-моддасининг 13-бандида кўзда тутилган тартибда суриштирувчини, суриштирув органи бошлигини тергов қилишдан четлатиш, ўзининг ҳоҳишига қараб суриштирув олиб боришни ўзига бўйсунувчи таркиб ичидан бошқа бирор бир шахсга топшириш хуқуқидан маҳрум қилмайди.

Асосан суриштирув органи сифатида процессуал фаолиятнинг кўпчилик қисмини милиция амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси ИИВ буйруғи билан суриштирув ўтказиш суриштирув бўйича нозир ва профилактика хизмат вакилларига, иш йўналиши ва хизмат худудига боғлиқ равища жиноят-қидирув бўлимларига, жамоат тартибини сақлаш ходимларига юклатилади. Ихтисослашган (милиция) суриштирув бўлимлари кўпчилик худудий ички ишлар органларида: шаҳар ва туманлар бошқармалари ва бўлимларида; бир қатор ҳокимият ички ишлар бошқармаларида; Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ИИВда фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 339-моддасида суриштирув органлари бажариши лозим бўлган асосий вазифалар белгиланган бўлиб, улар қуидагилардир:

<sup>63</sup> Система органов дознания в уголовном процессе России //Уголовно-процессуальный кодекс РФ - год спустя: тезисы докладов и выступлений на научно-практической конференции. 24 октября 2003 г. / Под общ. ред. В.П. Сальникова. -СПб.: Санкт-Петербургский университет МВД России, 2003.-Б.24; Брусицин Л.В. Правовое обеспечение безопасности лиц, содействующих уголовному правосудию. - М.: Спарк, 1999. –Б..94; Белкин Р.С. Профессия следователь . - М.: Экспертное бюро, 1998. -Б.96.

- жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик;
- далилларни тўплаш ва сақлаш;
- жиноят содир қилишда гумон қилинувчиларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш;
- жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини тъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритиш.

Суриштирув органлари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, ЖПКнинг қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларини қўллаган ҳолда зарур чораларни кўриш юклатилади.<sup>64</sup> Ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари бу мақсадда тезкор қидирив чораларини ҳам кўришга ҳақлидир.

Мураккаб жиноятларни очиш ва тергов ҳаракатларини олиб борища тезкор-қидирив гурухларининг ташкил этилиши жуда катта самара беради. Лекин жиноят-процессуал қонунда тезкор-қидирив ходимларини тергов гурухларига киритилиши тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 354-моддасининг 2-бандига қуидагича қўшимча киритиш лозим: «Зарур бўлган ҳолларда прокурор, ички ишлар органи ёки МХХ бошлиғи маҳсус ташкил этилган тергов гурухлари сафига суриштирув органи вакилларини қўшишлари мумкин».

Тергов ҳаракатларини тезкор-қидирив ҳаракатлари билан чамбарчас ҳолда олиб борилиши жиноят судлов ишларини сифат жиҳатдан яхшилашга хизмат қилувчи омиллардан биридир.

Суриштирув дастлабки тергов жараёни учун кўмакдош тезкор-қидирив, жиноятнинг олдини олиш ва жиноят иши бўйича мавжуд далилларни йиғиб, уларни сақлаб қўйиш, жиноят содир этган гумон қилинувчи шахсларни аниқлаш, қочган айбланувчиларни топиш ва қўлга олиш, жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш мақсадида ўтказиладиган ҳаракатлар тизими бўлиб, бевосита дастлабки тергов олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишга ёрдам беради.

Тўпланган далиллардан қуидаги мақсадларда фойдаланиш мумкин:

- жиноят ишини қўзгатиш учун сабаб, тергов ва суд ҳаракатларини амалга ошириши учун асос сифатида;
- жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг далилларни тўплаш, текшириши ва баҳоланишини тартибга солувчи қоидаларига асосан жиноят иши бўйича исбот қилишда, суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган, шунингдек, жазони ўташдан бўйин товлаётган ҳамда бедарак йўқолган шахсларни қидиришда.

---

<sup>64</sup> Суслов В.М. Вопросы регламентации деятельности органов дознания в УПК РФ // Новый уголовно-процессуальный закон: теория и практика применения: Материалы межведомственного «круглого стола». - М.: Изд-во Моск. ун-та МВД России, 2003. - Б.100-104.

Тезкор-қиди्रув фаолияти натижларидан жиноят иши бўйича исбот қилишда фойдаланиш уларнинг ўз навбатида суриштирув органлари, терговчи, судга тақдим этилишини назарда тутади. Яъни, тезкор-қидириув фаолият натижалари муайян жиноят ишини тергов қилишга ваколатли бўлган прокурорга ёки тегишли дастлабки тергов органларига тақдим этилади.<sup>65</sup>

Россия Федерациясининг «Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида «Тезкор-қидириув фаолияти натижалари жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб ва асос бўлиб хизмат қилади» - деган қоиданинг мавжудлиги асосли эътиrozларга сабаб бўлмоқда. Чунки битта ахборотнинг ўзи жиноят ишини қўзғатиш учун ҳам сабаб, ҳам асос бўла олмайди.<sup>66</sup> Ундан ташқари, ЖПКдан ташқари бошқа қонун ҳужжатларидаги сабаб ва асослар билан жиноят ишини қўзғатишга йўл қўйилмайди. Тезкор-қидириув фаолият натижасини жиноят ишини қўзғатишнинг сабаб ва асоси деб қарашиб учун эса, унга процессуал мақом берилиши талаб этилади.

Жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида терговчи тезкор йўл билан олинган маълумотларга эга бўлар экан, улардан тергов ҳаракатларини амалга оширишда ёки жиноят ишларида далиллар сифатида фойдаланиши мумкин. Терговчи томонидан тезкор-қидириув фаолияти натижаларидан фойдаланиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Чунки бу ҳужжатлар мустақил аҳамиятга эга бўлмай, фақат терговни йўналтириш учун хизмат қилади. Бунда ушбу маълумотлардан уларни яшириш тарзда олинганлигини ошкор этмасдан фойдаланиш муаммоси туғилади. Терговчига жиноятнинг процессуал йўл билан исботланмаган ҳолатлари тўғрисидаги, гумон қилинувчи(айбланувчи)нинг шериклари ҳақидаги ҳамда жиноят содир этиш қуроллари тўғрисидаги ва шунга ўхшаш бошқа маълумотлар тақдим этилиши мумкин. Бундай маълумотларни қўлга олгач, терговчи гумон қилинувчи(айбланувчи)ни қўшимча сўроқ қилиш, тинтувни тўғри ўтказиш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш натижасида зарур далилларни тўплаш<sup>67</sup> имкониятига эга бўлади.

Терговчи жиноят содир этган шахс аниқланмаган жиноятлар юзасидан суриштирув органларига жиноят содир этишда гумон қилинувчи шахсни сўроқ қилиш тергов ҳаракатини топшириши мумкин. Чунки суриштирув органлари тезкор маълумотлар билан яхшироқ танишган ва улардан фойдаланиш кўникмаларига эга эканликлари учун ҳам, маълумотлардан самаралироқ фойдаланган ҳолда сўроқ қилиш жараёнида ҳақиқий кўрсатувлар ола биладилар.

<sup>65</sup> Зажицкий В.М. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности./Комментарий к Федеральному закону «Об оперативно-розыскной деятельности» – М.:1997. –Б.108.

<sup>66</sup> Гриненко А.В. Об использовании результатов оперативно-розыскной деятельности при производстве по уголовным делам./ Обеспечение прав и свобод человека и гражданина в деятельности правоохранительной системы. / Материалы международной научно-практической конференции. –Белгород: 1998. –Б.217.

<sup>67</sup> Громов Н.А., Францифоров Ю.В., Гришин А.И. Основные направления использования результатов оперативно-розыскной деятельности в процессе доказывания// Следователь. -1999. - №11. –Б.39.

Бир қатор тезкор-қидириув тадбирларини амалга ошириш жараёнида қўлга киритилган жиноят содир этган шахслар тўғрисидаги дастлабки маълумотлар жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва текширишга қаратилган келгуси тергов ҳаракатларини тўғри танлашга ёрдам берувчи йўналтирувчилик вазифасини бажаради.<sup>68</sup>

Барча кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари суриштирув жараёнида, қонуннинг талабларига тўла мос бўлган ҳолда ўтказилади. Суриштирув фаолияти дастлабки тергов фаолиятига бўйсунади ва унинг олдида жавобгардир. Терговчи суриштирув олиб борадиган шахс устидан процескуал кузатув олиб бориш ҳукуқига эга ва суриштирувчи унинг ёзма топшириқларини ўз вақтида, сифатли, қонун талабларига риоя этган ҳолда бажариши шарт.

Суриштирув органларининг дастлабки тергов органлари билан турли муносабатлар боғлаб туради. Шу муносабатларни қўриб ўтамиз.

Ички ишлар органларига мансуб бўлган суриштирув органлари содир этилган жиноят бўйича суриштирув олиб борганидан сўнг, жиноят иши материалларини тергов органларига топширадилар. Агар содир этилган жиноят прокуратура органлари томонидан тергов қилиниши тақозо этилса, у ҳолда материаллар прокуратура органларининг терговчиларига топширилади. Миллий хавфсизлик хизмати органларига ички ишлар органларининг суриштирув органлари уларга мансуб бўлган жиноят тўғрисидаги маълумотга эга бўлсалар, ўша заҳотиёқ ушбу органларга хабар қилиб, суриштирув органларида мавжуд бўлган ва шу жиноятга алоқадор материалларни дарҳол бериб юборишлари лозим.

Ҳарбий қисмлар, бирлашмалар, қўшинларининг қўймондонлари ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари ушбу қисм, бирлашма, қўшин ва ўқув юртлари худудларида содир этилган ва ҳарбий ҳизматга алоқадор шахсларга нисбатан жиноят иши материалларини ҳарбий прокуратура терговчиларига бериб юборишлари лозим. Агар уларга қарашли худудда бошқа тергов органига алоқадор жиноят содир этилган бўлса, бу жиноятларни тергов қилиш Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 345-моддаси талабларига биноан тегишли тергов органларига юборилиши керак.

Миллий хавфсизлик хизмати органлари улар томонидан қўзғатилган жиноят ишлари бўйича материалларни миллий хавфсизлик хизмати органларининг дастлабки тергов органига топшириш мажбуриятига эгадирлар.

Жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, қамоқ тарзидағи жазони ижро этиш муассасаларининг, жазони ижро этиш колониялари, тарбия калониялари, тергов изоляторлари ёки турмаларнинг бошлиқлари, ёнғинга қарши давлат назорати органлари, чегарани муҳофаза қилиш органлари, денгиз кемаларнинг капитанлари ва бошқалар уларда бўлган жиноят ишларини дастлабки тергов органларига ЖПКнинг 345-

<sup>68</sup> Азизходжаев Б.А. Оценка доказательств в уголовном процессе. -Т.: Ўзбекистон, 1995. -Б.55.

моддасининг терговга тегишилилигига қараб қонунда қайд этилган тергов органига юбориш мажбуриятига эгадирлар.

Денгиз кемаларининг капитанлари, узок сузишда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари ва қишлиш жараёнида қолиб кетган гуруҳ раҳбарлари томонидан ўтказиладиган суриштирув ҳаракатлари, агар шу шахслар томонидан дастлабки тергов органларига материалларни қонунда қайд этилган муддат бўйича суриштирув ўтказиб, 10 кун ичида тегишили тергов органларига материалларни бериб юборишга имкониятлари бўлмаса, у ҳолда ЖПКнинг 364-моддасининг 3-бандига асосан суриштирув ҳаракатларини тўхтатадилар ва Ўзбекистон Республикаси худудига етиб боргандан сўнг ушбу жиноят иш материалларини дастлабки тергов органларига ЖПКнинг 345-моддасининг талабларига риоя қилган ҳолда топширадилар.

Суриштирув органлари уларга қонун томонидан белгиланган ўн кунлик муддат ичида, яъни суриштирув жараёнида ишга зарур бўлган ҳар қандай кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини амалга оширишга ҳақлидирлар. Шунингдек, суриштирув органлари тезкор-қидирув ҳаракатларини ҳам амалга ошириш хуқуқига эгадирлар. Суриштирув органлари томонидан бажариладиган барча тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатлари вақтида қонун талабларига риоя қилиниши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ инспекцияси органлари ҳам суриштирув органлари қаторидан ўрин олган. Улар солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва иқтисодий жиноятлар бўйича суриштирув олиб борадилар ҳамда тегишили тергов органига жиноят ишини топширишга мажбурдирлар.

Гумон қилинувчилар, айланувчиларни қидирув, жиноят содир этишда гумон қилинувчиларни ушлаб туриш ҳаракатлари суриштирув органлари томонидан тергов ва тезкор-қидирув чоралари билан ҳамда тегишили техник воситаларини қўллаш билан биргалиқда ўтказилиши мумкин.

Жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш масалалари, тинтуб, олиб қўйиш, мулкни хатлаш, ушбу масалаларга оид сўроқларни ўтказиш ҳаракатлари ҳам суриштирув органи томонидан бажарилади.

## **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (ЎзР 24.04.2003 йилгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Т.: Ўзбекистон, 2003. -40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.-Т.: Адолат, 1999. -525 б.
3. Азизходжаев Б.А. Оценка доказательств в уголовном процессе. -Т.: Ўзбекистон, 1995. -Б.55.
4. Брусицин Л.В. Правовое обеспечение безопасности лиц, содействующих уголовному правосудию. - М.: Спарк, 1999. –Б..94; Белкин Р.С. Профессия следователь . - М.: Экспертное бюро, 1998. -Б.96.

5. Гриненко А.В. Об использовании результатов оперативно-розыскной деятельности при производстве по уголовным делам./ Обеспечение прав и свобод человека и гражданина в деятельности правоохранительной системы. / Материалы международной научно-практической конференции. –Белгород: 1998. –Б.217.
6. Громов Н.А., Францифоров Ю.В., Гришин А.И. Основные направления использования результатов оперативно-розыскной деятельности в процессе доказывания.// Следователь. -1999. -№11. –Б.39.
7. Зажицкий В.М. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности./Комментарий к Федеральному закону «Об оперативно-розыскной деятельности» – М.:1997. –Б.108.
8. Иванов В.А, Дознание в уголовном процессе. –Л.: ЛГУ, 1966. –Б.33.
9. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процесси. Умумий қисм. -Т.: Янги аср авлоди, 2002. –Б.114.
10. Процессуальное положение дознавателя. Ресурс: <http://www.allpravo.ru/diploma/doc47p0>
11. Рыжаков А.П. Орган дознания: понятие и проблемы // Юридический мир. - 2002. - № 1. - Б.39-43
12. Сергеев А.Б. Особенности формирования органов дознания в России // История государства и права. -2002. - № 5. - Б.39-46.
13. Система органов дознания в уголовном процессе России //Уголовно-процессуальный кодекс РФ - год спустя: тезисы докладов и выступлений на научно-практической конференции. 24 октября 2003г. / Под общ. ред. В.П. Сальникова. -СПб.: Санкт-Петербургский университет МВД России, 2003.-Б.24.
14. Суслов В.М. Вопросы регламентации деятельности органов дознания в УПК РФ // Новый уголовно-процессуальный закон: теория и практика применения: Материалы межведомственного «круглого стола». - М.: Изд-во Моск. ун-та МВД России, 2003. - Б.100-104.
15. Хидоятов Б.Б. Проблемы регулирования дознания в Республике Узбекистан: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. -Т.: 2002. – 25 б.

### **Назорат саволлари**

1. Суриштирувчи ва суриштирув органи бошлиғи жиноят процесси иштирокчиси сифатида қандай вазифаларни амалга оширади?
2. Суриштирув органларини санаб ўтинг.
3. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари ўртасидаги муносабатларга тўхталиб ўтинг.

### **З-боб. Жамоат бирлашмалари ва уларнинг вакилларини жиноят ишларини юритишда иштирок этишининг ҳозирги замон муаммолари**

Жиноят-процессуал кодексида жиноят процессида жамоат бирлашмалари ва жамоа вакиллари иштирок этишининг бир нечта шакли назарда тутилган. ЖПКнинг 40-моддасига биноан жамоат бирлашмалари ва жамоалар, уларнинг раҳбар органлари ҳамда вакиллари содир этилган ёки тайёрланадиган жиноят тўғрисидаги хабар билан суриштирув органига, терговчига, прокурорга ёки судга мурожаат этишлари мумкин. Улар айбланувчига ёки судланувчига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафиллигига беришни танлаш ҳақида; маҳкумни муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш ҳақида; озодликдан маҳрум этишга хукм қилинганларнинг жазони ўташ шароитларини ўзгартириш ҳақида; судланганликни олиб ташлаш ҳақида ва бошқа масалалар бўйича ЖПКда назарда тутилган ҳоллар ҳамда тартибда илтимос қилишга ҳақлидирлар.

Ўз навбатида суриштирувчи ва терговчи фуқаронинг оғир ва ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилингани ҳақида унинг иш, ўқиши ёки яшаш жойидаги жамоага, суд эса уларга шу иш бўйича суд муҳокамаси қачон ва қаерда ўтказилиши ҳақида хабар беради.

Жиноят процессида жамоатчилик иштироки жамоат айловчилари ва жамоат ҳимоячилари институтида қўпроқ намоён бўлади. ЖПКнинг 42-моддасига биноан жамоат бирлашмалари ва жамоалар суд муҳокамасида жамоат айловчиси ёки жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этиш учун ўз вакилларини юборишлари мумкин.

Жамоат айловчилари ва жамоат ҳимоячиларини жамоат бирлашмасининг ёки корхона, муассаса, ташкилот жамоасининг, шу жумладан тижорат тузилмасининг, шунингдек яшаш жойи бўйича жамоанинг йиғилиши кўрсатади. Йиғилиш қарори судга тақдим этилиши лозим. Лекин жамоат бирлашмаси, жамоа ўзи йўллаган жамоат айловчиси ёки жамоат ҳимоячисини хоҳлаган вақтда чақириб олишга ёки уни бошқа вакил билан алмаштиришга ҳақлидир.

Жамоат айловчиси ва жамоат ҳимоячиси ўз вазифаларини давлат айловчиси ва ҳимоячиси қандай нуқтаи назарда бўлишидан қатъи назар амалга оширадиган суд муҳокамасининг мустақил ва teng ҳукуқли иштирокчиларидир.

Суд муҳокамасида иштирок этаётган жамоат айловчиси: иш материаллари билан танишишга; далиллар тақдим этишга ва уларни текширишда иштирок этишга; илтимоснома беришга; тарафларнинг музокараларида сўзга чиқиб, айловнинг исботлангани ҳақида судга фикр билдиришга ҳақлидир. Жамоат айловчиси айловдан воз кечишишга ҳақли.

Шу билан бирга жамоат айловчиси: суд мұхокамасыда иштирок этиши; жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг фикрини судда баён қилиши ва иш ҳолатларини аниқлашга күмаклашиши шарт (ЖПКнинг 43-моддаси).

Жамоат ҳимоячиси ҳам худди шундай хуқуқ ва мажбуриятларга әгадир. Хусусан, суд мұхокамасыда иштирок этаётган жамоат ҳимоячиси: иш материаллари билан танишишга, далиллар тақдим этишга ва уларни текширишда иштирок этишга; илтимоснома беришга; тарафларнинг музокараларида сўзга чиқиб, судланувчини оқладиган ёки унинг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ҳолатлар хусусида судга фикр билдиришга ҳақлидир.

Жамоат ҳимоячиси: суд мұхокамасыда иштирок этиши; жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг фикрини судда баён қилиши ва ишнинг судланувчининг аҳволини енгиллаштирувчи ҳолатларини аниқлашга күмаклашиши шарт (ЖПКнинг 44-моддаси).

«Суд мұхокамасыда жиноий иш юзасидан судланувчи ва жабрланувчининг иш жойидан, яшаш жойидан ва бошқа жамоат ташкилотларидан вакиллар қатнашиши мумкин. Улар суд мұхокамасыда ўз манфаатини ҳимоя қилувчи шахслардан фарқ қилиб, меҳнат жамоаси ёки жамоат ташкилоти манфаатларини ҳимоя қиласылар. Албатта, бу манфаатлар суд мұхокамасыда бўлган жиноий иш билан боғлиқ бўлган ҳолларда амалга оширилади. Бу вакиллар суд мұхокамасыда жамоат айловчиси ёки жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этадилар. Улар корхона, муассаса, ташкилот ва хўжаликларнинг умумий йиғилишлари қарори билан сайланадилар, шу йиғилиш баённомаларининг нусхаси судга тақдим этилган тақдирда суднинг ажрими асосида суд мұхокамасыда қатнашадилар».<sup>69</sup> Жамоат айловчиси ва жамоат ҳимоячиси суд мұхокамасыда қонунда белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар. Жамоат айловчисига судланувчига қўйилган айбни исботлаш мажбурияти юклатилмайди. Улар факат гурух ёки жамоатчилик фикрини баён қиласылар. Жамоат ҳимоячиси далилларни текширишда иштирок этади, илтимослар қиласы, суд музокараларида иштирок этади, судланувчининг айбни енгиллаштирувчи, уни оқловчи ҳолатлар тўғрисида, судланувчига бериладиган жазони енгиллаштириш, уни жазодан озод қилиш, уни меҳнат жамоаси кафиллигига беришни суддан илтимос қилиши мумкин. Жамоат ҳимоячисининг суд мұхокамасыда тутган позицияси судланувчининг ва унинг ҳимоячисининг позициясига боғлиқ эмас. У жамоа ёки жамоат ташкилотининг фикрини баён этади. «Жамоат айловчиси ва жамоат ҳимоячиси суд мұхокамасыда мустақил бўлиб, бошқа иштирокчилар каби иш юзасидан далилларни текшириш, далиллар келтириш, илтимослар қилишда тенг хукуқлардан фойдаланадилар».<sup>70</sup>

«Жамоат айловчиси ва жамоат ҳимоячиси суд мұхокамасига қўйилган иш материаллари билан танишишлари, улардан кўчирмалар олишлари

<sup>69</sup> Саркисянц Г.П. Участие защитника в уголовном процессе. -Т.: Фан, 1971. –Б.79.

<sup>70</sup> Залорский Г.И. Судебное разбирательство по уголовным делам. –М.: Юрид. лит., 1985. –Б.94.

мумкин. Суд мұхокамасида судланувчининг айби ўз тасдифини топмаса, жамоат айловчиси айловдан воз кечиши мумкин».<sup>71</sup>

Битта судланувчига нисбатан бир жамоат ташкилоти ёки меңнат жамоасидан ҳам жамоат айловчиси, ҳам жамоат ҳимоячиси қатнашиши мумкин эмас. Чунки бунда ташкилот ёки меңнат жамоасининг фикри ифода этилмай қолади. Турли жамоат ташкилоти ёки меңнат жамоаларидан битта судланувчига нисбатан ҳам жамоат айловчиси, ҳам жамоат ҳимоячиси суд мұхокамасида қатнашиши мумкин.

ЖПК 412-моддасининг талабига кўра, жамоат айловчиси ёки жамоат ҳимоячиси судга келмай қолса, ишнинг ҳолатларига қараб, суд ишни улар иштирокисиз кўриш мумкинлиги ёки мұхокамани кейинги қолдириш масаласини ҳал этади. Уларни келмаганлиги тўғрисида уларни юборган ташкилот ёки меңнат жамоасига хабар берилади.

Суд мұхокамасида вояга етмаганларнинг жиноий ишлари кўрилаётганида жамоат вакиллари сифатида суд томонидан уни иш, ўқиши жойи ёки яшаш жойидан вакиллар, шунингдек вояга етмаганлар билан шуғулланувчи комиссия ходимлари, ота-оналари, қонуний вакиллари, яқин қариндошлари ҳамда ҳомий ва васийлари чақирилиши мумкин. Зарур ҳолларда бу вакиллар гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин.

ЖПКнинг 43-44-моддаларида жамоат айловчиси ва жамоат ҳимоячисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари баён этилган. Унга кўра, суд мұхокамасида иштирок этаётган жамоат айловчиси ва жамоат ҳимоячиси иш материаллари билан танишишга, далиллар тақдим этишга ва уларни текширишда иштирок этишга, илтимосномалар беришга, тарафларнинг музокараларида сўзга чиқиб, жамоат айловчиси айловнинг исботланганлиги ҳақида, жамоат ҳимоячиси судланувчини оқладиган ёки унинг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ҳолатлар хусусида судга фикр билдиришга ҳақлидир. Жамоат айловчиси айловдан воз кечишга ҳақли. Жамоат айловчиси ва жамоат ҳимоячиси суд мұхокамасида иштирок этиш, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг фикрини судда баён қилиш ва ишда судланувчининг аҳволини енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлашга кўмаклашиши шарт.

Амалиётни ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, кейинги вақтларда судларда жамоатчилик ва уларнинг вакилларини иштирокига эътибор бироз сусайган. Бунинг асосий сабаби: 1) жамоатчилик ўз ходимининг хулқига, қилмишишга, шахсига муносабат билдиришдан кўра, ундан воз кечишни афзал деб биладилар; 2) суд ўз фаолияти юзасидан берадиган ҳисоботида жамоат, жамоат бирлашмалари ва уларнинг вакилларини қай даражада иштирок этаётганликлари бўйича маълумот бермайдилар. Ваҳоланки, жамоатчилик жуда йирик куч. Ундан унумли фойдаланиш: 1) жиноятчиликни олдини олишда; 2) жамоат таъсир чораларини қўллашда муҳим аҳамиятга эга.

<sup>71</sup> Калашникова Н.Я. Судебное разбирательство по уголовному делу. -М.: Юрид. лит., 1962. -Б.22.

## **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (ЎзР 24.04.2003 йилгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Т.: Ўзбекистон, 2003. -40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.-Т.: Адолат, 1999. -525 б.
3. Жиноят процесси. Умумий қисм. /З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. -383 б.
4. Залорский Г.И. Судебное разбирательство по уголовным делам. – М.: Юрид. лит., 1985. –Б.94.
5. Калашникова Н.Я. Судебное разбирательство по уголовному делу. - М.: Юрид. лит., 1962. –Б.22
6. Саркисянц Г.П. Участие защитника в уголовном процессе. -Т.: Фан, 1971. –Б.79.

## **Назорат саволлари**

1. Жиноят ишларини юритишда жамоатчилик вакиллари қандай ўрин тутади?
2. Жамоат айловчилари қандай вазифаларни амалга оширадилар? Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жамоатчилик ҳимоячиларининг процессуал мақоми масалалари ҳақида сўзлаб беринг.
3. Жиноят ишларини юритишда жамоат бирлашмалари, жамоалар ва улар вакиллари иштирокининг ҳозирги замон муаммолари ҳақида гапириб беринг.

## **4-боб. Жиноят процессида жиноий-хуқуқий манфаатга эга бўлган иштирокчилар**

### **1-§. Жиноят процессида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг иштироки, уларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

Жиноят процессида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўз манфаатларини ҳимоя қилиш хуқуқига эга бўлган асосий иштирокчилар ҳисобланади.

ЖПКнинг 47-моддасида «гумон қилинувчи жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлсада, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир» деб кўрсатилган. Бундан ташқари жиноят содир қилишда гумон қилиниб ушланган шахс ҳам гумон қилинувчи сифатида эътироф этилади.<sup>72</sup>

Шахсни гумон қилинувчи сифатида ушлаб туриш асослари ЖПКнинг 221-моддасида белгиланган бўлиб, улар қуйидагилардир: шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса; жиноят шоҳидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс сифатида тўғридан тўғри кўрсатсалар; унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса; шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у кочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

Милиция ёки бошқа суриштирув органининг ходими, шунингдек муомалага лаёкатли ҳар қандай шахс юқорида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаш ва яқин орадаги милиция муассасасига ёки хуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келишга ҳақлидир.

Шахсни гумон қилинувчи сифатида эътироф этишнинг процессуал акти ушлаб туриш баённомаси ёки жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор ҳисобланади.<sup>73</sup>

Шахсни гумон қилинувчи сифатида жиноят ишига жалб қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор чиқаради.

Гумон қилинувчи сифатида шахс жиноят процессининг дастлабки тергов босқичида ўн суткадан ошмаган муддатда иштирок этади.

Гумон қилинувчининг ҳимояланиш хуқуқидан фойдаланиш имкониятларини билиш учун аввало унинг процессуал хуқуқ ва мажбуриятларини таҳлил қилиш лозим.

<sup>72</sup> Сеитназаров К.Р. Принцип состязательности в уголовном процессе (по материалам судов Республики Каракалпакстан): Автореф дис.... канд. юрид. наук. –Киев: 1993. –Б. 5.

<sup>73</sup> Строгович М.С. Право обвиняемого на защиту и презумпция невиновности. -М.: Наука, 1984. -Б.14.

Гумон қилинувчи: ўзининг нимада гумон қилинаётганлигини билиш; ушланганидан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиш; ўзига нисбатан қўйилган гумон ҳусусида ва ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш; ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; у гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан ёки у ушланган пайтдан бошлаб ҳимоячи олиш ва сўроқ тугагандан кейин у билан холи учрашиш; ҳуқуқларини ҳимоя қилишни шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад этиш; далиллар тақдим этиш; суриштирувчи ёки терговчининг руҳсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; суриштирувчининг терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят бериш ҳуқуқларига эгадир.

Гумон қилинувчи: суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг чақиравига биноан ҳозир бўлиши; суриштирувда ва дастлабки терговда иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга ҳилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўtkазиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорлари ва ЖПКда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишни тергов қилишда тартибга риоя этиши шарт.

Аммо мазкур ҳуқуқ ва мажбуриятлар рўйхати тўлиқ эмас. Гумон қилинувчининг тергов ҳаракатларини ўтказишдаги бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари ушбу тергов ҳаракатларини ўтказиш белгиланган моддаларда назарда тутилган.

Суриштирувчи, терговчи гумон қилинувчига факат ЖПКнинг 48-моддасида кўрсатилган ҳуқуқларинигина эмас, балки тергов ҳаракатларини бажариш чоғидаги қонунда кўрсатилган бошқа ҳуқуқларини ҳам тушунтириши шарт.

Гумон қилинувчининг қайси жиноятни содир этишда гумон қилинаётганини билиш ҳуқуқи шу билан кафолатланадики, ушланганлик тўғрисидаги баённомада ушлаб туриш асослари ва сабаблари кўрсатилади, ушланганнинг тушунтиришлари ёзилади, баённомага ушланган шахс имзо чекади; эҳтиёт чорасини кўллаш тўғрисидаги қарорда мазкур шахс содир этган деб гумон қилинган жиноят кўрсатилган бўлиши лозим; сўроқ олдидан гумон қилинувчига у қандай жиноятни содир этишда гумон қилинаётгани эълон қилингани ҳақида сўроқ қилиш баённомасига қайд этилади.<sup>74</sup>

Гумон қилинувчи томонидан кўрсатувлар берилиши унинг бурчи деб ҳисобланиши мумкин эмас. Бу жихатдан гумон қилинувчи айбланувчига тўлиқ tengлаштирилади. Уни сўроқ қилиш айбланувчини сўроқ қилиш қоидалари асосида олиб борилиши лозим. Чунончи, гумон қилинувчи

<sup>74</sup> Жиноят процесси. Махсус қисм. / З.Ф. Иногомжонованинг умумий таҳрири остида. -Т.: ТДЮИ, 2003. -Б. 64-65.

ушланганлиги ёки унга эҳтиёт чоралари танланиши билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида кўрсатув беришни рад этиш ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарликка тортилмайди.

Процессуалист олимлар ўртасида бошқача фикрлар ҳам мавжуд. Уларга кўра, айини бўйнига олиб келган шахсга процессуал маънода гумон қилинувчи деб қаралиши мумкин эмас. Унга айлов эълон қилиш (башарти бунинг учун етарли асослар бўлса) ёхуд тушунтириш хати олиб, сўнгра гумон қилинувчи сифатида тан олиш ва сўроқ қилиш керак.<sup>75</sup>

ЖПКнинг 213-моддасига кўра, гумон қилинувчига нисбатан процессуал мажбурлов чораси сифатида ушлаб туриш қўлланиши мумкин. Ушлаб туриш жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жиноий фаолияти билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетиши, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатdir. МДҲ давлатлари ЖПКларида, жумладан Украина Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 94-моддаси, Беларус Республикаси ЖПКнинг 108-моддаси 1-қисми, Қирғизистон Республикаси ЖПКнинг 132-моддаси ва Молдавия ЖПКнинг 160-моддаси 1-қисмидаги ҳам юқорида тилга олинган асослар бўйича гумон қилинувчига нисбатан ушлаб туриш чораси қўлланилади.

Ушлаб туриш муддатлари МДҲ давлатлари қонунчилигига чекланган: одатда у 48-72 соатни ташкил этади.<sup>76</sup> Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 226-моддасига кўра гумон қилинувчини етмиш икки соатдан ортиқ муддат ушлаб туриш мумкин эмас. Демак, ушлаб туриш муддатлари жаҳон андозаларига унчалик мос келмайди.

ЖПКнинг 45-моддаси мазмунига кўра айбланувчи ЖПКда белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахсdir. Айбланувчи процесс иштирокчиси сифатида дастлабки тергов босқичида пайдо бўлади.<sup>77</sup> ЖПКнинг 81-моддасига кўра айбланувчи маълумотлар манбаи сифатида ва унга нисбатан эҳтиёт чоралари ҳамда қонунда белгиланган процессуал мажбурлов чоралари қўлланиши мумкин бўлган, шунингдек суд томонидан жазо қўлланиши мумкин бўлган шахс сифатида намоён бўлади.

Шахсни айбланувчи деб эътироф этиш тўғрисида ЖПКнинг 361-моддаси тартибida терговчи ёки прокурор қарор чиқаради.

Айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда: айбланувчи тариқасида жалб этилаётган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган куни, ойи ва йили; айловнинг мазмuni, шахснинг зиммасига қўйилаётган жиноят ҳодисаси, у содир этилган жой,

<sup>75</sup> Григорьев В.Н. Задержание подозреваемых органами внутренних дел. -Т.: 1989. -Б. 9.

<sup>76</sup> Бир қатор ривожланаётган давлатлarda ушлаб туриш учун узокроқ муддатлар белгиланган. Масалан, Ҳиндистондаги терористлар тўғрисидаги қонунга кўра, гумон қилинувчи шахс 180 кунгача, Эрон Ислом Республикаси қонунчилигига эса шахс жиноят устида қўлга олинганда чекланмаган муддатга ушлаб турилиши назарда тутилган.

<sup>77</sup> Комментарий к Уголовно - процессуальному кодексу Российской Федерации / Под общ. ред. В.В. Мозякова. -М.: Экзамен, 2002. -Б.259.

вақт ва бошқа муҳим ҳолатлар баёни; жиноят кодексининг ушбу жиноятни назарда тутган моддаси, қисми, банди акс эттирилиши лозим.<sup>78</sup>

Агар жиноят кодексининг турли моддалари, қисмлари ёки бандларида назарда тутилган бир неча жиноятни содир этишда айбланганда, бу жиноятлар ҳар бирининг моҳияти ва юридик тавсифи алоҳида кўрсатилиши керак. Қарорнинг хulosса қисмида мазкур шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида тўхтамга келинганилиги ифодаланиши лозим.

Аммо шахсни айбланувчи деб эътироф этиш унинг айблилигидан далолат бермайди. ЖПКнинг 362-моддаси мазмунига кўра, унинг 83,84 моддалари 1 ва 4-қисмларида назарда тутилган ҳолатларда жиноят иши тугатилиб, айлов бекор қилинади. Шунингдек, прокурор судда айловдан воз кечиши ёки суд оқлов ҳукми чиқариши мумкин. Шахсни айбланувчи деб эътироф этиш қуйидаги процессуал оқибатларга олиб келади:

а) айбланувчи ўзининг нимада айбланаётганлигани билади ва ўзининг процессуал ҳуқуқларини амалга ошириш орқали ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилади;

б) жиноят процессида иштирок этувчи мансабдор шахс томонидан иш бўйича айбланувчининг ҳуқуқлари тушунтирилиши ва уларни амалга оширилиши таъминланиши зарур;

в) айбланувчига маълум процессуал мажбуриятлар юкланади;

г) айбланувчига нисбатан ЖПКда белгиланган тартибда процессуал мажбурлов чоралари қўлланишилиши мумкин.<sup>79</sup>

Қуйида айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига тўхталиб ўтамиш.

1. ЖПКнинг 361, 379, 397, 467- моддаларида назарда тутилган ўзининг нимада айбланаётганлигини билиш ҳуқуқи. Бу ҳуқуқ давлат органларининг шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарорда айлов хulosасида шахсни нимада айбланаётганлигини кўрсатиши, айлов ҳукмида эса шахс қандай қилмишни содир этишда айбор деб топилганлиги ва жиноят қонуенинг қайси моддаларида белгиланган жазога мустақид қилиниши кўрсатиш мажбурияти орқали таъминланади. ЖПКнинг 362-моддасига мувофиқ эса, тергов жараёнида айлов ўзгартирилса, тўлдирилса ёки тугатилса, у ҳақда айбланувчи хабардор этилади. Айбланувчининг ушбу ҳуқуқи унга исботлаш жараёнида фаол иштирок этиши учун замин ҳозирлайди. «Ўзининг нимада айбланаётганлигидан етарлича хабардор бўлмаган айбланувчи амалда айловга қарши ўз фикрларини қарама қарши қўйиш имкониятидан маҳрумдир».<sup>80</sup>

2. ЖПКнинг 64, 110, 111, 361, 435-моддаларига асосан, ўзига қўйилган айлов юзасидан ва ишнинг ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатув ва

<sup>78</sup> Жиноят процесси. Махсус қисм./ З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. -Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.70.

<sup>79</sup> Уголовный процесс. (Общая часть). Учебник. /Под ред. Е.Н.Никифоровой. -Т.: Адолат, 2000. – Б. 109-110.

<sup>80</sup> Орлов Ю.К. Основы теории доказательств в уголовном процессе. Научно-практическое пособие. -М.: Проспект, 2000. -Б. 40–63

тушунтиришлар бериш ҳуқуқи. Мазкур ҳуқуқни амалга ошириш учун терговни олиб борувчи шахс ва суд айбланувчига айбловнинг моҳиятини тушунтириши ва уни қонунда белгиланган тартибда ҳамда муддатларда сўроқ қилиши лозим.

Сўроқни ўтказишда шахсларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлган ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш; зўрлик, пўписа қилиш, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар билан кўрсатув, тушунтириш, хулосалар олишга эришиш; тунги вақтда, яъни кеч соат 22<sup>00</sup> дан эрталаб соат 6<sup>00</sup> гача тергов ҳаракатлари олиб бориш тақиқланади (кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар бундан мустасно).<sup>81</sup>

Кўрсатув бериш айбланувчининг ҳуқуқи, мажбурияти эмас. Бироқ бу айбланувчининг рост ёки ёлғон жавоб беришига қонун бефарқ қарашини билдирамайди. Содир этилган жиноят тўғрисида ҳаққоний кўрсатув бериш, қилмишдан пушаймон бўлиш жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланади.<sup>82</sup>

3. Ўз она тилидан, таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи. Мазкур ҳуқуқ ЖПКнинг 71,99-моддаларида кафолатланган бўлиб, айбланувчини сўроқ қилишдан олдин унинг қайси тилда кўрсатув бериши аниқланади. Агар судланувчининг она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган бўлса, ЖПКнинг 487-моддаси 7-бандига кўра ҳукмнинг бекор қилинишига сабаб бўлади.

4. Ҳимоячига эга бўлиш ва у билан ҳоли учрашиш ҳуқуқи. Бу ҳуқуқ жиноят ишида ҳимоячининг иштирок этиши, қонунда кўрсатилган ҳолларда юридик ёрдамнинг бепул кўрсатилиши (ЖПКнинг 49,50,51,52-моддалари), ҳимоячи билан учрашиш вақтининг чекланмаслиги (ЖПКнинг 53-моддаси) билан кафолатланади.

5. Илтимосномалар бериш ва рад қилиш ҳуқуқи. Айбланувчи ишнинг ҳар қандай босқичида илтимосномалар бериши, шунингдек, процесс иштирокчиларини рад этиши мумкин.

Айбланувчининг илтимосномалар бериш ва рад қилиш ҳуқуқи – унинг исботлаш жараёнидаги иштирокининг шаклларидан бири ҳисобланади. Қонунда айбланувчининг қандай масалалар юзасидан илтимосномалар бериши лозимлиги қайд этилмаган. Илтимосномалар исботлаш жараёнида юзага келган ва иш бўйича ҳақиқатни қарор топтиришга хизмат қилувчи турли масалалар юзасидан берилиши мумкин. Илтимосномаларни асоссиз қондирилмаслиги нафақат айбланувчи манфаатларига, балки жиноят судлов ишлари манфаатларига ҳам жиддий путур етказади.<sup>83</sup>

6. Даилиллар тақдим этиш, терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш ҳуқуқи. Терговни олиб борувчи шахс айбланувчига даилиллар тақдим этиши учун зарур шароитларни яратиб бериши, лекин бу даилилларни баҳолашга эса танқидий ёндошиши лозим.

<sup>81</sup> Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации / Под общ. ред. В.В. Мозякова. -М.: Экзамен, 2002. -Б. 132.

<sup>82</sup> Якупов Р.Х. Уголовный процесс. Учебник для вузов. -М.: Зерцало, 1998. -Б.109.

<sup>83</sup> Кобликов А.С. Уголовный процесс. Учебник. -М.: Спарк, 2000. -Б. 152.

Айбланувчининг тергов ҳаракатларида иштирок этиш хуқуқи ҳам жиноят ишини юритишга масъул бўлган органлар томонидан таъминланади ва у айбланувчи хуқуқларини қўшимча кафолатлашга хизмат қилади.

7. Дастребаки тергов тамом бўлгандан кейин ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан керакли маълумотларни ёзиб олиш хуқуки.

2008 йил 1январдан бошлаб фуқаролар хуқуқларининг факат суд томонидан чекланиши институтининг жорий этилиши ҳатто энг хавфли жиноятларни содир этишда гумон қилинувчиларга ҳам уларга айблов эълон қилингунга қадар, айбланувчиларга эса – уларга нисбатан айблов эълон қилиниб, эҳтиёт чораси тарзида қамоққа олингандан сўнг, судга шикоят қилиш хуқуқига эга бўлади.

Айбланувчи дастребаки тергов тамомлангандан кейин йигилган барча далиллар билан танишиш хуқуқига эга. Уларга бу хуқуқлари тушунтирилаётганда танишиш учун берилган жиноят ишининг барча материаллари тикилган ва ракамланган кўринишда бўлади. Гумон қилинувчига келсак, унга бундай хуқуқ берилмаган. У иш материаллари билан фақат айбланувчи деб эътироф этилса, тергов тугаганидан кейин танишиши мумкин.

Шу ўринда ҳимоя доираларини кенгайтиришга хизмат қилувчи, гумон қилинувчиларнинг айблов эълон қилингунга қадар, айбланувчиларнинг айблов эълон қилинганидан кейин жиноят ишининг барча материалларини танишиши тўғрисидаги қоиданинг амалдаги ЖПКда мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқдир. Гумон қилинувчи ёки айбланувчига ўзининг асосланмаган ва ноқонуний қамоққа олингандилиги устидан шикоят қилиш имконияти яратилади ва улар шикоятларнинг кўрилиши натижасидан қатъи назар, қамоққа олинишига қадар йигилган жиноят ишининг барча материаллари билан танишиш хуқуқига эга бўладилар.

Гумон қилинувчи ва айбланувчи тергов ишларининг барча материалларини билмайди, лекин ҳимоячи ишнинг барча материаллари билан таниш бўлса, айбланувчи ва гумон қилинувчи билан холи учрашиш вақтида уларни мухокама қилишни ҳеч ким такиқлай олмайди. Ҳимоячи айбланувчи билан учрашувда ўзига иш материаллари билан танишиши орқали маълум бўлган маълумотларни билдириш имкониятига эга. Устига устак, у айбланувчи билан баъзи ҳолатларни аниқлаштириб олиш заруратини назарда тутсак, бу табиий ҳол ҳисобланади.<sup>84</sup> Бунда дастребаки тергов ва суриштирув сирлари ошкор бўлиб, гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш тактикасидан асар ҳам қолмайди, аммо «томонларнинг ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш ва бошқа томонларнинг фикрлари юзасидан баҳслashiш учун процессуал воситаларнинг тенглиги»<sup>85</sup> таъминланади. Ҳимоячи ўз вазифасини амалга ошириши муносабати билан билган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас (бу тақиқ мижозга нисбатан амал қилмайди). Бинобарин, тергов органи ҳақиқатдан ҳам асос бўладиган етарли

<sup>84</sup> Саркисянц Г.П. Участие защитника в уголовном процессе. –Т.: Ўзбекистон, 1971. –Б. 39.

<sup>85</sup> Қаранг: Колоколов Н.А. Защита интересов жертв преступлений: возможные пути совершенствования процессуального закона. //Юрист. -1999. -№2. –Б.49.

объектив далиллар тўплаган бўлса, айбланувчини иш материаллари билан таниширишдан чўчимаслиги керак. Бу терговчига яна бир бор иш бўйича терговни тўла, ҳар томонлама, холисона ўтказиш ва айб эълон қилиш пайтида бунинг учун тўла асосга эга бўлиш мажбуриятини юклаб, масъулиятини оширади.<sup>86</sup>

Бундан ташқари айбланувчининг терговчи ёки прокурор томонидан жиноят ишининг тугатилганлигига норозилик билдириш ва суд муҳокамасини ўтказишни талаб қилиш; ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг мажлисларида, суднинг рухсати билан эса кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция ва кассация шикоятларидан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътиroz билдириш ҳуқуqlари мавжуд.

Қонунда айбланувчининг: терговчи ва прокурорнинг чақиравига биноан ҳозир бўлиш; дастлабки терговда иштирок этишдан бош тортмаслик; ҳақиқатни аниқлашга ҳалақит бермаслик; далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга ҳилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслик; гувоҳлантириш; эксперт текшируви учун намуналар олиш; экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги ва ЖПКда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслик; ишни тергов қилишда тартибга риоя этиш каби мажбуриятлари белгиланган.

Жиноят процессида ҳимоя ҳуқуқи субъектларидан яна бири судланувчиидир.

Судланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга: биринчи инстанция ва юқори инстанция суди мажлисларида иштирок этиш, рад қилиш, суд ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш, илтимосномалар қилиш ва далиллар тақдим этиш, суд мажлиси баённомаси билан танишиш, иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация шикоятларидан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътиrozлар билдириш, охирги сўз билан чиқиш ҳуқуқига эга.

Судланувчининг мажбуриятлари қуйидагича: суд чақиравига биноан ҳозир бўлиш; суд муҳокамасида иштирок этишдан бош тортмаслик; ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслик; танланган эҳтиёт чоралари талабларини бажариш; суд ажримларининг ижро этилишига тўсқинлик қилмаслик; суд мажлисида тартибга риоя этиши шарт. Агар судланувчи узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келмаса, ЖПКнинг 262-264 моддаларда назарда тутилган асосларда ва тартибда мажбурий равища келтирилиши мумкин.

Судланувчининг процессуал мақоми ЖПКнинг биринчи инстанция судида иш юритиш тартиби белгиланган 10-бўлимида кўрсатиб ўтилган.

<sup>86</sup> Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида ҳимоячининг иштироки. –Т.: ТДЮИ, 2005. –Б.46.

ЖПКнинг 410-моддаси мазмунига кўра биринчи инстанция судида жиноят иши судланувчининг иштирокида кўрилиши шарт. Судга келмаган судланувчи мажбурий келтирилиши ёки унга нисбатан эҳтиёт чорасини кўллашга ёки уни ўзгартиришга олиб келиши мумкин. ЖПКнинг 410-моддасига кўра фақатгина икки ҳолат бўйича иш судланувчининг иштирокисиз кўрилиши мумкин.

Судланувчининг таъминланиши лозим бўлган энг муҳим ҳуқуқларидан бири суд музокарасида иштирок этиш ва охирги сўз билан чикиш ҳуқуқидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «Ҳимоя ҳуқуқини таъминловчи қонунларни кўллаш амалиёти тўғрисида»ги 1996 йил 20 декабрь қарорининг 17-бандида «судланувчининг адвокати бўлмаган ҳолда уни суд музокарасида иштирок этишига имконият яратмаслик, шунингдек, охирги сўздан маҳрум этиш жиноят-процессуал қонунни жиддий бузиш ҳисобланади»<sup>87</sup>, деб таъкидланган.

ЖПКнинг 24-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги ушбу иштирокчилар ҳуқуқларининг асосий кафолатларидан биридир.

Ҳимояланиш ҳуқуқи суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зиммасидаги гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш ҳамда ўзига қўйилган айловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти орқали таъминланади.<sup>88</sup>

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини ҳимоя ҳуқуки билан таъминлаш жиноят процессида ҳимоя функциясини келтириб чиқаради. Хўш жиноят процессида ҳимоянинг моҳияти нима? Унинг ҳуқуқий асослари нимадан иборат? Жиноят процессида ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш аввало умуминсоний қадриятларга бориб тақалади.

1948 йил 10 декабрда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларация»сида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жумладан жиноят ишларини юритишида ҳам ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга оид бир қанча нормалар белгиланган. Жумладан, мазкур декларациянинг 8-моддасида «Ҳар бир инсон, мабодо унинг конституция ёки қонун бериб қўйган асосий ҳуқуқлари бузилгудек бўлса, нуфузли миллий судлар томонидан ўз ҳуқуқларини самарали тарзда тикланиши ҳуқуқига эгадир», деб белгиланган. Шунингдек, декларациянинг «Ҳар бир инсон, унинг ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг нечоғли асосланганлигини аниқлаш учун, батамом тенглик асосида, ўз иши ошкора, адолатнинг барча талабларига риоя этилиб, мустакил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгадир», деб қайд этилган. 10-моддасида «Ҳеч ким инсоннинг шахсий ёки оиласий

<sup>87</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й., 1-ж. -Т.: Шарқ, 1997. -Б. 89.

<sup>88</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. -Т.: Адолат, 2000. -Б.38.

<sup>89</sup> Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. -Т.: Адолат, 1998. -Б.17.

ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиши, инсоннинг уй-жойи даҳлсизлигига, унинг хатларидаги сирларига ёки ор-номуси ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиши мумкин эмас. Ҳар бир инсон ана шундай аралашиш ёки ана шундай тажовуздан қонун йўли билан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир»<sup>90</sup>, деб белгиланган. 12-моддасида жиноят ишларини юритишда ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга оид нормалар ўз аксини топган.

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон умуминсоний қадриятларнинг устуворлигини эътироф этиб, уларга амал қилишини билдириди. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси ратификация қилиниб, миллий қонунчилигимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари, меъёрлари ўз аксини топди.

Мазкур умуминсоний қадриятлар аввало мамлакатимизнинг асосий қонуни бўлмиш Конституциянинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар белгиланган 7-бобида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида «жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир шахснинг иши судда, қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аникланмагунча айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади», дейилиши ҳимоя ҳуқуқининг олий даражада таъминланганлигини билдиради.

Конституциянинг 116-моддасида эса айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланиши, тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатлари белгиланган.

Жиноят ишларини юритиш жараёнида юридик ёрдам олиш ҳуқуқи жиноят процессининг ҳар қандай босқичида кафолатланади.

Ҳимоя ҳуқуқи уни амалга оширишни кафолатланиши билан ҳақиқий ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади. ЖПКнинг 24-моддасида суриштирув органлари «терговчи, прокурор ва суд гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларини тушунтириб бериши ҳамда у ўзига қўйилаётган айловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усувлардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти юклатилганлиги жиноят-процессуал қонунчилигимизда ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга қаратилган муҳим кафолатdir.

Ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашнинг мазмуни қўйидагилардан иборат:

1) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи жиноят процессининг иштирокчиси сифатида процессуал ҳуқуқлар доирасига эга бўлиб, уларга қўйилган айловдан ҳимояланиш учун ўзини-ўзи муваффақиятли идора қилиш ва қонуний манфаатларини ҳимоя этишга имкон беради;

2) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ҳимоячи ёрдамидан фойдаланиши, ҳимоячининг иштироки зарур бўлган баъзи ҳолларда бу ёрдамни қонун асосида бевосита олиши мумкин;

3) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини

<sup>90</sup> Ўша жойда. –Б.18-21.

тушунтиришга мажбур бўлиб, уларга ҳимояланиш манфаатларини, шахсий ҳуқуқ ва моддий ҳуқуқини идора қилиши учун шароитлар яратиб беришлари лозим;

4) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи шахснинг шахсий ва моддий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, уларни таъминлаш борасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зарурият бўлмаса, унинг шахсий ҳаётини овоза қилмаслик, ушбу шахсларнинг қадр-қиммати ва шаънига қарши, саломатлигига хавф туғдирадиган ҳаракатлар қилмаслик, уларнинг вояга етмаган ва ёлғиз қолган болаларига нисбатан ҳомийликни ўрнатиш бўйича тегишли чораларни кўллаш, ушбу шахсларнинг мулки ва тураг жойини сақлаш чораларини, ушбу шахсларнинг қариндошлари билан дастлабки тергов тамом бўлганда учраштириш мажбуриятига эгадирлар.

Мамлакатимиздаги процессуалчи олимларнинг фикрига кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) суриштирув органлари, тергов, прокуратура ва суднинг гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, шунингдек, уларнинг ўз ҳуқуқларини тушунтириш ва амалга оширишни таъминлашга қаратилган мажбуриятларини қонунда белгиланиши;

б) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи томонидан таклиф этилган ёки терговчи ёхуд суд томонидан тайинланган ҳимоячининг қонунда белгиланган ҳимоя қилишнинг барча восита ва усуллардан фойдаланиб, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини оқловчи ёки уларнинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларини аниқлашга қаратилган воситаларнинг қонунда белгиланганлиги;

в) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш имконини берувчи ҳамда бу ҳуқуқларни бузган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласини кўтаришга бўлган воситаларнинг қонунда белгиланиши.<sup>91</sup>

Шундай қилиб, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг мазкур ҳуқуқларни амалга оширишни таъминлашга қаратилган мажбуриятлари билан биргаликда тўлақонли мазмунга эга бўлади.

Аммо ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш қандайдир битта процессуал ҳуқуқ эмас. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш деганда, уларнинг қўйилган айловдан ўзи томонидан ёки ҳимоячи ёрдамида ҳимояланиш ҳуқуқини берувчи барча процессуал ҳуқуқлар йифиндиси тушунилади. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи бевосита ўзи томонидан самарали тарзда ҳимоя ҳуқуқини амалга ошириши учун бир қанча ҳуқуқлар билан таъминланган. Бунинг учун жиноий

<sup>91</sup> Уголовный процесс.(Общая часть). Учебник./ Под ред. Е.Н.Никифоровой. -Т.: Адолат, 2000. – Б.85.

жавобгарликка тортилган шахсга ўзининг нимада айбланаётганини билиш, кўрсатув ва тушунтиришлар бериш, далиллар билан танишиш, ишни олиб бораётган мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш, иш материаллари билан танишиш каби ҳукуқлар берилган.

*«Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳукуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги Олий Суди Пленумининг 19.12.2003 йилдаги № 17-сонли қарори.*

### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (ЎзР 24.04.2003 йилгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Т.: Ўзбекистон, 2003. -40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.-Т.: Адолат, 1999. -525 б.
3. Инсон ҳукуқлари бўйича халқаро шартномалар. –Т.: Адолат, 2004. – 270 б.
4. Баев О.Я. Принципы предварительного расследования. -М.: Зерцало, 1997.
5. Жиноят процесси.. Умумий қисм. /З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2002.
6. Кобликов А.С. Уголовный процесс. Учебник. -М.: Спарк, 2000. -Б. 152.
7. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации / Под общ. ред. В.В. Мозякова. -М.: Экзамен, 2002. -Б. 132.
8. Сеитназаров К.Р. Принцип состязательности в уголовном процессе: Автореф. дис.... канд.юрид. наук –Киев: 1993. –28 б.
9. Строгович М.С. Право обвиняемого на защиту и презумпция невиновности. –М.:1984. –Б.14.
10. Тетерин Б.С.,Трошкин Е.З. Возбуждение и расследование уголовных дел. -М.: 1997.
11. Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида ҳимоячининг иштироки. –Т.: ТДЮИ, 2005. – 196 б.
12. Уголовный процесс. (Общая часть). Учебник. /Под ред. Е.Н.Никифоровой. -Т.: Адолат, 2000. –361 б.
13. Ўзбекистон Республикасининг ЖПКга шархлар. –Т.: Адолат, 2000. – Б.73.
14. Якупов Р.Х.Уголовный процесс. Учебник для вузов. -М.: Зерцало, 1998. –Б.109.

## **Назорат саволлари**

1. Ушлаб туришда гумон қилинувчини процессуал кафолати тизими ва уни такомиллаштириш йўллари ҳақида гапириб беринг.
2. Ўзбекистон Республикаси жиноят процессида ушлаб туриш устидан шикоят қилишда қандай муаммолар мавжуд? Бу хусусдаги хорижий тажрибага тўхталиб ўтинг.
3. Гумонни тугатиш қай тарзда процессуал расмийлаштирилади?
4. Жиноят процессида айбланувчи ва судланувчи қандай ҳукуқ ва мажбуриятларга эга?
5. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоячи иштирокида қандай масалаларни ҳал этиши мумкин?

### **2-§. Жиноят процессида жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг иштироки**

Жиноят, шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкий зарап етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади. Ишнинг барча ҳолатларини тўла, ҳар томонлама ва холисона текширишда жабрланувчининг иштирокини инкор этиш жиноят судлов ишларининг демократия ва тортишув принципларига зид юритилаётгани тўғрисида хулоса чиқаришга ва уларнинг исботлашда иштирок этиш ҳукуки чекланишига олиб келган бўлар эди. Лекин бу иштирокчилар исботлашни амалга ошириш имкониятига эга эмаслар, чунки улар зиммасига ўз шахсий манфаатдорлигини ҳисобга олган ҳолда ишнинг барча ҳолатларини тўла ва холисона текшириш вазифаси юклатилмаган, юклатилиши ҳам мумкин эмас.<sup>92</sup>

Адабиётларда жабрланувчига бир неча хил таърифлар берилган. Жабрланувчи деб жисмоний, маънавий, мулкий ёки бошқа бир турли зарап етказилган, жиноят қонунчилигига кўзда тутилган бошқа жиноий қилмиш содир этилиши туфайли қонуний ҳақ-хукуқлари чекланган шахс тан олиниб, у фақат жисмоний шахс бўлиши лозим.<sup>93</sup> Россия Федерацияси ЖПКга мувофиқ, жабрланувчи деб - шахсга жисмоний, мулкий, маънавий зарап етказилган бўлса - жисмоний, жиноят содир этилиши билан мулкий ёки иш репутацияси зарап кўрган бўлса, юридик шахслар эътироф этилади.<sup>94</sup> Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 75-моддасига мувофиқ, жиноят

<sup>92</sup> Пономаренков В.А., Николайченко В.В., Громов Н.А. Процессуальная форма доказывания. // Следователь. -1998. -№9. –Б.29.

<sup>93</sup> Безлекин Б.Т. Комментарий к Уголовному процессуальному кодексу Российской Федерации. Кнорус -М.: 2004. –Б.71.

<sup>94</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. Официальный текст с изменениями и дополнениями. -М.: ОМЕГА-Л, 2003. –Б.26.

процессида жисмоний, мулкий, маңнавий заар өтказилган шахс жабрланувчи деб тан олинади. Агар юридик шахсга жиноят туфайли мулкий ва маңнавий заар өтказилган бўлса, у ҳам жабрланувчи тариқасида эътироф этилиши мумкин.<sup>95</sup> Бу ерда жабрланувчининг хуқуқ ва мажбуриятларини жабрланувчи юридик шахсларнинг манфаатли вакили амалга оширади.

Жабрланувчининг процессуал мақомини тушуниш учун «жабрланувчи» ва «жиноят қурбони» тушунчаларини таққослаш лозим. Чунки, ҳар қандай жиноят қурбони ҳам жиноят процессуал тушунчада жабрланувчи бўла олмайди (бу асосан латент жиноятлар қурбони ва жиноят қурбонининг ўлимини келтириб чиқарган жиноятларга хосдир). Бундан ташқари, жиноят қурбони суриштирувни олиб борган шахс томонидан маҳсус қарор чиқарилганидан кейин жабрланувчи мақомини олади.

Жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради (ЖПКнинг 54-моддаси).

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жисмоний, мулкий ва маңнавий заарарнинг мавжудлиги ва унинг жиноий қилмиш билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаши, сўнгра шахсни жабрланувчи деб эътироф этиш тўғрисида қарор чиқариши, жабрланувчи ёки унинг қонуний вакилини ушбу қарордан хабардор этиши, жабрланувчига хуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериши ва бу ҳақда баённомада қайд этиши керак. Суриштирувчи, терговчи ёки судья жабрланувчининг хуқуқларини кафолотловчи қуидаги ҳаракатларни амалга оширишлари лозим:

- уни жабрланувчи деб эътироф этилиши сабабларидан қатъи назар, жиноят ишини қўзғатиш ёки ишни тўхтатиш тўғрисидаги материаллар билан таништириш;
- жабрланувчига ишнинг тўхтатилиш сабаб ва асослари ҳақида хабар бериш ёки уни, унинг қонуний вакилини ушбу материаллар билан таништириш;
- жабрланувчини экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор билан таништириш ва ундан экспертга ўзи учун муҳим бўлган бошқа турдаги саволларни бериш хоҳишини сўраш; экспертиза ўтказиш учун тайинланган мутахассисга ишониши ёки ишонмаслигини суриштириш; экспертиза тугагандан сўнг, уни эксперт хулосаси билан таништириш;
- жабрланувчи ёки унинг қонуний вакилининг илтимосига биноан унинг қонуний хуқуқ ва манфаатларига таъсир этувчи процессуал қарорлар (жиноят иши қўзғатишни рад этиш, жабрланувчи ёки фуқаровий давъогар деб эътироф этиш, жиноят ишини тўхтатиш тўғрисидаги ҳамда суд қарорлари ва ҳ.к.) нинг нусхаларини бериш.

Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида суриштирув органлари томонидан ноқонуний равишда қарор чиқарилганда, ишни ўз юритувига қабул қилган терговчи:

<sup>95</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. -Алматы.: ЮРИСТ, 2003. -Б.36-37.

- етказилган заарнинг ҳажми ва хусусияти сунъий равища камайтирилиб, қилмиш «кам аҳамиятли» этиб кўрсатилмаганлиги;
- жабрланувчига тергов давомида бирор кимса томонидан ўзига етказилган жисмоний, маънавий ёки моддий заарни декриминаллаштириш ёки оқлаш юзасидан қайта ариза ёзиш учун тазъийқ ўтказилмаганлиги;
- жабрланувчи ва жиноят содир этган шахснинг жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги аниқ бўлган ҳолда мажбурий тарзда «яраштирилмаганлиги» ва жиноят ишининг кейинчалик сохталаштирилмаганлиги;
- суриштирувчи томонидан чиқарилган жиноий иш қўзғашни рад этиш тўғрисидаги асосланмаган қарор чиқарилганлиги учун бу тўғрида шикоятчи (жабрланувчи ёки унинг қонуний вакили) хабардор этилмаганлиги каби ҳолатларни аниқлаши лозим.

Жиноят натижасида шахсга бевосита маънавий, жисмоний ва моддий зарар етказилганлиги тўғрисидаги тахмин жабрланувчи деб эътироф этиш хақида қарор чиқарилишига асос бўлади.<sup>96</sup>

Фуқаро жабрланувчи деб эътироф этиш пайтдан бошлаб кенг қамровли хуқуқларга эга бўлади, улардан фойдаланган ҳолда процессда иштирок этиб, ўз хуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қиласди.

Маънавий зарар жабрланувчининг унга нисбатан содир этилган гайриқонуний ҳаракатлар натижасида бошидан кечирадиган ҳиссий ёки жисмоний азобланишидир (масалан, ҳақоратлаш, қадр-қимматини камситиш ва бошқалар). Жисмоний зарар соғлиқнинг бузилишида, тан жароҳати етказилишида, жисмоний азобланишда намоён бўлади. Моддий зарар эса жабрланувчига тегишли моддий бойликларнинг ўғирланишида, уларнинг йўқолиши ёки уларга зарар етказилишидан иборатдир. Бир жиноят натижасида шахсга нисбатан барча турдаги заарлар етказилиши мумкин.

Шахс ўз илтимоси ёки ишни олиб борувчи шахслар таклифи билан жабрланувчи деб эътироф этилиши мумкин. Жабрланувчи ўзига жиноий ҳаракат натижасида зарар етказилганлиги сабабли эмас, балки унга нисбатан процессуал акт (қарор) чиқарилганлиги юридик факти муносабати билан жиноят-процессуал муносабатларга киришади. Жиноят натижасида шахсга зарар етказилиши, аниқроғи зарар етказилганлиги тўғрисида маълумотнинг мавжудлиги шахсни жабрланувчи деб эътироф этувчи қарор чиқаришга асос бўлиб хизмат қиласди. Қонунда ушбу қарор ва шахсга етказилган зарар бир бири билан боғланган ва шахсга фақат зарар етказилган ҳолдагина у жабрланувчи деб эътироф этилади.

Содир этилган жиноят ва етказилган зарар ўртасида тўғридан тўғри ва ички боғлиқлик бўлиши керак, чунки етказилган зарар ушбу жиноятнинг бевосита маҳсули ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам зарар айнан ушбу жиноят орқали етказилганлиги, унинг миқдори тергов ва суд ҳаракатлари давомида

<sup>96</sup> Жиноят процесси. Умумий қисм / З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида – Т.: Янги аср авлоди, 2002. –Б.127.

аниқланади, аммо бу шахснинг ўзи арз қилган пайтидан бошлаб уни жабрланувчи деб тан олинишига тўсиқ бўлмаслиги керак. Акс ҳолда заар кўрган шахс ўзининг исботлаш жараёнидаги хуқуқ ва мажбуриятларини ўз вақтида амалга ошира олмайди.

Фақат тугалланган жиноят ишлари бўйича эмас, балки тугалланмаган ёки суюқасд тарзидаги жиноятларда ҳам шахс жабрланувчи деб эътироф этилиши мумкин.

Жабрланувчининг ўлимига олиб келган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича қонунда кўзда тутилган хуқуқ ва мажбуриятларни дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан марҳумнинг қонуний вакили деб эътироф этилган яқин қариндошлари ёки бошқа шахслар амалга оширадилар (ЖПКнинг 55-моддаси). Яқин қариндошлар сирасига ота-она, ака-укалар, опа-сингиллар, турмуш ўртоғи, болалари, фарзандликка олинганлар, неваралари, турмуш ўртоғининг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари киради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, РФ ЖПКга кўра юридик шахслар ҳам жабрланувчи деб эътироф этилади. Юридик шахсни жабрланувчи деб эътироф этишга унинг мулки, иш обрўсига зарар етказиш асос бўлади.<sup>97</sup> Умумий маънода «обрў» - бу жамиятда ким ҳақдадир пайдо бўлган фикр ҳисобланади. Корхона иш обрўсининг мусбат (харидор томонидан келгуси иқтисодий манфаатни кўзлаб тўланадиган нархга қўшимча) ёки манфий (харидор йўқлиги туфайли нархнинг тушиш, сифат, маркетинг ва сотиши услуби, бизнес алоқалари, бошқариш усули, ходимларнинг малакавий даражаси ва ҳ.к.) бўлиши ҳисобга олиниб, суд томонидан фақат мусбат томони кўриб чиқилади. «Жабрланувчи деб тан олиш учун шунга мос келувчи бирон бир аломатнинг бўлиши етарлидир ва қандайдир зарарли оқибатнинг келиб чиқиши талаб этилмайди».<sup>98</sup> Шу ўринда айтмоқчимизки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги юридик шахсларнинг жабрланувчи деб эътироф этилмаслиги ҳакида қоида афзал, чунки қонунда юридик шахс бўлган фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарларга кенг хуқуқ ва мажбуриятлар берилган.

Жабрланувчи деб эътироф этиш шахснинг аризасига кўра ёки жиноят иши юритувида бўлган мансабдор шахс томонидан амалга оширилади. Бунда жиноятнинг ким томонидан содир этилганлиги аниқланган ёки аниқланмаганлиги, унинг ушланган ёки ушланмаганлиги, жабрланувчи ва жиноятчининг ўзаро муносабатлари ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

Шахсни жабрланувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор унинг қонунда назарда тутилган ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик) қурбони бўлганлиги ҳақидаги факт аён бўлганидан ва жиноят иши қўзғатилганидан кейин чиқарилиши лозим. Шахсни жабрланувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарорнинг асоссиз равишда кечикирилиши уни жиноий жараёнда фаол иштирок этишига тўсиқ бўлади. Жабрланувчи деб эътироф этиш якка

<sup>97</sup> Уголовный процесс: Учебник для юридических высших учебных заведений. / Под общ. ред. В.И.Радченко. - М.: Юстицинформ, 2003. - Б. 127.

<sup>98</sup> Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Уголовный процесс. 2-е издания. –СПб.: Питер. 2005. –Б.125

тартибда амалга оширилиб, ҳар бир жабрланувчи учун алоҳида қарор чиқарилади.

Жиноят процессуал қонунчилигига кўра жабрланувчи вояга етмаган шахс бўлса, ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб тан олинган бўлса, ушбу иш бўйича у билан бирга унинг қонуний вакили қатнашади.

Жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ЖПКнинг 55-моддасида батафсил баён этилган. Унга кўра жабрланувчи: кўрсатув бериш; далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонуний вакил олиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш; қонунда назарда тутилган ҳолларда ярашув тўғрисида аризалар бериш ҳамда ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш; шахсан ўзи ёки қонуний вакили орқали судда айловни қувватлаш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътиrozлар билдириш ҳуқуқига эгадир. Қуйида улардан баъзиларига тўхталиб ўтамиш.

Жабрланувчи кўрсатувларни сўроқ вақтида ёки ўз хохиши билан ёзма ҳолда бериши мумкин. Кўрсатув бериш ташабbusи жабрланувчининг ўзидан ёки суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суддан келиб чиқиши мумкин.

Жабрланувчини одатда дастлабки тергов ўтказилган жойда сўроқ қилинади. Битта жиноят иши бўйича чақирилган жабрланувчилар якка тартибда, бошқа жабрланувчиларнинг иштирокисиз сўроқ қилинади. Терговчи уларнинг ўзаро мулоқот қилишининг олдини олиш чораларини кўриши лозим.

Сўроқ қилишдан аввал жабрланувчининг шахси аниқланиб, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кўрсатув беришдан бош тортиш ва ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарликка тортилиши тушунтирилади (вояга етмаган шахслар сўроғи бундан мустасно).

Жабрланувчининг кўрсатувлари ЖПКнинг 106-моддасида белгиланган тартибда тузиладиган сўроқ баённомасига ёзиб борилади. Сўроқ тугаши билан жабрланувчи ўз кўрсатувларини ёзма равишда тақдим этиши мумкин ва бу ҳақда баённомада қайд этилади. Жабрланувчининг кўрсатувлари унинг ўзи ва сўроқни олиб борган шахс томонидан тасдиқланиб, имзо қўйилади.

Жабрланувчи ёки унинг қонуний вакили томонидан далилларни тақдим этилиши ҳам қонунга кўра далиллар тўплаш усулларидан бири ҳисобланади. Жабрланувчи ёки унинг қонуний вакили кўриб чиқилаётган жиноят ишига алоқадор бўлган фактик маълумотларга эга бўлсалар, улар ушбу маълумотларни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга тақдим

етишлари мумкин. Бу ҳолда далилларни қабул қилган мансабдор шахслар жабрланувчиларни ушбу маълумотлар, буюмлар, ҳужжатлар ва ҳ.к.лар қай ҳолда, қачон, ким томонидан топилганлиги ва шунга ўхшаш бошқа маълумотларни билиш учун сўроқ қилиниб, сўроқ натижаларига кўра баённома тузилади. Ўзларининг далиллар тақдим этиш хуқуки асосида жабрланувчи ёки унинг қонуний вакили далилларни топиш мақсадида тезкор-қидирув ишларини олиб бориш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилишлари мумкин.

Жабрланувчи ёки унинг қонуний вакили томонидан далиллар тақдим этилиши эркин ҳаракат ҳисобланади. Жабрланувчи томонидан далиллар тақдим этишга эътиroz билдирилган ҳолатларда эса, агар жиноят иши учун зарур бўлса, қидирилаётган буюм, нарса ва ҳужжатлар мажбуран олиб қўйилиши, жиноятдан жабр кўрган шахснида тинтуб ўтказилиши мумкин.

Илтимоснома бериш ва рад этиш жабрланувчининг энг асосий хукуқларидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳаракат воситасида жабрланувчи тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасининг йўналиши ва натижаларига таъсир ўтказиши мумкин. Қонунда жабрланувчининг илтимоснома ва шикоятлар билан мурожаат қилиши мумкин бўлган ҳолатларнинг рўйхати келтирилмаган, чунки бу ҳолатларни олдиндан айтиб ўтиш мушкул.

Илтимоснома ва шикоятлар жабрланувчи томонидан ёзма ёки оғзаки ҳолда берилиши мумкин, ёзма ҳолда берилган мурожаатлар иш жилдига тикиб қўйилади, оғзаки мурожаатлар эса баённомада қайд этилиши лозим.

Амалдаги ЖПКда жабрланувчининг мурожаатларини ҳал этиш муддати белгиланмаган бўлса-да, бу жабрланувчи ўз мурожаатлари юзасидан суриштирувчи, терговчига таъсир ўтказиши мумкин эмас, деган тушунчани келтириб чиқармаслиги керак. Илтимоснома ва шикоятнинг ҳал қилиниши йўлида сансалорликка йўл қўйилганда ёки уни ҳал этиш муддати чўзилиб кетганда, жабрланувчи суриштирувчи ёки терговчи фаолияти устидан шикоят қилиб, уларни назорат этувчи прокурорга, назорат этувчи прокурор ҳам худди шу каби лоқайдлик кўрсатса, юқори турувчи прокурорга мурожаат қилиши мумкин. Жабрланувчининг суриштирувчи ёки терговчининг ҳаракати ва чиқарган қарорлари юзасидан шикоятлари шикоят келтирилаётган суриштирувчи ёки терговчи орқали прокурорга тақдим этилади. Шу ўринда муаллифларнинг жабрланувчига тўғридан тўғри судга шикоят қилиш хуқуки берилиши лозимлиги тўғрисидаги таклифларга қўшиламиз.<sup>99</sup>

Қонунда жабрланувчининг судья, прокурор, терговчи, суриштирувни олиб борган шахс, суд мажлиси котиби, таржимон, мутахассис, адвокат, касаба ёки бошқа уюшма вакилларини рад этиши мумкин.

Суд муҳокамаси олиб борилаётган тилни билмайдиган жабрланувчига ўз она тилида ариза ёзиш, кўрсатув бериш, шикоят қилиш, иш

<sup>99</sup> Иногомжонова З.Ф. Инсоннинг суд орқали ҳимояланиш хуқуки: назария ва амалиёт муаммолари тўплами. “Жиноят процессининг айрим босқичларида суд назорати” мавзусидаги конференция материаллари. -Т. ТДЮИ, 2005 –Б.124-128.

материаллари билан танишиш, судда ўз она тилида гапириш ва таржимон хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқлари берилади.

Жабрланувчини таржимон билан таъминлаш ҳуқуқи суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зиммасига юклатилган бўлиб, улар жабрланувчининг суд муҳокамаси олиб борилаётган тилни билиш ёки билмаслигини аниқлашлари, жабрланувчига таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини тушунтиришлари ва лозим бўлса, таржимон билан таъминлашлари лозим.

Дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг, тўпланган далиллар айлов хулосасини тузиш учун етарли деб топилса, терговчи бу ҳақда албатта жабрланувчи ёки унинг қонуний вакилига хабар бериши ва уларнинг оғзаки ёки ёзма илтимосига биноан иш материаллари билан таништириши лозим. Дастлабки тергов давомида кино, видео тасвирга олиш ёки овоз ёзиш мосламалари ишлатилган бўлса, улар жабрланувчининг илтимосига биноан унга намойиш этилиши ёки эшиттирилиши мумкин. Иш материаллари билан танишиб чиқиб, жабрланувчи қўшимча тергов ҳаракатлари юритиш тўғрисида илтимоснома беришга ҳақли. Илтимосноманинг тўлиқ ёки қисман қондирлишига қараб терговчи жиноят иши бўйича иш юритишни қайта бошлайди ва жабрланувчи сўраган ҳаракатларни ўтказади. Жабрланувчи илтимос қилган ҳаракатлар якунига етгандан сўнг, терговчи жабрланувчи ёки унинг қонуний вакилини бу ҳақда хабардор этади ва қайтадан янги иш материаллари билан танишиб чиқиш имкониятини беради.

Бундан ташқари амалдаги ЖПКда жабрланувчининг жиноят ишидан керакли бўлган маълумотларни ёзib олиши ҳуқуқи ҳам белгиланган.

Жабрланувчига қонун томонидан суд муҳокамасида иштирок этиши учун ҳам кенг ҳуқуқлар мажмуаси белгиланган. Суд жараёнида жабрланувчи янги гувоҳлар, эксперtlар, мутахассислар чақириш тўғрисида мурожаат қилиш, далиллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш; судланувчи, гувоҳларни сўроқ қилиш, эксперт олдига ёзма равишда саволлар қўйиш, суд муҳокамасида қатнашаётган бошқа аъзолар томонидан қўйилган саволлар бўйича ўз фикрини билдириш; суд мажлиси жараёнида далилий ашёлар намойишида қатнашиш; суд терговини тўлдириш борасида мурожаат қилиш; бошқа иштирокчилар томонидан киритилган мурожаатларни муҳокама қилишда қатнашиш ва улар тўғрисида ўз фикрини билдириш каби ҳуқуқларга эга бўлади.

Жабрланувчининг суд муҳокамасида айловни қувватлаши асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Жабрланувчи ўзининг судда айловни қувватлаш ҳуқуқини қонуний вакилига бериши ҳам мумкин.

ЖПКнинг 55-моддасида жабрланувчининг суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиш; ҳақоний кўрсатувлар бериш; ҳақиқатни аниқлашга, далилларни йўқ қилишга, сохталаштиришга, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва шу каби қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслик; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг талаби бўйича далиллар тақдим қилиш; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиш каби мажбуриятлари белгиланган.

Жабрланувчига суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақиравига биноан ҳозир бўлиш мажбурияти юкланганд. Жабрланувчи узрли сабабларсиз келмагандан, у ЖПКнинг 261-264 моддаларига мувофиқ равишда мажбурий келтирилиши мумкин. Шу мақсадда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жабрланувчини мажбурий келтириш тўғрисида тегишли тартибда асосланган қарор чиқаради. Аммо бу қарорни чиқаришдан аввал жабрланувчининг ихтиёрий тарзда келмаганлигининг сабаблари атрофлича ўрганиб чиқилиши, маълум шахслардан керакли тушунтиришлар олиниши, жабрланувчи тақдим этган тегишли хужжатлар текширилиши лозим.

Жабрланувчи факат ҳаққоний кўрсатувлар бериши шарт. Ёлғон кўрсатув берганлиги учун белгиланган тартибда ЖКнинг 238-моддасига биноан жиноий жавобгарликка тортилади. Жабрланувчи суриштирув, тергов ёки суд муҳокамаси даврида, суд томонидан хукм чиқарилгунга қадар ўзи берган кўрсатувларнинг ёлғонлиги тўғрисида кўшимча кўрсатув берса, жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Жабрланувчи маълумотларни қайси манбадан олганлигини аниқ кўрсатиши лозим, акс ҳолда ушбу кўрсатувлар далил сифатида эътиборга олинмайди. Маълумот, ахборот олинган манбанинг аниқ кўрсатилмаслиги худди ёлғон кўрсатув бериш каби жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Жабрланувчи берган кўрсатувлар исботлашнинг асосий манбаларидан бири ҳисбланиб, ушбу тизимда алоҳида ўрин тутади. Ушбу кўрсатувларнинг баъзи жиҳатлари гувоҳлик кўрсатувларига ўхшаш бўлса-да, улардан субъекти, процессуал табиати, манфаати ва олинадиган ахборотнинг мазмуни билан фарқланиб туради. Чунки бу кўрсатувлар жисмоний, маънавий ёки моддий зарар етказилган ва процессуал ҳолатига кўра жиноят ҳодисасининг бевосита иштирокчиси бўлган шахс томонидан берилади. Жабрланувчининг кўрсатувлари муҳим процессуал ҳужжат ҳисбланиб, улар жабрланувчи шахсиятининг хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда ва далилий аҳамияти нуқтаи назаридан баҳоланиши зарур.

Жиноятни очиш жараёнидаги муҳим факторлардан бири жабрланувчининг ўз хуқуқларини тўла англаштириб. Жабрланувчи берган кўрсатувларининг аниқлиги ва ишончлилиги унинг хуқуқ бузилишларга нисбатан қандай муносабатда эканлигига, тергов ва одил судловга қанчалик ёрдам бермоқчилигига боғлиқ.

Терговчининг жабрланувчи руҳий ҳолатини, шахсий хусусиятларини ўрганиб, у билан алоқа ўрнатиши ва бу билан кўрсатувларнинг аниқ ва тўла бўлишига эришиши жуда зарурдир. Жабрланувчининг руҳиятини ўрганиш унинг у ёки бу ҳаракатларни содир этган ёки этмаганлигини, қандай ҳаракатлар содир этишга қодирлигини аниқлашга, умуман, ҳодиса тафсилотларини қайта шакллантиришга ёрдам беради.

Жиноятчининг ҳаракатлари, жиноий қилмишнинг асоратлари кўп ҳолларда жабрланувчини кучли руҳий хаяжон, қўрқув, оғир тушкунлик, ғазаб, норозилик, ўксиниш, ўзини йўқотиб қўйиш каби оғир ҳолатларга солиб қўяди. Жабрланувчидағи ушбу хусусиятларни эътиборга олмасдан, уларни

синчиклаб ўрганмасдан у берган кўрсатувларнинг тўла ва аниқлигига ишонч ҳосил қилиш қийин.<sup>100</sup>

Жабрланувчининг кўрсатувларида хатоликларга йўл қўймаслик мақсадида унинг жиноятни содир бўлган вақтдаги руҳий ҳолати, ҳодисанинг содир этиш вазияти ҳамда жиноятчи шахсининг хусусиятларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Жабрланувчи ҳис этаётган қўрқув, уят, ғазаб, хафагарчилик ва шу каби ҳолатлар воқеликни нотўғри қабул қилиш, унинг ҳажмини ўзгартириш каби ҳолларга олиб келиши амалиётда ўз исботини топган. Шахсга қилинган жиноий тажовуз натижасида рўй берган физиологик аффект оқибатида жабрланувчининг ўз-ўзини идора қилиши, ҳаракатларни тўғри баҳолаши, реал воқеликни қабул қилиши қийинлашади. Ушбу ҳолатда жабрланувчи жиноятчининг физиологик белгиларини, уларнинг сонини, тажовузнинг ҳарактерини баҳолашда турли қийинчиликларга дуч келади. Аммо баъзи ҳолларда жиноят содир этилаётган вақтда жабрланувчи томонидан ҳис этиладиган бундай кучли ҳаяжон, ҳаттоқи унчалик аҳамиятли бўлмаган деталлар, воқеалар, жиноятчининг ташқи қиёфасига оид кичик маълумотларни янада яхшироқ, аникроқ эслаб қолиш имконини беради.

Жабрланувчига кучли маънавий зарап етказилганлиги учун у хаёлан бир неча марталаб содир этилган жиноятга қайтади ва ушбу жиноий ҳаракат тўғрисидаги турли деталларни эслайди. Бу эса жабрланувчига биринчи сўроқда жавоб бера олмаган саволларини тўлдириш имкониятини беради. Мана шунинг учун ҳам жабрланувчининг ушбу ҳолатини эътиборга олган ҳолда, унга ортиқча руҳий шикаст етказмасликка ҳаракат қилиб, зарур бўлса қайта сўроқ ўтказилиши мумкин. Яна шуни эътиборга олиш лозимки, бўлиб ўтган воқеани хаёлан жонлантириш ва у билан боғлиқ ҳиссиётларни қайта бошдан кечириш жараёнида жабрланувчида фикрлаш жараёни кучайиб, унинг айборларни топишга бўлган интилишини ортиради. Мана шунинг учун жабрланувчилар кўпгина ҳолларда ким ва нима учун ушбу жиноятни содир этганлиги ҳақидаги тахминларни билдирадилар. Терговчи бу тахминларнинг ҳеч бир асоссиз айтилаётганлигини билса ҳам, уларни дарров рад қилмаслиги лозим. Биринчидан, бу жабрланувчи билан руҳий алоқа ўрнатишга ёрдам беради. Иккинчидан, жабрланувчининг тахминлари ҳақиқатга яқин бўлиши мумкин, чунки судлов ишлари амалиётида бундай тахминлар тўғри чиққан ҳолатлар оз эмас.

Кўпчилик криминалистлар жиноятчининг ғайриқонуний ҳаракатлари жабрланувчига тўғридан-тўғри зарап етказганлиги ва уларнинг шахсий манфаатдорликларини ҳисобга олиб, уларнинг кўрсатувларини синчиклаб текшириш лозим деган фикрни билдирганлар.<sup>101</sup> Гап шундаки, жабрланувчиларнинг кўрсатувлари ҳар доим ҳам беғараз ҳамда холисона бўлавермайди. Бунинг сабаблари жуда кўп бўлиши мумкин. Масалан,

<sup>100</sup> Глазурин Ф.В. Психология следственных действий. –Волгоград: 1983. -Б. 55.

<sup>101</sup> Ларин А.М. Работа следователя с доказательствами. -М.: 1986. –Б.52; Дулов А.В., Нестеренко Д. Тактика следственных действий. –Минск: 1997. –Б.79.

жабрланувчи жиноятчидан ўзига етказилган азоблар, таҳқирлашлар, моддий ва маънавий йўқотишилар учун ўч олишга, ҳуқуқбузарнинг жавобгарликка тортилганлигидан максимал равишда моддий заарни ундиришга, жиноятчининг қариндош-уруғлари, дўстлари илтимослари таъсири билан унинг айбини енгиллатишга, ўзининг баъзи бир гайриқонуний ҳаракатларини яширишга ҳаракат қиласи. Терговчи доимо жабрланувчининг кўрсатувларида ушбу виктимологик аспектлар бўлиши мумкинлигига эътибор қаратиши лозим.

Жабрланувчи кўрсатувларининг ҳаққоний бўлмаслигининг яна бир сабаби, унинг терговчидан иш тўғрисидаги у ёки бу маълумотни олгандан сўнг, ушбу маълумотнинг таъсирига тушиб қолишидир. Бу ҳолларда жабрланувчининг кўрсатувларида унинг шахсий кўрган-билинлари эмас, балки эшитган маълумотлари доминантлик вазифасини бажаради.

Жабрланувчи кўрсатувларининг ишнинг асл ҳолатига тўғри келмаслиги баъзан унинг уялишидан, жиноятчи ёки ўз ҳаракатлари ҳақида сўзлашда ўзини ноқулай сезишидан келиб чиқади. Бунга ўхшаш воқеалар кўпинча жинсий жиноятлардан жабр кўрган шахсларни сўроқ қилганда рўй беради. Жабрланувчи жиноятчининг яқинлари, шериклари, қариндошлари, дўстларидан қўрқанлиги сабабли ҳам унинг кўрсатувлари ҳақиқатга тўғри келмаслиги мумкин.<sup>102</sup>

Жабрланувчининг кўрсатувларига таъсир ўтказувчи факторлардан бири уларни олдиндан ишонтиришдир. Бу кўпроқ voyaga етмаган жабрланувчиларга хос бўлиб, лекин ишонтиришга катталар ҳам жалб қилиниши мумкин. Жабрланувчилар гувоҳлардан қўра анча кўпроқ ишонтиришга мойил бўлиб, бу айниқса уларнинг манфаатлари қўзланган ишларда кўпроқ кузатилади. Жабрланувчи кўрсатувларининг тўлиқ эмаслиги, ноаниқлиги ҳам ушбу ишонтириш асосида ҳосил бўлади. Ишонтиришнинг бу каби салбий таъсирини бартараф этиш мақсадида терговда белгиланган процессуал чоралар қўлланилиб, жабрланувчига йўналтирувчи саволлар беришга йўл қўйилмайди.

Жабрланувчининг кўрсатувлари яна кўплаб субъектив ва объектив факторларга боғлиқ. Сўнгти вақтларда криминологик изланишларда жиноят генезисидаги жабрланувчининг роли, унинг жиноятчи билан шахсий алоқаси ва ўзаро муносабатларига катта аҳамият берилмоқда.

2002 йилда Қарши шаҳри бўйича ўрганилган суд материаллари шуни кўрсатадики, ҳар саккизинчи жабрланувчи ҳеч қаерда ишламаган, ўн фоиздан ортиқроғи паразит хаёт тарзи олиб борган, қирқ фоизи эса жабрланувчининг ўзи ахлоққа зид ёки ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар содир этган.<sup>103</sup>

Жабрланувчилар шахсияти ва хулқ авторидаги бу каби хислатлар уларга нисбатан содир этиладиган оғир ноқонуний ҳатти-

<sup>102</sup> Закатов А.А. Тактика допроса потерпевшего. –М.: 1998. –Б.20-22; Досполов Г.Г, Психология допроса на предварительном следствии. -М.: 1976. –Б.33-34.

<sup>103</sup> Қарши шаҳар жиноят ишлари бўйича судининг 2002 йилги архив материалларидан.

ҳаракатларнинг кўпайишига сабаб бўлиши мумкин. Айниқса, одам ўлдириш, оғир тан жароҳати етказиш, номусга тегиши жиноятлари содир этилганда гумон қилинувчи, айбланувчи ва жабрланувчининг жиноятга қадар бўлган салбий муносабатлари ва улардаги руҳий ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Агрессивлик, ўз яқинларини менсимаслик, улар билан чиқиша олмаслик, спиртли ичимликлар, наркотик моддалар истеъмол қилишга ружу қўйиш, жинсий тартибсизлик, танишларни танлашдаги бепарволик каби ҳолатлар жабрланувчиларнинг руҳий-ахлоқий ҳолатини аниқлашда етакчи ўрин тутиб, турли ҳарактердаги жиноятлар содир этилиши учун замин ҳозирлайди. Демак, жабрланувчи шахсини ўрганишда мазкур ҳолатларга ҳам етарлича эътибор қаратиш ўта муҳимдир.

Жабрланувчиларга қарши қаратилган ва кенг тарқалган ғайриҳуқуқий ҳаракатлар мажмуи қўйидагилардан иборат: таҳқирлаш, ўлдириш билан қўрқитиш, шахсий мол - мулкига зарар етказиш билан қўрқитиш; жисмоний зўрлик ўтказиш; шантаж ёки шахснинг обрў-эътиборига зарар етказувчи маълумотларни тарқатиш билан қўрқитиш; оғдириб олиш ёки шунга ҳаракат қилиш; шахсий мол-мулкни қасдан йўқотиш ёки унга зарар етказиш; қариндошларини ёки яқин кишиларини ўғирлаб кетиш; жабрланувчи ва унинг яқинлари, қариндошларига нисбатан бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар содир этиш.

Жиноятчилар одатда бир турли ҳаракат билан чекланиб қолмайдилар ва бир турли ғайриқонуний ҳаракатлари иш бермаса, улар янада кучлироқ иккинчи турини кўллашга ўтадилар.

Жабрланувчиларга ғайриқонуний ҳаракатлар билан тазъиик ўтказиб, айбланувчилар бошқа манфаатдор шахслар иш бўйича қўйидаги натижаларни кутадилар: вақтинча ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки қамоқقا олинган шахснинг ЖПКнинг 234-моддасига асосан озод этилиши; айборларни аниқлашда, ишнинг асл моҳиятини очиб беришда, жиноятни аниқлашда ёрдам берувчи восита сифатида ишлатилиши мумкин бўлган нарса, буюм, хужжатларни йўқотиш, ўзгартириш, яшириш; жиноий жараённинг қонуний хужжатларига ёлғон маълумотлар ва хulosаларнинг киритилишини; жиноий ишни тугатиш, оқлаш, енгилроқ жазо тайинлашга эришиш.

Жабрланувчи ҳақидаги маълумотларнинг тарқалиб кетмаслиги учун қўйидаги тадбирлар ўтказилиши мумкин:

- жабрланувчи ва айбланувчининг ўзи, унинг қариндошлари, яқинлари, дўстлари ва унга яқин бўлган бошқа шахслар ўзаро алоқага киришишлари имкониятларининг олдини олиш;

- жабрланувчи ҳақида адреслар бюроси, АТС маълумотлар хизмати, паспорт хизмати, ЙХХ бўлинмалари ва бошқа турли фаолиятни олиб бориши мумкин бўлган ахборотлар фондларига тегишли маълумотлар беришни тўхтатиб туриш тўғрисида кўрсатма бериш;

- жиноят процессининг бошқа иштирокчиларидан жабрланувчининг шахси ҳақидаги бирор бир маълумотни овоза қилмаслик тўғрисида тилхат олиш;
- тергов баённомаларида жабрланувчининг шахси ҳақидаги маълумотларни кўрсатмаслик;
- жабрланувчи манфаатларини кўзлаб ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш.

Чет эл жиноят процессида хавфсизлик ва ҳимоя ҳуқуқи жабрланувчининг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Конунда жабрланувчига хавфсизлик ва ҳимоя юзасидан белгиланган бу қадар катта имкониятлар унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан янада ишончли асосда фаолият юритишига ва содир этилган жиноятнинг янада тезроқ очилишига ва айборларнинг аниқланишига катта ёрдам беради. Ушбу қоида шунинг учун ҳам муҳимки, сўнгги йилларда кўпгина мамлакатларда жиноятдан жабрланганлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига яқиндан ёрдам беришдан қочганлар ва кўпинча суд мажлисига етиб келмаганлар.<sup>104</sup>

АҚШнинг 1968 йилги жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги комплекс қонунига кўра, суд давлат фойдасини кўзлаб амалга оширилаётган ҳаракатларда маълум шартлар асосида иштирокчиларга «иммунитет» ҳуқуқини беради. Бу жабрланувчи ва гувоҳлик кўрсатувларининг ўзига қарши ишлатилмаслиги ва унинг жиноий таъқибдан озод бўлишининг кафиллиги эди. Мазкур тамойил 1970 йилда қабул қилинган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги қонунга ҳам киритилди. Ушбу қонун орқали жаҳонда илк бора судда ўта ашаддий жиноятчиларга қарши чиқувчи шахслар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ва давлат томонидан молиялаштириладиган дастур ишга тушди. Бизнинг қонунчилигимизга ҳам жабрланувчи ва гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлашни янада кучайтириш билан боғлиқ бўлган шунга ўхшаш нормаларнинг киритилиши мақсадга мувофиқдир.

2001 йил 18 октябрдаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ги қонун қабул қилинди. Бу қонунга кўра жиноят ишларини либераллаштириш масаласи кўтарилди, энг асосийси ярашувчилик институти пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «...жабрланувчи билан ярашув тўғрисидаги алоҳида тоифадаги ишларни юритиш тартибининг жорий этилиши жиноят процесси қонунчилигини такомиллаштиришда муҳим қадам бўлди. Бунинг

---

<sup>104</sup> Вавилова Л. В. Новая программа борьбы с преступностью в США. // Российская юстиция. - 1994. -№ 12. -Б.26.

замирида шарқона қадриятлар, миллий урф-одатлар, адолат ҳамда кечиримлик ва албатта қонун устуворлиги мавжуд»<sup>105</sup>.

Суд муҳокамасининг мустақил ва тенг хуқуқли иштирокчиси бўлган фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар маълум процессуал хуқуқ ва бурчларга эга.

Фуқаровий даъвогар бўлиб суд муҳокамасида фуқаро, корхона, ташкилот ёки муассаса вакили қатнашиши мумкин. Агар шахс дастлабки терговда жиноят иши юзасидан фуқаровий даъвогар деб топилмаган бўлса, судда суд ажрими билан шундай мақомга эга бўлиши мумкин.

Фуқаровий даъвогарга ҳам хуқуқ ва бурчлари тушунтирилади. Фуқаролик даъвоси жабрланувчи томонидан берилса, жабрланувчига фуқаровий даъвогарнинг хуқуқ ва бурчлари тушунтирилади.

Фуқаровий даъвогар суд муҳокамасида далиллар келтириш, илтимослар қилиш, суд муҳокамасида тўлиқ қатнашиш, фуқаровий даъвони қўллаб-куватлаш ва уни қаноатлантиришни талаб қилиш, иш материаллари билан танишиш ҳамда иш юзасидан ўз фикрларини баён қилиш хуқуқига эга. Фуқаровий даъвогар суд томонидан талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этишга мажбурдир.

Фуқаровий даъвогар суд мажлисига келмаса, даъво кўрилмай қолдирилади. Агар даъвони унинг иштирокисиз кўриш ҳакида фуқаровий даъвогарнинг илтимоси бўлса, прокурор фуқаролик даъвосини қўллаб-куватласа ёки суд ўз ташабbusи билан даъвони кўриб ҳал қилишни лозим деб топса, фуқаровий даъво кўриб чиқилади. Агар фуқаровий даъво суд муҳокамасида ҳал қилинмай қолдирилса, манфаатдор шахс судга фуқаролик тартибида мурожаат қилиб, даъвони қўзғатиш хуқуқи сақланиб қолади.

Фуқаровий жавобгар ҳам суд муҳокамасида иштирок этиб, ишни ҳал қилиш вақтида мустақил ва тенг хуқуқлидир.

Кўпгина ҳолларда фуқаровий жавобгар судланувчи шахс бўлади. Жабрланувчини моддий манфаатини яхшироқ таъминлаш мақсадида фуқаровий жавобгар сифатида суд муҳокамасига судланувчининг ота-онаси, қонуний вакиллари, яқин қариндошлари ёки бошқа шахслар жалб қилиниши мумкин. Шунингдек, судланувчининг жиноий ҳаракатлари туфайли келтирилган зарар учун моддий жавобгар бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар ҳам фуқаровий жавобгар бўлиши мумкин. Вояга етмаганлар жиноят ишлари юзасидан уларнинг ота-онаси, ўқув юрти, вояга етмаган шахс даъволанаётган тиббий муассаса, ҳомий ва васийлар фуқаровий жавобгар сифатида жалб қилиниши мумкин.

Фуқаровий жавобгар айблов ва фуқаровий даъвонинг мазмунини билиш; даъвога эътиroz билдириш; тушунтириш бериш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш; далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш, биринчи инстанция апелляция, кассация ва назорат инстанция судининг мажлисларида иштирок этиш, суднинг ҳаракатлари ва қарорлари

<sup>105</sup> Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигига. //Халқ сўзи. – 2001. – 30 авг.

устидан шикоятлар келтириш; суд хукми ва ажримининг фуқаровий даъвога тегишли қисми устидан шикоятлар бериш; иш бўйича келтирилган шикоят ва протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътиrozлар билдириш хукуқига эгадир.

Фуқаровий жавобгар суднинг чақиравига биноан ҳозир бўлиш ва уларнинг талабларига асосан фуқаровий даъвога тегишли бўлган далиллар тақдим қилиш; ҳақиқатни аниқлаш, далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга ўриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги, суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Фуқаровий жавобгар ёки унинг вакилининг суд мажлисига келмаслиги фуқаровий даъвони кўришни тўхтатмайди. Ишни кўриш унинг иштирокисиз давом эттирилади.

Суд муҳокамасида фуқаровий жавобгарларнинг номидан уларнинг вакиллари қатнашишга йўл қўйилади. Вакил сифатида ота-оналари, яқин қариндошлари, корхона, ташкилот, муассаса вакиллари, ҳомий ва васийлар, адвокатлар ҳам қатнашиши мумкин. Вакиллар кўрсатув беришдан ташқари барча ҳаракатларни бажаради. Улар суд муҳокамасида ўз билганлари юзасидан гувоҳ сифатида сўроқ қилинишлари мумкин.

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 28.04.2000 йилдаги №7-сонли қарори (Мазкур Қарорга Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 19.12.2003 й. 20-сон Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида»ги 11.09.1998 йилдаги №21-сонли қарори (Мазкур Қарорга Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 14.06.2002 й. 10-сон Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган).*

## **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (ЎзР 24.04.2003 йилгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Т.: Ўзбекистон, 2003. -40 б.
2. Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. //Халқ сўзи. – 2001. – 30 авг.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.-Т.: Адолат, 1999. -525 б.
4. Безлепкин Б.Т. Комментарий к Уголовному процессуальному кодексу Российской Федерации. Кнорус -М.: 2004. –Б.71.
5. Вавилова Л. В. Новая программа борьбы с преступностью в США. // Российская юстиция. -1994. -№ 12. –Б.26.
6. Дулов А.В., Нестеренко Д. Тактика следственных действий. – Минск: 1997. –Б.79.

7. Жиноят процесси. Умумий қисм. / З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида – Т.: Янги аср авлоди, 2002. –Б.127.
8. Закатов АА. Тактика допроса потерпевшего. –М.: 1998. –Б.20-22.
9. Иноғомжонова З.Ф. Инсоннинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуки: назария ва амалиёт муаммолари тўплами. “Жиноят процессининг айрим босқичларида суд назорати” мавзусидаги конференция материаллари. -Т. ТДЮИ, 2005 –Б.124-128.
10. Ларин А.М. Работа следователя с доказательствами. -М.: 1986. – Б.52.
11. Петрухин И.Л. Уголовный процесс. -М.: Проспект, 2001. –Б.108.
12. Пономаренков В.А., Николайченко В.В., Громов Н.А. Процессуальная форма доказывания. // Следователь. -1998. -№9. –Б.29.
13. Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Уголовный процесс. 2-е издания. – СПб.: Питер. 2005. –Б.125
14. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. -Алматы.: ЮРИСТ, 2003. -Б.36-37.
15. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. Официальный текст с изменениями и дополнениями. М.: ОМЕГА-Л, 2003. – Б.26.
16. Уголовный процесс: Учебник для юридических высших учебных заведений / Под общ. Ред. В.И.Радченко. - М.: Юстицинформ, 2003. - Б. 127.
17. Щерба С.П., Зайцев О.А. Охрана прав потерпевших и свидетелей по уголовным делам. –М.: Спарк, 1996. -Б.9.

### **Назорат саволлари**

1. Жабрланувчининг жиноят процесси иштирокчиси сифатидаги қандай ҳуқук ва мажбуриятлари мавжуд?
2. Шахсни жабрланувчи деб эътироф этилишида қандай ҳолатлар эътиборга олинади?
3. Нима учун жабрланувчининг шахси синчиклаб ўрганилиши лозим?
4. Жабрланувчидан ҳаққоний кўрсатувлар олишга эришиш учун қайси ҳолатларга эътибор қаратиш лозим?
5. Ўзбекистон Республикаси жиноят процессида жабрланувчини хавфсизлигини таъминлашда қандай муаммолар учрайди?
6. Ярашув тўғрисидаги ишларни юритишда жабрланувчи қандай ўрин тутади?
7. Жиноят процессида фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида сўзлаб беринг.

## **5-боб. Жиноят процессида ҳимоячи иштирокини процессуал кафолатлаш ва унинг ваколат доирасини кенгайтириш**

Жиноят процессида ҳимоя гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки ҳимояни айбловни рад этишга, жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлашга, шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини қўриқлашга қаратилган, қонунда кўзда тутилган процессуал ҳаракатларнинг мажмуидан иборат.

Жиноят процессининг асосий мақсади – жиноий, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик асосларини таҳлил этиш ва унинг моҳияти ва мазмунини очишдир.<sup>106</sup> Ҳимоячи эса жиноят процессида қонунда кўрсатилган тартибда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга шахсdir.

Жиноят процессида ҳимоя функцияси адвокатура, яъни фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, қонунчиликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи жамоат ташкилоти зиммасига юклатилган.

Адвокатура органлари 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги қонун асосида фаолият юритадилар. Ушбу қонунда адвокатуранинг мақсади ва вазифалари, унинг тузилиши, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Мазкур қонун адвокатларни ҳимоячи сифатида дастлабки тергов ва судда иштирок этишини кўзда тутади.

Амалдаги жиноят процессуал қонунчилиги ҳам ҳимоячининг дастлабки тергов босқичида иштирок этиши мумкинлигини мустаҳкамлаган. Бу одил судловнинг муҳим кафолати бўлиб ҳисобланади.

ЖПКнинг 49-моддасига биноан ҳимоячи сифатида куйидаги шахслар жиноят ишида қатнашишлари мумкин: адвокатлар коллегияси аъзолари, ҳимоячи сифатида қатнашиш учун маҳсус рухсатномаси бор шахслар, жамоат бирлашмалари аъзоларининг иши юзасидан шу жамоат бирлашмаларининг вакиллари ҳамда терговчининг қарори ёки суднинг ажримиға қўра гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари ва бошқа шахслар.

Ҳимоячи ишда қатнашишига фуқарога айблов эълон қилинган пайтдан ёки уни гумон қилинувчи деб эътироф этиш ҳақида қарор ёхуд ушлаб туриш ҳақидаги баённома эълон қилинган пайтдан рухсат этилади.

<sup>106</sup> Жиноят процесси. Махсус қисм. / З.Ф.Иногомжонованинг умумий таҳрири остида. -Т.: ТДЮИ, 2003. -Б.5.

Баъзан амалиётда жиноят процессида иштирок этаётган касаба юшмалари ва бошқа жамоат ташкилоти вакиллари адвокатларга қараганда камроқ хуқуққа эга, деган хато фикрлар ҳам учрайди. Ваҳоланки, улар ҳам ўз номидан ҳаракат қилиб, профессионал адвокатлар билан бир хил ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар. Фарқли томони шундаки, адвокатнинг ҳимоядан воз кечишини тақиқловчи норма жамоат ҳимоячилариға нисбатан татбиқ этилмайди.

Бизга маълумки, жиноят процессида ҳимоячи сифатида асосан адвокатлар иштирок этади. Қонун талабига кўра муайян бир жиноят ишини юритишида аввал суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, эксперт, фуқаровий даъвогар ёки жабрланувчининг вакили сифатида қатнашган, шунингдек, гувоҳ сифатида сўроқ қилинган ёки сўроқ қилиниши мумкин бўлган шахслар, юқорида санаб ўтилган шахсларнинг қариндошлари ишда ҳимоячи сифатида қатнаша олмайди. Ҳимоячи ишга гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, шунингдек гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимоси ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан таклиф этилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлайди.

Танланган ҳимоячининг йигирма тўрт соат ичидаги иштирок этишга киришишига имконияти бўлмаган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига ёхуд уларнинг қариндошлариға бошқа ҳимоячи таклиф этишни ёки ҳимоячи тайинлашни сўраб адвокатлар бюросига, ҳайъатига ёки фирмасига мурожаат қилишни тавсия этади. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи танлаган ҳимоячи исталган вақтда ишда иштирок этишга киришишга ҳақлидир.

Ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини юридик ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман озод этишга ҳақлидир. Бундай ҳоларда адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш ҳаражатлари Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда, давлат ҳисобидан бўлади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги жиноят процессида, яъни жиноят судлов ишларини юритишида ҳимоячининг иштироки мажбурий бўлган ҳолатларини ҳам назарда тутган.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят процессуал қонунчилигига кўра вояга етмаганлар, соқовлар, карлар, кўрлар ва ўзининг жисмоний ёки руҳий нуқсонлари сабабли ўз-ўзини ҳимоя қилиш хуқуқини амалга ошира олмайдиган бошқа шахсларнинг ишларини тергов қилиш ва суд муҳокамаси пайтида ҳимоячининг иштирок этиши мажбурийдир. Шунингдек судлов олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг иши бўйича ҳам ҳимоячининг иштирок этиши шарт.

Ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноятни содир этганликда айбланаётган шахсларнинг иши бўйича улар ушланган ёки гумон қилинувчи

тариқасида иштирок этишга жалб қилинган пайтдан ҳимоячининг иштирок этиши мажбурий ҳисобланади.

Амалиётда шундай жиноят ишлари учрайдики, унда қотиллик жиноятини содир этишда айбланаётган фуқаро айбини бўйнига олади ва ҳимоячи олишдан қатъян воз кечади. Шунга қарамай, прокуратура терговчиси ЖПКнинг 51-моддасига амал қилган ҳолда ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлайди.

2008 йил 1 январдан эътиборан ўлим жазоси бекор қилингандан кейин умрбод ёки узок муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг жиноят ишлари бўйича ҳимоячининг иштирок этиши шарт қилиб белгиланади.

Шунингдек, айбланувчи ёки судланувчи илтимос қилганда, уларнинг манфаатлари ўртасида зиддият бўлганида, биттаси ҳимоячига эга бўлган ҳолларда ёки суд мажлисида давлат ёки жамоат айловчиси иштирок этганда ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги ишлар кўрилган ҳолларда ҳам ҳимоячининг иштироки мажбурий ҳисобланади.

Биз тергов ва судда фуқаровий даъвогар ёки унинг вакили, айниқса бу вакил сифатида юрист маслаҳатчи ёки адвокат иштирок этаётган ҳолатларда ҳам ҳимоячининг иштироки мажбурийлиги қоидаси қонунда кўрсатилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, жамиятимизда ҳали ўзининг хуқуқларини билмайдиган, ҳарф танимайдиган, саводи етарли бўлмаган шахслар ҳам учраб туради. Агар жиноят иши материаллари асосан ёзув орқали қайд этилишини ҳисобга олсақ, улар манфаатларини ҳимоя қилишдаги бу техник камчиликни бартараф этиш актуал маъно касб этади. Маълумки бу тоифадаги (саводи етарли бўлмаган) шахсларни қонунда ҳимоячи билан таъминланиши шарт бўлган шахслар тоифасига киритиб бўлмайди. Чунки «саводсизлик»ни жисмоний ёки руҳий камчилик деб ҳисоблаб бўлмайди.

Шу сабабли қонунга «саводи етарли бўлмаган, интеллектуал даражаси паст бўлган шахсларнинг жиноят ишлари бўйича ҳам ҳимоячи иштироки мажбурийдир» деган қоида киритилиши ҳам иш бўйича ҳақиқатни юзага чиқаришга хизмат қиласи, деб ўйлаймиз.

Баъзи терговчилар қонуннинг ҳимоячи иштироки мажбурийлиги тўғрисидаги талабини фақат айбланувчига нисбатан ҳимоячи тайнинлаш йўли билан амалга ошириш мумкин деб ҳисоблаб, айбланувчига унинг муҳим процессуал хуқуқи бўлмиш ҳимоячи танлаш хуқуқини тушунтирмайдилар. Баъзан бу тушунтириш айбланувчи ва унинг қонуний вакилига шунчаки расмиятчилик учун ва бевақт тушунтириладики, бу юзаки тушунтириш амалда айбланувчининг ўз ихтиёрига кўра ҳимоячини танлаш имкониятидан маҳрум этади.

«Баъзи ҳолларда судлар вояга етмаганларга оид ишларни кўришда судда уларнинг қонуний вакилларининг иштироки билан чегараланиб, бу ҳолда ҳимоячини ишга жалб қилиш шарт эмас, деб ҳисоблайдилар.»<sup>107</sup> Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди бир неча бор вояга етмаган шахснинг

<sup>107</sup> Саркисянц Г.П. Защитник в уголовном процессе. –Т.: 1971. -Б.13.

ҳимояга бўлган ҳуқуқини кафолатловчи қонуннинг бу талабига шунчаки расмиятчилик билан ёндашиш мумкин эмаслигини уқтириб ўтган.

Амалиётда кўпинча ўтиш ёши ҳақида баҳслар пайдо бўлиб қолади. Чунки баъзида вояга етмаган пайтда жиноят содир этган шахслар дастлабки тергов ёки ишни судда кўриш вақтида вояга етиб қоладилар.

Баъзи терговчи ва судьялар бу масалага жиддий ёндошмасдан, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг «вояга етмасдан жиноят содир этган лекин ишни судда кўриш даврида вояга етган шахсга нисбатан суд содир этилган жиноятнинг характеристини, иш ҳолатларини, айбланувчининг шахсини ҳисобга олиб, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларга оид қонун талабларидан келиб чиқиб, ҳимоячининг иштирокини мажбурий деб топиши мумкин», деган тушунчани ҳисобга олмайдилар. Баъзан ҳимоячилар тергов материалларида, тиббий хулосаларда айбланувчиларнинг ёши тўғрисида тахминий ёзилган маълумотларга ишониб қоладилар, бу ҳолатни жиддий текширмайдилар. Оқибатда субъект ёшини белгилашда хатога йўл қўйилиб, шахсни ғайриқонуний тарзда жавобгарликка тортиш ҳолатлари ҳам учрайди.

Баъзан ҳимоячилар вояга етмаган шахсларга айб эълон қилиш пайтида қатнашганда, уларнинг ёшини, хусусиятини, руҳиятини назарга олмайдилар.

Биринчи марта жиноят содир қилишда айбланаётган айбланувчилар, айниқса вояга етмаганлар ўзлари учун нотаниш бўлган ҳолатда ўзларини йўқотишлари, адашишлари, ишнинг ҳақиқий ҳолатларига тўғри келмаса ҳам айловнинг барча бандларига рози бўлишлари мумкин. Ҳимоячи терговчи томонидан сўроқ ўтказишида, айниқса вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда қонуннинг бу тергов характеристига оид талаблари сўзсиз бажарилишига эътибор бериши лозим. Айбланувчини сўроқ қилишда бирон бир ғайриқонуний чора қўллаш, таҳдид қилиш, ёлғон ваъдалар бериш ва бошқаларга йўл қўйиб бўлмайди.

Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун айбланувчининг эълон қилинган айловга нисбатан муносабатини аниqlаш, зарур факт ва ҳолатларни конкретлаштириш, эълон қилинган айловнинг мазмунини тушунтириш, унинг шахсига оид маълумотларни аниqlаш мақсадида айбланувчининг ҳимоячи билан холи учрашувини ташкиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Ишда иштирок этаётган ҳимоячилар сўроқнинг кундуз куни ўтказилиши ҳақидаги талаби бажарилишига эътибор қилиши зарур. Чунки терговчи томонидан айбланувчиларни, айниқса вояга етмаганларни заруриятсиз тунда сўроқ қилиш, турли сустеъмолликларга олиб келиши мумкин.

Агар айбланувчи ахлоқий жиҳатдан қолоқ деб топилган бўлса, 16 ёшдан ўтган вояга етмаганларни сўроқ қилишда педагог иштирок этиши мумкин.

Ўсмирларни сўроқ қилишда педагогнинг, ўсмирлар руҳияти бўйича мутахиссининг қатнашиши, улар ҳаракатининг асл мотивини аниqlашда, уларнинг тергов билан боғлиқ ҳолатларда реакциясига баҳо беришида муҳим аҳамиятга эга. Бу иш юзасидан тўғри кўрсатув олишни таъминлайди.

Маълумки, руҳий ёки жисмоний камчиликлари мавжуд бўлган айбланувчини албатта ҳимоячи билан таъминлаш зарур. Албатта, карлик,

күрлиқ, соқовлик каби камчиликлар мунозара туғдирмайды. Лекин шу билан бирга айбланувчиларда яққол күзга ташланмайдын, яширин характердаги жисмоний ва рухий камчиликлар бўлиши мумкин. Башарти айбланувчининг яширин касаллиги тўғрисида унинг ота-онаси ёки қариндошлари мурожаат қилишган тақдирда, тегишлича суд-тиббий ёки суд-психиатрик экспертизаси ўтказилиб, бу шахснинг касаллиги аниқланиши лозим. Бу экспертизаларнинг натижалари мазкур масалани тўғри ҳал қилиш имконини беради.

Агар айбланувчининг касаллиги аниқланса, ҳимоячи аввало терговчининг олдига тиббиёт ходимини чақириш масаласини қўйиши, зарур бўлса сўроқ пайтида врач қатнашишини талаб қилиши лозим.

Айбланувчи ўзи жавобгарликка тортилаётган иш бўйича ҳам, ўзи жавобгар бўлмаётган бошқа ишлар бўйича ҳам сўроқ қилиниши мумкин. Биринчи ҳолда унинг кўрсатуви айбланувчининг кўрсатуви сифатида, иккинчисида эса гувоҳнинг кўрсатуви сифатида баҳоланади.<sup>108</sup>

Айбланувчига қонун бўйича ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноятни содир қилишда айбланаётган жиноят ишлари бўйича ҳимоячининг иштироки шартлиги ўта муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу ерда масала инсон ҳаёти ҳақида бораётган бўлиб, тергов ва суднинг ҳар қандай хатоси, ҳатто ҳимоячининг ишдаги суст иштироки ҳам тузатиб бўлмас, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Айбланувчининг айбини тўла тан олиш фактига дуч келиб, жиноятни содир этиш ҳолатлари, сабаблари, мотивларини аниқлашга ҳаракат қилмаган, пассив муносабатда бўлган ҳимоячилар мутлақо ноҳақдирлар. Чунки одам ўлдириш билан боғлик жиноятларда жиноят қасдан содир этилганми ёки эҳтиётсизликданми, зарурий ҳолат ёки охирги зарурат ҳолатида содир этилганми ва бошқа ҳолатларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Айбланувчининг барча кўрсатувлари, айниқса, айбни тан олиш ҳақидаги кўрсатувларига танқидий ёндошиш ва бошқа далиллар билан биргаликда таққослаш йўли билан ўрганиш зарур. Чунки айбланувчи турли шахсий характердаги ёки аслида бошқа сабабларга кўра содир этилган қилмишни тан олиши мумкин бўлиб, бу ҳолатга шубҳа туғилганда ҳимоячи айниқса фаолроқ ҳаракат қилиб, асосиз жавобгарликка тортилишнинг олдини олиши зарур.

Ҳимоячи айбланувчининг кўрсатувларини, шу жумладан унинг айбини тан олиш ҳақидаги кўрсатувларини ҳам синчковлик билан таҳлил қилиши лозим. Чунки жиноят содир этиш мотивлари ўта муҳим аҳамиятга эгаки, буларни ўрганиш орқали ҳимоячи ғараз ният ёки бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини аниқлаши мумкин.

Айбланувчи кўрсатувларидаги зиддиятлар ва ўзгаришлар ҳам ҳимоячи назаридан четда қолмаслиги шарт. Ҳимоячи бу зиддиятлар ва ўзгаришлар сабабини аниқлаши ва айбланувчига фақат тўғри кўрсатув бериш ишни адолатли ҳал қилишга олиб келишига ишонтириши лозим. Буни тахминлар асосида эмас, балки айбланувчининг кўрсатувларини ишнинг бошқа

<sup>108</sup> Безлекин Б.Т.Комментарий к УПК РФ. -М.: Кнорус, 2004. -Б.87.

материаллари билан солишириб, чукур таҳлил қилиш йўли билан амалга ошириш зарур.

Ҳимоячи айбланувчининг бошқа шахсларни жиноятда иштироки ёки жиноят бутунлай бошқа шахс томонидан содир этилганлиги тўғрисидаги гапларни ҳам ҳимояни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан эътибордан четда қолдирмаслиги керак. Чунки бу ҳимоя воситаларини тўғри танлашда муҳим аҳамиятга эга.

Гурух томонидан содир этилган жиноятлар бўйича ҳар бир иштирокчининг ўрни ва ролини аниқлаш мақсадида айбланувчининг кўрсатувларини конкретлаштириш ҳимоячидан алоҳида эътибор талаб қилади. Шуни айтиш керакки, кўпинча айбланувчилар сўроқда асоссиз равишда кўрсатув беришдан бош тортадилар. Бу ҳолда ҳимоячи бош тортиш сабабларини аниқлаши ва айбланувчига унинг кўрсатувлари ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга эканлигини тушунтириши лозим.

Ҳимоячи айбланувчини сўроқ қилишда қатнашаётib, терговчининг рухсати билан иш ҳолатлари, айбланувчининг шахсига оид саволлар бериши мумкин. Бу саволлар аниқ, равshan ва маълум мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим.

Қонунга мувофиқ терговчи ҳимоячининг айбланувчига берган у ёки бу саволини четлатиши мумкин. Бу ҳолда ҳимоячи ушбу ҳолатни сўроқ баённомасида албатта акс эттирилишини талаб қилиши лозим, бу кейинчалик терговчининг асоссиз ҳаракати устидан шикоят қилиш имконини беради

Айбланувчини сўроқ қилиш муҳим процессуал хужжат ҳисобланган сўроқ баённомасида қайд этилади. Демак, ҳимоячи мазкур хужжатга ҳам алоҳида эътибор бериши лозим. Бироқ баъзи бир ҳимоячилар уни ортиқча деб ҳисоблайдилар. Лекин амалиётда бу ерда арзимаган бўлиб кўринган деталлар ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўринади. Масалан, сўроқ баённомасида айбланувчининг ёшини нотўғри кўрсатилиши муайян ёшга етмаган шахснинг жавобгарликка тортиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қонун талабини бузилишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари ҳимоячи баённомада баъзи бир терговчилар томонидан атайлаб саволларни, уларга берилган жавобгарликни бузиб кўрсатиш ҳолларининг олдини олиш, агар бундай ҳолатлар юз берган бўлса, баённомага тегишли қўшимчалар, тузатишлар изоҳлар киритилишини талаб қилиш зарур. Баённома техник ёзув воситалари ёрдамида ёзилган бўлиши унга магнитофон ёки видео тасвир ёзуви илова қилинган бўлиши мумкин.

Илмий-техника воситалари, жумладан, аудио ёзувини қўллаш уларни сохталаштириш, бузиш айбланувчига руҳий таъсири кўрсатиш имкониятларига йўл қўймайдиган, қатъий белгиланган процессуал кафолатларни талаб қилади.

Юқоридаги ва бошқа техник воситаларининг қўлланилиши улардан фойдаланиш тартиби ва шартлари олинган натижалар қўлланган воситалар баённомада қайд қилинган ва бу воситалар қўлланилиши ҳақида тергов иштирокчилариға билдирилганлиги ёзилган бўлиши лозим. Бундан ташқари ҳимоячи тергов ҳаракати ёзилган кассеталар айбланувчига қайта

эшиттирилган, намойиш этилгандан сўнг келгусида шантаж қилиш ёки бошқа усул билан сохталашибилишининг олдини олиш мақсадида кассеталар ўралиб, муҳрланган ва тегишли имзолар билан мустаҳкамланганлигига эътибор бериши керак.

Ҳимоячи, айниқса таржимонлар орқали ўтказилган сўроқ баённомасига эътибор бериши зарур. Бунда оғзаки таржима айбланувчининг кўрсатувларига тўла мос келиши керак. Ҳимоячи шуни эсдан чиқармаслиги керакки, бу ҳолатда айбланувчи ўз имзоси билан баённома тўғрилигини эмас, балки фақат оғзаки таржиманинг тўғрилигини тасдиқлади, холос.

Агар вояга етмаган айбланувчининг сўроғида педагог иштирок этаётган бўлса, у сўроқ баённомаси билан танишиши ва унда ёзилган ёзувларни тўлалиги ва тўғрилиги ҳақида ёзма изоҳ билдириши мумкин. Бунда сўроқ бошланишидан олдин терговчи педагогга унинг ҳуқуқларини тушунтириши ва бу ҳақда баённомага тегишли ёзув киритиши лозим. Буларнинг барчаси вояга етмаган айбланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Агар айбланувчи кўрсатувларни ўз қўли билан ёзиб бериш истагини билдирса, ҳимоячи буни қўллаши лозим.

Ишда иштирок этишга айб эълон қилиш пайтидан киришган ҳимоячи аввало терговчининг айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарори билан танишиб чиқиши лозим. Бу ерда у бутун диққатини айблов учун асос бор ёки йўқлигига қаратиши лозим. Аммо баъзи бир ҳимоячилар айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарор билан юзаки танишадилар ва фақат терговчининг хулосасига асосланиб қоладилар. Шу билан бирга бунда ҳақиқатан ҳам ЖКда кўзда тутилган жиноят ҳодисаси юз берганми, қасд ёки эҳтиёtsизлик шаклидаги айб мавжудми йўқми, оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар борми, жиноят содир этиши вақти, жойи, усули ва бошқа ҳолатлари, етказилган зарар тўғри аниқланганми, квалификация тўғрими ва ҳоказоларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, айбланувчи бир неча жиноятни содир этишда айбланаётган, ҳамда иштирокчиликда содир этилган жиноятлар юзасидан қарор билан синчковлик билан танишиб чиқиши зарур. Бунда айбланувчига кўйилаётган барча қилмишларни аник, равshan санаб ўтилганлигига, гурухли ишда айбланувчининг конкрет ролига баҳо берилганлигига эътиборни қаратиш лозим. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир айблов қатъий индивидуаллашибилилган ва батафсил баён этилган бўлиши керак.

Кўпинча ҳимоячилар терговчининг айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортиш ҳақидаги қароридаги муҳим камчиликларга эътибор бермайдилар. Ваҳоланки, бундай камчиликларни бартараф қилиш ҳимоячининг асосий бурчидир. Шунингдек, ҳимоячи зарурият туғилганда жиноят ишини тўғри ва тўла таржима қилинганлигини кузатиши, зарур бўлса, малакали таржимонни таклиф қилиш ҳақида илтимоснома киритиши лозим. Айб эълон қилиш чоғида баённома терговчи, таржимон ва айбланувчиларнинг имзоси билан мустаҳкамланиши зарур. Бу имзоларнинг йўқлиги одил судловнинг асосий принципларидан бири бузилганлиги

хисобланиб, қайтадан айб эълон қилиш ҳақида илтимоснома киритиш учун асос бўлади.

Жиноят судлов ишларини юритишда ҳимоячи иштироки мажбурийлиги ҳолатлари доирасини кенгайтириш айбланувчининг ҳимояга бўлган хукуқини ҳақиқатан амалга оширилишининг қўшимча кафолати бўлиб ҳисобланади.

ЖПКнинг 53-моддасига биноан ҳимоячи гумонни ёки айбини рад этадиган ёхуд жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усулларини кўллаши ҳамда гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига зарур юридик ёрдам кўрсатиши; ҳақиқатни аниқлашга, далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Ишда иштирок этиш ҳақида битим тузилган ёки тайинланган вақтидан бошлаб адвокат ҳимояга ҳақли ҳисобланади ва бу вазифани бажаришни рад этишга ҳақли эмас.

Айбланувчининг хукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳимоячининг асосий бурчидир. Айбланувчининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш деганда, айблов асоссизлиги муносабати билан жиноят ишини бекор қилишга эришиш; иш ҳолатларига биноан жавобгарликни енгиллаштириш мақсадида жиноят ишининг малакаланиши (квалификация)ни ўзгартиришга эришиш; тегишли асос бўлган ҳолда эҳтиёт чорасини бекор қилиш ёки ўзгартиришга эришиш; жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлашга уриниш ва бошқалардан иборат турли процессуал ҳаракатлар тушунилади. Бошқача қилиб айтганда айбланувчининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, айбсиз шахсни судланиш ёки жавобгарликка тортилишини бартараф қилиш, адолатсиз тарзда оғир жазо белгиланишининг олдини олиш, барча енгиллаштирувчи ҳолатлар мажмуасини ҳисобга олишни ўз ичига олади.

«Ҳимоячи айбланувчининг ҳар қандай манфаатларини эмас, балки айнан қонуний манфаатларини фақат қонуний усул ва воситалар билан ҳимоя қиласди. Шунинг учун ҳимоячининг қонунда кўрсатилмаган усул ва воситалардан фойдаланиши, айбланувчининг ноқонуний манфаатларини ҳимоя қилишга уриниши қатъиян рад этилиши лозим»<sup>109</sup>.

Ҳимоячининг мустақиллиги у умуман ҳимоясидаги шахснинг ихтиёри ва талаблари билан ҳисоблашмасдан фаолият кўрсатиши лозим, деган маънони англатмайди.

Ҳимоячи айбланувчининг ноқонуний уринишларига эргашмаслиги лозим, лекин у ўз ҳимоясидаги шахснинг қонун билан асосланган талабларини ҳисобга олиши шарт ва бу маънода ҳимоячининг мустақиллиги нисбийдир.

<sup>109</sup> Савицкий В.М Права обвиняемого на защиту в уголовном процессе -М.:Наука, 1983. -Б. 78.

Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига асосан, адвокат ўз касбий фаолиятини амалга оширишда юридик ва жисмоний шахсларнинг топшириғига кўра уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли масалани ҳал қилиш, судларда ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишларни қўрувчи органларда далил сифатида фойдаланиши мумкин бўлган фактлар ҳақида маълумотлар тўплаш, зарур бўлган маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларини давлат органлари, корхона, ташкилот ва муассасалардан талаб қилиб олиш, мижознинг розилиги билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан экспертнинг ёзма хulosалари, мутахассисларнинг маслаҳат-маълумотларини талаб қилиб олиш, унга ваколат берган ёки ҳимоясида бўлган шахсга оид ишни юритаётган суд ва бошқа давлат органига тупланган ҳужжатларни тақдим қилиш ҳамда улардан асослантирилган ёзма жавоб олиш, қонунда кўрсатилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга. «Адвокат ёрдамчи олиши мумкин».

Адвокатларнинг ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганликлари, ножӯя қилмиш содир этганликлари учун интизомий таъсир чоралари кўзда тутилган.

Жиноят процессида ҳимоячи мустақил иштирокчи бўлиши билан биргаликда ҳимояси остидаги шахснинг манфаатларини ҳам муҳофаза қиласди.

Биз ишда ҳимоячи ва ҳимоя қилинувчи шахс позициясидаги процессуал адабиёт ва амалиётда мунозарага сабаб бўлаётган баъзи бир нисбатлар тўғрисида тўхтатлиб ўтамиз.

Бу ўринда айбланувчи ўз айбини инкор қилиб турган ҳолда ҳимоячининг позицияси масаласи анча мунозарали ҳисобланади.

Агар айбланувчи ўз айбини инкор қилиб, тегишли важлар келтираётган бўлса, ҳимоячи бунга асос бўлган тақдирда айбланувчи ўзини оқлаш учун келтираётган важларини текшириш учун барча чораларни кўриши шарт. Ҳимоячи иш мазмунига киришмай, ўзини қийнамаслик учун, айлов билан келишиб, ҳимояни фақат енгиллаштирувчи ҳолатларини аниқлашга киришиши ҳимоячининг мутлақо тўғри келмайдиган усулидир.

Шунингдек, биз баъзи бир адвокатларнинг ўз ҳимоя нутқларида судланувчининг айбисизлигини асослаб, иккинчи томондан агар суд уни айбли деб топса, енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб, тегишлича енгилроқ жазо тайнинлашни сўраш амалиётини ҳам йўл қўйиб бўлмайдиган хато деб ҳисоблаймиз. Бу каби масалаларда муқобиллик бўлиши мумкин эмас. Чунки юқоридаги ҳолат мазмунан ҳимоядан воз кечганликни англатади.

Айлов ва унга асос қилиб олинган далилларни инкор қилиш мумкин бўлмаган, яъни айбланувчининг важлари мутлақо асоссиз бўлган ҳолда ҳимоячининг позицияси қандай бўлиши керак? Баъзилар бу ҳолда ҳимоячи айбланувчига унинг тутган йўли мақсадга мувофиқ эмаслигини тушунтириши ва тўғри кўрсатув беришга ундаши лозим, деб ҳисоблайдилар. Бу фикр билан келишиб бўлмайди. Чунки, айбланувчининг важлари бўш ва

айблов далиллари мустаҳкам бўлиб кўринса-да, айбланувчини фақат суд ўз ҳукми билан айбдор деб топиши мумкин. Ҳимоячи ўз ҳимоясидаги шахсга айбловни тан олиб, тўғри кўрсатув беришга ундаши, юқорида айтганимиздек, амалда ҳимоядан воз кечишни билдиради. Бу эса қонун бўйича ҳам, адвокатлик этикаси нуқтаи назаридан ҳам мумкин эмас. Ҳар қандай мустақил бўлиб кўринган айблов далилларининг ҳам вақти келиб асоссиз, номақбул эканлиги аниқланиб қолиши мумкин.

Юқоридаги ҳолда ҳимоячи қонунда кўрсатилган усул ва воситалар билан айбланувчига айни инкор қиласидаги асосли важлар топишга, уни тергов ёки суд органига тақдим қилишга ёрдам бериши керак. Хulosha қилиб айтганда, ҳимоячи айбланувчи ўз айбини инкор қилиб турган ҳар қандай ҳолда ҳам айбсизлик презумпцияси нуқтаи назаридан келиб чиқиб иш тутиши керак.

Агар ҳимоячи ҳимоя қилинувчи шахснинг айби инкор қилиб бўлмайдиган далиллар билан исботланган деган хulosaga келса, унга айбловни инкор қиласидаги важларни топишда ёрдам бера олмаслигига кўзи етса, у айбланувчига ҳимоя позицияси унга тўғри келмаслигини, шунинг учун бошқа ҳимоячи олиши мумкинлигини билдириши лозим. Лекин айбланувчи мазкур ҳимоячидан воз кечмаса, ҳимоячи айбловнинг бўш томонларини ҳисобга олиб, ҳимояни давом эттириши лозим.

Баъзан амалиётда шундай ҳолатлар ҳам бўладики, айбланувчи шахсий сабабларга кўра, у ёки бу оқловчи далилдан ҳимоя манфаатлари йўлида фойдаланишни истамайди. Масалан, айбланувчининг яқин кишисининг обрўси тўкилиши, оила шаънини сақлаш ва бошқа сабаблар туфайли.<sup>110</sup>

Бу ҳолда ҳимоячи айбланувчининг сабаблари асосли ёки асоссизлигини, унинг ахлоқий-этик томонларини ўрганиши ва яна бир бор уни оқлаш ёки жавобгарлигини енгиллаштириш учун бу далиллар қанчалик муҳим эканлигини тушунтиromoғи лозим. Агар кўрсатилган далиллардан фойдаланмаслик ассосиз судланиш ёки жазони оғирлаштиришга олиб келадиган бўлса, ҳимоячи айбланувчининг қонуний манфаатларидан келиб чиқиб, ҳимоясидаги шахснинг ихтиёрига зид бўлса ҳам ушбу далилларни суд ёки тергов органига тақдим қилиши лозим. Лекин у айбланувчини ҳимоячидан воз кечиш ҳуқуқи борлигини ҳисобга олиб, бу ҳақда айбланувчини олдиндан хабардор қилиб қўйиши зарурдир.

Юқорида айтилганлар бизга ҳимоячининг процессуал ҳолатига қуйидагича қарашиб имконини беради: жиноят процессида ҳимоячи ҳимояси остидаги шахс билан биргаликда ҳаракат қилувчи, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўриқловчи ва жиноий судлов вазифаларига жавоб берувчи, ҳимоя функциясини фаол бажарувчи мустақил иштирокчидир.

Ҳимоячининг процессуал ҳолатини қонунга биноан тўғри тушуниш унинг жиноят процессида иштироки билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни таъминлайди.

<sup>110</sup> Савицкий В.М.Право обвиняемого на защиту в уголовном процессе. -М.: Наука, 1983. –Б.127.

Ҳимоячининг жиноят процессида томон сифатидаги иштироки унга ўз касбий бурчини юксак тушуниш мажбуриятини юклайди.

«Ҳар бир ижтимоий фойдали фаолият сингари адвокатлик фаолияти учун ҳам аҳлоқ кодекси принципи замирида ётадиган касбий этика хосдир»<sup>111</sup>.

Адвокатлик этикаси принципининг асосий қаторига биз хусусан, ўз касбий мажбуриятларини бажаришда қонунларга риоя қилинишига фаол кўмаклашиш, ўзининг фуқаролик, ижтимоий, касбий бурчини юксак тушуниш, одил судлов органларига, адвокатура органлари обрўсига чуқур ҳурмат билан қараш, адвокатга юридик ёрдам сўраб мурожаат қилганларга дикқат билан қараш ва олиб боришга сидқидилдан ёндашиш, ҳимоя билан боғлиқ фаолиятида қатъийлик, ҳаққонийлик, софдиллик, ўз касбий маҳоратини оширишга астойдил ҳаракат қилиш, иш материалларини, далилларни ўрганишда ва уларга баҳо беришда объективлик, ҳимоя қилинувчи шахс ва процесснинг бошқа иштирокчиларига ўзаро ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ҳимоя билан боғлиқ сирларни сақлаш ва бошқаларни киритамиз.

Адвокатлик фаолиятининг хусусияти адвокатдан нафақат қонунни чуқур билишни, сўзамоллик санъатига эга бўлишни, балки юксак ғоявийликни, кенг дунёқарашни ва инсон фаолиятининг турли соҳалари ҳакида ҳар томонлама билимга эга бўлишни тақозо қиласди.

Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги қонуни адвокатдан аҳлоқий софлиқ, қонунларга аниқ ва оғишмай амал қилишнинг намунаси бўлишни талаб этади.

Адвокат ўз билимларини, касбий маҳоратини доимо ошириб бориши зарур. Унинг фаолиятида касбий маҳорат, юксак маданият, босиқлик ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ерда ҳимоячининг ташқи кўринишидаги, ўзини тутишидаги, овоз пардасидаги, илтимосномалар мазмuni ва шаклидаги, ҳимоя нутқидаги, ҳимоячининг суд ҳужжатларига муносабатидаги, уларни қонун тартибиға мос расмийлаштириш ва тузишдаги камчиликлар «арзимас» деб ҳисобланмаслиги лозим. Бу масалада ҳар бир нарсага дикқат билан қараш керак.

Шундай ҳимоячилар учраб турадики, улар ўз ҳимояси остидаги шахсга тўғридан тўғри алоқаси бўлмаган айбланувчилар, гувоҳлар, эксперталар ва бошқа шахслар сўроқ қилинаётган пайтда, бунга эътиборсизлик билан қараб, залдан чиқиб кетадилар. Албатта ҳимоячининг ўзини бундай тутиши йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат. Чунки ҳимоячи бўлмаган пайтда унинг ҳимояси остидаги шахс манфаатларига боғлиқ масалалар ҳам қўтарилиши мумкин. Буларни ҳаммасини эътиборга олиб, биз ҳимоячи суд мажлисидаги тартиба қатъий риоя қилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳимоячиларнинг судьялар, прокурорлар, экспертлар, гурухли ишлар бўйича эса бошқа судланувчиларнинг ҳимоячилари билан ўзаро муносабатни

<sup>111</sup> Профессиональное этика юриста. Введение в юридическую специальность. –М.: Юридическая литература, 1976. –Б.143.

тўғри ўрната олиши катта аҳамиятга эга. Адвокатнинг жинойи ишларини юритишдаги барча фаолияти юксак маданиятга, суд процесси иштирокчиларига ўзаро ҳурматга асосланган бўлиши керак, бу суд процессининг тарбиявийлик роли ва юксак ижтимоий аҳамиятининг зурурий шарти ҳисобланади.

Ҳимоячи кўпинча ўз ҳимояси остидаги шахснинг манфаатлари бошқа айбланувчиларнинг манфаатларига зид келиб қолган ҳолатларга дуч келади. Албатта бу ҳолда ҳимоячи мазкур жиноятни содир этишда айбланувчининг роли, иштирок этиш даражаси, ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш учун ҳимоясининг қонунда кўрсатилган барча усул ва воситаларини ишга солиши керак. Лекин шу билан бирга асоссиз равишда айбни иш бўйича ўтаётган шахсларнинг зиммасига ағдармаслиги, яъни айбловчининг позициясига ўтмаслиги керак.

Тергов маълумотларини барвақт эълон қилиш ишни олиб боришни қийинлаштириши мумкин. Ҳимоячи шуни ёддан чиқармаслиги керакки, бу маълумотларни бевақт ошкор қилиш ҳимояси остидаги шахснинг манфаатларига жиддий зиён келтириши, унинг обрўсига путур етказиши (чунки, у кейинчалик айбсиз деб топилиши мумкин), гувоҳлар кўрсатувларига таъсир қилиши мумкин.

Адвокатлик этикасининг асосий талабларидан бири касб билан боғлиқ сирларни сақлашдир, чунки адвокатнинг мижоз билан муносабати ўзаро ишончга асосланади.

Адвокат ҳимоя қилинувчи шахснинг зарарига ҳаракат қилиши мумкин эмас. Мана шунинг учун ҳам мижоз сирларини сақлаш ҳимоячи жиноят процессидаги фаолиятининг энг асосий шартларидан ҳисобланади. Қонунда ҳимоячи ўз вазифаларини бажариши муносабати билан билган иш ҳолатлари бўйича сўроқ қилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Шу ўринда бир мунозарали ҳолат мавжуд. Маълумки, амалиётда айбланувчилар дастлабки терговда ўз айбларини тан олиб, суд мажлисида эса терговчи унга терговнинг ноқонуний усулларини қўллаган, зўрлик ўтказганлиги учун ўз айбини тан олиб, кўрсатув берганлигини, аслида эса айбдор эмаслигини билдирадилар. Бундай ҳолат дастлабки терговда сўроқ пайтида ҳимоячи қатнашган ишлар бўйича ҳам учраб туради. Хўш, суд бунда ҳақиқатни аниқлаш учун қандай иш тутиши лозим? Бизнингча, қонунга қўшимча киритиб, суд бошқа иш ҳолатлари бўйича эмас, балки, айнан судланувчининг дастлабки терговда ноқонуний усуллар қўлланганлиги ҳақидаги важи юзасидан сўроқ қилиниши мумкин, деган қоидани киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Агар иш ҳолатлари адвокатга ҳимоя функцияларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган, балки юридик ёрдам кўрсатиш жараёнида маълум бўлган бўлса, бу ҳолда у суд ва дастлабки терговда кўрсатув беришдан бош тортишга ҳақли эмас.

Амалдаги жиноят процессуал қонунчилиги адвокатга ишда қатнашиши ва исботлаш жараёнида кенг ҳуқуқ ва имкониятлар берган.

Ҳимоячи ишда қатнашишга қўйилган пайтдан бошлаб, айланувчи билан ҳоли учрашиш, жиноят иши материаллари билан танишиш ва зарур кўчирмалар олиш, далиллар тақдим этиш, илтимосномалар киритиш, ишни судда кўришда қатнашиш, рад этиш, суд, прокурор, терговчининг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш хуқуқларига эга.

Ҳимоячининг дастлабки тергов босқичида ўтказиладиган процессуал ҳаракатлар мажмуасида сўроқ қилишда қатнашиши муҳим ўрин тутади. Улар кўрсатувларининг аҳамиятини таъкидлаб ўтиш жоиз эмас.

Агар ҳимоячига бирон бир шахснинг айланувчини оқловчи ёки жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар тўғрисида маълумотга эга эканлиги маълум бўлиб қолса, у мазкур шахсни гувоҳ тариқасида чақириш хусусида илтимоснома киритиши лозим.

Агар гувоҳнинг кўрсатувидан яна бирон бир шахсни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш, ишга янги ҳужжатлар қўшиш, объектларни қўздан кечириш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш заруриятни борлиги аниқланиб қолса, ҳимоячи ҳимояси остидаги шахснинг қонуний манфаатларидан келиб чиқиб, тегишли илтимоснома киритиши керак.

Шундай ҳолатлар бўладики, ҳимоячи гувоҳларни чақириб сўроқ қилиш ҳақида илтимоснома киритганда, терговчилар бу шахс айланувчига яқинлиги, қариндошлиги ва бошқа шунга ўхшаш важларни асос қилиб, бу илтимосномаларни рад этадилар. Бундай амалиёт қаттиқ қораланиши керак, чунки биргина қариндошлиқ ёки яқинлик муносабати мазкур гувоҳни кўрсатувларини рад этишга асос бўлолмайди. Мазкур гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳам ишнинг бошқа материаллари каби синчковлик билан танқидий ўрганилиши ва баҳоланиши шарт.

Гувоҳлар одатда дастлабки тергов ўтказиш жойида сўроқ қилинади. Лекин иш бўйича муайян жойда кўп гувоҳларни сўроқ қилиниши зарурияти туғилиб қолса, тергов чўзилиб кетишини олдини олиб, сўроқ кўпроқ гувоҳлар бор жойда ўтказилиши мумкин. Баъзи ҳолларда мазкур тергов ҳаракатларини жиноят содир этилган жойда ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Ишда иштирок этаётган ҳимоячи бу борада фикрини билдириши мумкин. Унинг фикри тергов органлари учун мажбурий бўлмасада, бу ишнинг тўғри ҳал этилишида кўмаклашади.

Баъзан тергов амалиётида сўроқ ўтказишнинг қонунда белгиланган тартиб ва усусларидан қўпол оғишлар ҳам учраб туради. Тергов ходимларининг бундай ноқонуний ҳаракатларига ҳимоячи ўз муносабатларини зудлик билан билдириши лозим.

Сўроқ қилишда қатнашаётган ҳимоячи терговчининг руҳсати билан унга саволлар бериши мумкин. Бунда у гувоҳнинг айланувчи ва жабрланувчига муносабати, гувоҳнинг кўрсатувларини тўғрилиги ва объективлиги даражаси, ишнинг бошқа материаллари билан нисбати, уларда айланувчини оқловчи ёки жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар бор ёки йўқлигини аниқлайди.

Сўроқ қилиш тартиби бузилганда ҳимоячи бунга ўз муносабатини билдириши, уни бартараф қилинишини талаб қилиши, агарда терговчи бундан манфаатдор бўлса, уни четлатиш масаласини кўтариши зарур.

Гувоҳни, жабрланувчини сўроқ қилишда ҳимоячи олдиндан пухта тайёрланиши, иш материаларининг сўроқ қилинаётган шахсга оид қисмини яхшилаб ўрганиши, сўроқ режасини, бериладиган саволларни ва уларни бериш тартибини белгилаб олиши керак.

Сўроқ қилишда иштирок этаётган ҳимоячи гувоҳ ёки жабрланувчилар баён қилаётган маълумотларнинг манбалари билан қизиқиши ва агар бу маълумотларни гувоҳ ёки жабрланувчи бошқа шахслардан олганликлари аниқланса, ҳимоячи биринчи манбаларни сўроқ қилиниши мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан илтимоснома киритиши лозим.

Ҳимоячининг саволлари аниқ, равshan бўлиши, икки хил маънони англатмаслиги, йўналтирувчи бўлмаслиги, балки қўрсатувларни аниқлаштириш ва деталлаштиришга қаратилиши, барча зиддиятли ҳолатларни бартараф этишга қаратилган бўлиши керак. Сўроқ қилиш сўроқ қилинувчи шахснинг руҳияти, унинг табиий ҳаяжонланишини ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши лозим.<sup>112</sup>

Ҳимоячи айниқса вояга етмаган гувоҳларни сўроқ қилиш масаласига алоҳида эътибор бериши, бунда вояга етмаганларнинг руҳияти хусусияти, уларга бўлган воқеани тўла баён қилишга қийналишлари, фантазия қилишга мойилликлари эътиборга олиниши зарур.

Бу ерда ўсмир билан зарур алоқа ўрнатиш, уни очик гапиришга ундаш, айбланувчи тақдири учун унинг тўла, тўғри қўрсатувларининг аҳамиятини тушунтириш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, жисмоний ва руҳий камчиликларга эга бўлган шахсларни сўроқ қилишда қатнашиш ҳам ҳимоячидан муносиб ёндашишни талаб этади.

Жабрланувчини сўроқ қилиш масаласига келсак, бу ҳам қонун бўйича гувоҳни сўроқ қилиш тартиби каби ўтказилади. Лекин бу ерда ҳимоячи жабрланувчининг алоҳида ҳолатини, биринчи ўринда унинг ишдан манфаатдорлигини эътиборга олиши лозим. Чунки бу айбланувчининг манфаатига зарар етказиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят процессуал қонунчилиги айбланувчини, гувоҳни, жабрланувчини сўроқ қилиш билан бирга юзлаштириш, таниб олиш учун қўрсатиш, олиб қўйиш, тинтуб, кўздан кечириш ва гувоҳлантириш каби дастлабки терговдаги далилларни тўплаш ва текширишнинг усулларини кўзда тутган. Кўрсатилган барча ҳаракатларда ҳимоячининг иштирок этиши қонун томонидан белгилаб қўйилган.

Юзлаштириш ўтказишида қонунда қўрсатилган ҳолатларда ҳимоячи иштирок этиши, терговчининг руҳсати билан саволлар бериши, юзлаштириш баённомаси тўғри ва тўла ёзилганлиги хусусида ёзма изоҳлар билдириши мумкин.

<sup>112</sup> Кальницкий В.В. Следственные действия. –Омск: Омская академия МВД РФ, 2003. –Б. 4.

Ҳимоячи айбланувчи, гувоҳ жабрланувчи томонидан бирон бир шахс ёки предметни таниб олиш ҳаракатини ўтказишда қатнашиши мумкин.

Таниб олиш учун кўрсатиш ўтказганлигини ва натижалари ҳақида батафсил баённома тузилиши лозим. Баённомада таниб олиш обьектлари, уларнинг белгилари, таниб олиши учун кўрсатиш шароитлари, таниб олувчиларнинг жавоблари, илмий-техника воситаларини қўлланилиши ва бошқалар қайд этилиши лозим.

Таниб олиш ўтказишда ва таниб олиш учун кўрсатиш баённомасини тузишда айбланувчининг манфаатларига зарар етказувчи ҳар қандай қонун бузилиши ҳолатларига ҳимоячи дарҳол ўз муносабатини билдириб, уларни бартараф этишга эришиши керак.

Тергов ҳаракатларида иштирок этиб, иш материаллари билан танишар экан, ҳимоячи тинтуб, олиб қўйиш каби тергов ҳаракатларининг қандай ўтказилганлигига эътибор бериши зарур. Ҳимоячи бу каби тергов ҳаракатларида камдан-кам ҳолларда, асосан ҳимояланувчи шахснинг илтимосига кўра қатнашади. Бошқа ҳолларда эса у бу тергов ҳаракатлари ҳақида иш материаллари билан танишишда ёки тергов жараёнида айбланувчидан маълумот олади.

Олиб қўйиш, тинтуб ва мулкни хатлаш баённомаларида у ёки бу турдаги қонунбузарликлар учраб туради. Хусусан, мулкни хатлашда асоссиз равишида айбланувчига тегишли бўлмаган мулкни ёки зарурий буюмларини хатлаш ҳолатлари ҳам учраб туради. Баъзан эса моддий зарар айбланувчи ёки унинг қариндошлари томонидан қопланганлигига қарамай, заруратсиз хатлаш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Бу ноконуний ҳаракатлар фуқароларнинг мулкий манфаатларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлганлиги сабабли, ҳимоячи асослантирилган илтимоснома ва шикоятномалар билан мурожаат қилиб, мазкур қонунбузарликларни бартараф этилишига эришиши зарур.

Дастлабки тергов материаллари ичida кўздан кечириш, гувоҳлантириш, тергов эксперименти ва бошқа ҳаракатларни бажариш билан боғлиқ бўлган баённомалар ва бошқа ҳужжатлар алоҳида ўрин тутади. Тергов амалиётида айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти каби тергов ҳаракатлари ҳам кўп қўлланилади.

Мазкур тергов ҳаракатларининг баённомалари ҳимоячи томонидан бошқа тергов ҳаракатлари билан биргаликда синчковлик билан танқидий таҳлил қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

Олиб қўйиш, тинтуб, мулкни хатлаш каби ҳаракатларда холислар иштироқи мажбурийдир. Ҳимоячи холис тариқасида ишни ҳал қилинишидан манфаатдор бўлмаган шахслар катнашиши лозимлиги тўғрисидаги қонун талабини ёддан чиқармаслиги керак.

Ҳимоячи холисларнинг тергов ҳаракатларида қатнашиши, жиноят ишини тўла, ҳар томонлама, холисона тергов қилинишининг муҳим воситаси эканлигини назарда тутиши лозим. Кейинчалик тергов ҳаракатларининг алоҳида ҳолатларини аниқлаштириш зарурияти туғилиб қолса, ҳимоячи

ишда қатнашган холисларни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин.<sup>113</sup>

Тинтув, олиб қўйиш каби тергов ҳаракатларида кўпинча тегишли мутахассислар иштирок этади. Зарурат туғилганда ҳимоячи мутахассис таклиф қилиш ҳақида илтимоснома киритиши ва унинг олдига қўйиладиган саволларни олдиндан тайёрлаб қўйиши, шунингдек муайян мутахассиснинг малакасизлиги, лаёқатсизлиги ёки манфаатдорлиги сабабли четлаштириш масаласини қўйиши мумкин.

Ҳимоячининг айбланувчини вояга етмаганлар иши бўйича комиссияга топшириш муносабати билан жиноят ишининг тугатилиши ҳақидаги масалани ҳал қилишда аҳамияти каттадир.

Ҳимоячи шу ўринда вояга етмаганнинг тарбияси, жиноятнинг сабаблари, унинг содир этилиши омилларини таҳлил қилиб, ҳукуқбузарнинг чин кўнгилдан пушаймон эканлигини таъкидлайди ва жиноят ишини тугатиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида ҳамда уни вояга етмаганларни иши бўйича комиссияга топшириш кераклиги ҳақида хулоса беради.

ЖПКда белгиланганидек, терговчи айбланувчининг иши тугаганлиги ва тугатиш асослари ҳақида ёзма хабар қиласди. Айбланувчи қарорнинг асосига қўйилган сабабларга норози бўлгани учун ишни тугатиш ҳақидаги қарорнинг устидан шикоят қилишни истаган ҳолларда, ҳимоячи унга самарали ёрдам кўрсатиши мумкин. Шунингдек, ҳимоячи томонидан руҳий касаликка чалингандар, жамият учун хавфли ҳаракат содир этган, ўзини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган айбланувчиларга ҳукуқий ёрдам кўрсатиши самарали ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда айбланувчи учун муҳим бўлган жабрланувчи берган кўрсатувларининг тўғрилиги ва асослилигига ишонч ҳосил қилиш керак, агар иш бўйича у ёки бу шахсга ҳақиқатдан ҳам маънавий, жисмоний ёки моддий зарар етказилганлиги ҳақида гувоҳлантирувчи далиллар тўпланмаган бўлса, унда бундай шахс жабрланувчи деб топилиши мумкин эмас.

Ҳимоячининг айбланувчини барча иш материаллари билан таниширишдаги бевосита иштирок этишига келсак, унда у ЖПКнинг 53, 375-моддаларида мустаҳкамланган қоидаларга амал қилиш керак.

Айбланувчининг барча иш материаллари билан танишиши, унинг ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланиш кафолатларидан бири ҳисобланади ва дастлабки тергов материалларининг тўла, ҳар томонлама текширилиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Баъзан айрим айбланувчилар терговчининг қайсиdir ҳаракатларидан норози бўлиб, дастлабки терговни чўзишга интиладилар ёки бошқа бир сабабларга кўра иш материаллари билан танишиб чиқишдан бош тортадилар. Агар процесснинг ушбу иштирокчилари томонидан жиноят иши материаллари билан танишиш истаги бўлмаса, бу ҳақда ҳам баённома

---

<sup>113</sup> Комментарий к Уголовно - процессуальному кодексу Российской Федерации / Под общ. ред. В.В. Мозякова. -М.: 2002. -Б.151.

тузилиб, унга процесс иштирокчиси ҳамда терговчи имзо қўйиб, ишга қўшилади.<sup>114</sup>

Тўғри, барча иш материаллари билан танишиш айбланувчининг мажбурияти бўлмасдан, балки ҳукуқидир ва унинг бундай рад этиши қандайдир юридик оқибатларни келтириб чиқариши мумкин эмас.

Лекин бундай рад этиш айбланувчининг манфаатларига зарар келтириши мумкин. Шунинг учун ҳимоячи рад этиш сабабларини аниқлаши ва ишончли тушунтиришларни бериши, зарурат туғилганда эса ҳимояланувчига ҳукуқий ёрдам кўрсатиши керак.

Фуқаровий даъвонинг суммаси тўғри аниқланганлиги катта аҳамиятга эга. Шу ўринда фуқаровий жавобгар ва унинг вакилига қонунда белгиланган ҳукуқлари тушунтирилганлигига ишонч ҳосил қилиш муҳимдир.

Ҳимоячи айбланувчини барча иш ҳолатларини очиқ-ойдин баён қилишига чақириш йўлларини ўйлаб қўриши керак. Ҳимоячига, шунингдек, айбланувчини қандай қўшимча материалларига эга эканлиги ёки улар қаердан олиниши мумкинлигини аниқлаш муҳимдир. У айбланувчи билан у ёки бу тергов ҳаракатларини олиб бориш, янги далилларни ишга қўшиш, шикоят ёки илтимосномаларни қўзғатиш ва ҳоказолар ҳақида маслаҳатлашиши керак. Буларнинг барчаси ҳимоячига иш ҳолатларини ҳал қилишга имкон яратади.

Жиноят процессида ҳимоячининг фаол ва сидқидилдан иштирок этиши, ўз ҳимояси остидаги шахснинг манфаатидан келиб чиқиб, қонунда кўрсатилган барча усул ва воситаларни қўллаши ишни айбланувчи фойдасига адолатли ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Адвокатнинг касбий бурчи унга иш бўйича барча далилларни объектив, ҳар томонлама ва сидқидилдан таҳлил қилиш ва баҳо бериш, фактларни атайлаб бузиб кўрсатмаслик, суд ва терговни чалғитишига уринмаслик, текширилаётган ҳодисаларга қонунийлик ва аҳлоқ позициясидан туриб баҳо бериш мажбуриятини юклайди. Ҳимоячи ҳақиқий, ўзига маълум бўлган далиллардан фойдаланиши ёки унга маълум бўлган фактларга зид келувчи ишдаги маълумотларни қўллаши мумкин эмас.

Жиноят процесси иштирокчиларидан бири бу гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакилидир.

Қонуний вакил ишда иштирок этишга вояга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг ҳукуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилиш учун жалб қилинади.

Ишда қонуний вакил сифатида ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар, хомийлар, вояга етмаганга ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган иштирокчига хомийлик қилувчи муассаса ва ташкилотларнинг вакиллари қатнашиши мумкин. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг қонуний вакили ишда гумон қилинувчи,

<sup>114</sup> Жиноят процесси. Махсус қисм. /З.Ф.Иногомжонованинг умумий таҳрири остида. -Т.: ТДЮИ, 2003. -Б. 95.

айбланувчи, судланувчи билан бирга, жабрланувчининг қонуний вакили эса жабрланувчи билан бирга, шунингдек, унинг ўрнида ҳам иштирок этади.

Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига йўл қўйилганлиги ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг манфаатлари ўзаро мос келмасада, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи тарафида ишда иштирок этиш учун қарор ёхуд ажрим билан адвокат тайинланади.

Қонуний вакиллик фуқаролик ва жиноят процессидаги вакиллик умумий ҳимоя институтидан фарқли ўлароқ, вакиллик қилинаётган ҳукуқий муносабат субъекти алмаштирилишини англатмайди. Қонуний вакил вакиллик қилаётган шахс ўрнига эмас (биргаликда ҳам эмас), балки у билан бирга ўз қарамоғидаги шахснинг ҳукуқлари ҳимояси ва қонуний манфаатларининг амалга оширилишига, у томонидан ўз процессуал мажбуриятларини бажаришга ёрдам беради.

Қонуний вакилнинг процессуал ҳолатининг муҳим белгиси шундан иборатки, у исботлашнинг мустақил субъекти сифатида иштирок этади, унинг манфаатлари ҳар доим ҳам у вакиллик қилаётган шахс манфаатлари билан бир хилда бўлавермайди.<sup>115</sup>

Амалиётда фуқароларнинг қонуний вакили тариқасида иштирок этишда йўл қўйилаётган хатолар (масалан, иш материаллари билан танишишда, ҳимоячини танлаш ҳақидаги масалани ҳал этишда, шикоят ва аризалар беришда ва х.к.) қонуний вакилнинг фикрини вакиллик қилинаётган шахс қабул қилишига мажбур қилиш, қонуний вакилнинг ўзи вакиллик қилаётган шахс ўрнига эмас, балки у билан бирга, ўз шахси номидан иштирок этажтанини тушуниб етмаслик ва у шикоят бериш, ариза бериш, ҳимояни амалга ошириш бўйича ўз фикрига эга бўлиши мумкинлигини тушуниб етмаслиқдан келиб чиқади.

Ўз навбатида ишда қонуний вакилнинг иштироки ўзи вакиллик қилаётган шахснинг процессуал ҳукуқларини чеклаб қўймайди, балки уларнинг тўла ва самарали равишда амалга оширилишига ёрдам беради. Ушбу шахс ҳар хил турдаги ариза ва шикоятлар бериш каби мақсадларда ўз қонуний вакилининг розилигига қарам эмас. У ўз қонуний вакилининг ҳолатидан фарқланадиган ҳолатни эгаллаши мумкин.

Қонуний вакилнинг процессуал ҳолати авваламбор, кимнинг, процессининг қайси иштирокчисининг манфаатларини кўзлаб вакиллик қилаётгани билан белгиланади ва амалдаги жиноят-процессуал қонунчилик шундан келиб чиқиб, қонуний вакилларга жуда кенг ваколат беради, бу ваколат улар вакиллик қилаётган шахсларнинг процессуал ҳукуқ ва мажбуриятлари мажмуига яқинлашади ёки тенг бўлади.

Қонуний вакилнинг ҳукуқлари мазмунан у ўзи вакиллик қилаётган шахснинг ҳукуқларидан келиб чиқсанлиги сабабли, шунга мувофиқ равишда у ўзи вакиллик қилаётган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг

<sup>115</sup> Рыжаков А.П. Субъекты уголовного процесса. –М.: 1996. –Б.54.

жиноят судлов ишларини юритиш мобайнида кўрсатилган ҳуқуқларидан келиб чиқади ва ЖПҚда кўрсатилган барча процессуал воситалар, рад қилиш ва аризалар беришдан шикоят қилишгача бўлган воситаларнинг қўлланишига асосланади.

Қонуний вакил нафақат ҳуқуқларга эга, балки унинг мажбуриятлари ҳам бор. У жумладан, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақиравига биноан ҳозир бўлиши, кўрсатувлар бериши, тергов ҳаракатларини ўтказишида, суд мажлисида иштирок этиши, унда тартибга риоя қилиши, ўзи вакиллик қилаётган шахсга салбий таъсир кўрсатмаслик каби мажбуриятларга эга.

Қонуний вакил гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши, шунингдек, ҳимоячи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин. Бундай холларда қонуний вакил юқорида айтиб ўтилган процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлади.

### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (ЎзР 24.04.2003 йилгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Т.: Ўзбекистон, 2003. -40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.-Т.: Адолат, 1999. -525 б.
3. Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида» ги қонуни. -Т.: Адолат, 1996.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорлари тўплами. 1-ж. –Т.: Шарқ, 1997. –Б. 86.
5. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. –Т.: Адолат, 2004. – 270 б.
6. Безлекин Б.Т.Комментарий к УПК РФ. –М.: Кнорус, 2004. -Б.87.
7. Жиноят процесси. Махсус қисм. / З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. -Т.: ТДЮИ, 2003. –Б. 95.
8. Искандаров З.Х. Участие защитника в стадии расследования преступлений: проблемы теории, законодательного регулирования и практики. –Душанбе: Ирфон, 1998. – 312 б.
9. Кальницкий В.В. Следственные действия. –Омск: Омская академия МВД РФ, 2003. –Б. 4.
10. Комментарий к Уголовно - процессуальному кодексу Российской Федерации / Под общ. ред. В.В. Мозякова. -М.: 2002. -Б.151.
11. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу РФ. / Под ред. А.Я. Сухарева. 2-е изд. -М.: Норма, 2004. -Б. 314.
12. Рыжаков А.П. Субъекты уголовного процесса. –М.: 1996. –Б.54.
13. Савицкий В.М. Право обвиняемого на защиту в уголовном процессе. -М.: Наука, 1983. –Б.127.
14. Савицкий В.М. Презумпция невиновности. –М.: Норма, 1997. -Б.65.

15. Саломов Б. Ўзбекистонда адвокатлик фаолияти. –Т.: Адолат, 2000. – Б.98.
16. Саркисянц Г.П. Защитник в уголовном процессе. –Т.: Узбекистан, 1971. -Б.15.
17. Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида ҳимоячининг иштироки. –Т.: ТДЮИ, 2005. –Б.52-91.
18. Уголовный процесс. Учебник. /Под ред. К.Ф. Гуценко. –М.: Зертало, 1997. –Б.44.
19. Ўзбекистон Республикасининг ЖПКга шархлар. –Т.: Адолат, 2000. – Б.74.

### **Назорат саволлари**

1. Ҳимоячи қандай тергов ҳаракатларида фаол иштирок этади?
2. Ҳимоячига баъзи тергов ҳаракатларини муқобил тарзда олиб бориш ваколати берилиши тўғрисида қандай фикрдасиз?
3. Ушлаб туришда ҳимоячининг процессуал ваколатларига тўхталиб ўтинг.
4. Конуний вакил қандай хуқуқ ва мажбуриятларга эга?
5. Адвокатларни таклиф қилиш ва уларга хизмати учун ҳақ тўлашда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ҳақида сўзлаб беринг.
6. Ҳимоячининг иштироки шарт бўлган ҳолатларни санаб ўтинг.
7. Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича ҳимоячи иштирокининг ўзига хос хусусиятларини гапириб беринг.

## **6-боб. Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар. Жиноят процессида иштирок этишга монелик қилувчи ҳолатлар**

### **1-§. Гувоҳ жиноят судлов ишлари юритишнинг иштирокчиси сифатида**

ЖПКнинг 65-моддасига биноан жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида кўрсатув бериш учун чақирилиши мумкин. Гувоҳ исботловчи ахборотнинг манбаи сифатида тергов қилинаётган ҳодисанинг ҳолатларидан ташкил топади ва шунинг учун унинг жиноят процессининг иштирокчиси сифатидаги ўрнини ҳеч ким босолмайди. Унинг алмашилмаслиги гувоҳнинг мажбуриятларини процесс бошқа иштирокчиларининг мажбуриятлари билан боғлашга йўл қўймайди.

Гувоҳ сўроқ юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса ўз она тилида кўрсатувлар бериш ва бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш ёки уни рад этиш; кўрсатувларини ўз қўли билан ёзиб бериш; сўроқ баённомаси билан танишиш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш; кўрсатувлар беришда ёзма белгилар ва ҳужжатлардан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоялаш ва суд ажрими устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эгадир.

Гувоҳ суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; иш бўйича ўзига маълум ҳамма нарса ҳақида ҳақконий сўзлаб бериши; берилган саволларга жавоб қайтариши; иш бўйича ўзига маълум бўлган ҳолатларни сўроқ қилувчининг рухсатисиз ошкор этмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Гувоҳ узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда мажбурий равища олиб келиниши мумкин, кўрсатув беришдан бош тортганлик, шунингдек била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади (ЖПКнинг 66-моддаси).

Шахс гувоҳлик бериш учун фақат давлат ҳокимиятининг ваколатли органлари - суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ҳамда суд томонидан чақирилиши мумкин. Қонунда гувоҳ сифатида чақиришнинг муайян тартиби ишлаб чиқилган. Чакириш тўғрисида қарор маҳсус ҳужжат орқали- чақирув қоғози (ЖПК 97-модда) билан расмийлаштирилади. Чакирув қоғози почта ёки бошқа йўллар билан қонунда белгиланган тартибда ёхуд телефонограмма, телеграмма, радиограмма ёки телекс орқали ҳам юборилиши мумкин. Чакирув қоғозида ким, ким сифатида, қайси манзилга ва кимга, қайси соатда учрашиши, шунингдек келмасликнинг оқибатлари кўрсатилган бўлиши лозим.

Чақи्रув қоғози чақирилувчи шахсга топширилғанлиги тасдиқланиши лозим. Чакирилувчи вақтингчалик йўқ бўлган вақтда чақирув қоғози унинг вояга етган оила аъзоларидан бирига, ётоқхона маъмуритига, уй эгасига ёки ўз - ўзини бошқариш органи раисига тасдиқланган ҳолда берилади.

Тергов ҳибсхонасида, вақтингча қабул қилиш-тақсимлаш қабулхоналари, жазони ижро этиш ёки тарбия колонияларида сақланаётган шахслар шу муассасаларнинг маъмурити орқали чақиртирилади.

Айнан чақирилган вақтдан бошлаб фуқаро гувоҳлик мақомини олади ва шу билан унга муайян мажбуриятлар юкланди. Айнан шу пайтдан бошлаб ҳукуқ ва мажбуриятлар, шунингдек, масъулият, шу билан бирга жиноий жавобгарлик вужудга келади.<sup>116</sup>

Гувоҳ суриштирув, тергов, прокуратура органлари ва суднинг талабларига биноан сўроқ қилиш белгиланган жойга вақтида, соат ва кунида етиб бориши ва ўзига маълум бўлган иш тўғрисида тўғри кўрсатув беришга мажбур.<sup>117</sup>

Айрим процессуалист олимлар гувоҳга таъриф беришда унинг тергов қилинаётган жиноят ишига алоқадорлигига катта эътибор берадилар, Гувоҳларга нисбатан «жиноят содир этилишига алоқаси бўлмаган шахс»,<sup>118</sup> «содир этилган ушбу жиноят учун жавобгар бўлмайдиган, жавобгарликка тортилмайдиган шахс»,<sup>119</sup> деган иборалар қўлланилади.

Юқорида келтирилган таърифдан тергов органлари ёки судда бирор шахснинг жиноятга ёки содир этилган ушбу жиноят учун жавобгарликка тортилиши ҳақида маълумот бўлса, у ҳолда шахс гувоҳ сифатида эмас балки, гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида сўроқ қилиниши лозим деган маънони келтириб чиқаради. Шунинг учун далил манбалари ичida гувоҳ алоҳида ўрин эгаллайди,<sup>120</sup> бироқ инсоният тарихида узоқ йиллар давомида одил судлов гувоҳларсиз ҳам олиб борилган.

Амалдаги жиноят процессуал қонунига биноан, объектив ҳақиқатни тўғри қабул қиласидиган ва кўрсатувларни тўғри ифодалайдиган шахснинг жиноят иши бўйича гувоҳ сифатида иштирик этишига йўл қўйилади. Қонун гувоҳ тариқасида иштирик этувчиларнинг ёшини чекламайди. Болалар, шунингдек кексалар, уларнинг руҳияти ва хусусиятига қарамасдан иш бўйича қимматли маълумотларни беришлари мумкин.

ЖПКнинг 115-моддасига биноан гувоҳ сифатида қуйидагилар сўроқ қилинмайди:

– ҳукм ёки ажрим чиқариш жараёнида келиб чиқсан масалаларни маслаҳатхонада муҳокама қилишга оид ҳолатлар тўғрисида - судья ва халқ маслаҳатчиси;

<sup>116</sup> Жиноят процесси. Умумий қисм.. /З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. Т, Янги аср авлоди, 2002. –Б. 137.

<sup>117</sup> Смыслов В.И Свидетель в уголовном процессе. –М.: 1973. –Б. 168.

<sup>118</sup> Рахунов Р.Д. Свидетельские показания в уголовном процессе. -М.: 1985. –Б.36.

<sup>119</sup> Теория доказательств в уголовном процесси. -М.: Юридическая литература, 1967. –Б.71.

<sup>120</sup> Қаранг: Треушников М.К. Судебные доказательства. –М.: 1999. –Б.147.

– жиноят иши юасидан ўз вазифаларини бажаришлари натижасида ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида - ҳимоячи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг вакили;

– руҳий ва жисмоний нуқсони сабабли иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатни тўғри идрок этиш ва бу ҳақда кўрсатув бера олиш лаётқатига эга бўлмаган шахс.

Далил манбасининг яроқлилигини таъминлаш мақсадида қонунчилик ўзининг руҳий ёки жисмоний нуқсони туфайли иш учун аҳамиятли маълумотларни тўғри идрок эта олмайдиган ва бу тўғрида кўрсатув бера олиш лаётқатига эга бўлмаган шахс ишда гувоҳ тарикасида сўроқ қилинмаслигини таъкидлайди (ЖПК 115- модда 3-қисми).

Гувоҳнинг руҳий ва жисмоний ҳолатини ҳамда у иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни идрок қилиш, эсда сақлаш ва сўроқ қилганда ифодалаб бериш лаётқатга эга эканликларини аниқлаш учун жиноят процессуал қонуни мажбурий тарзда экспертиза ўтказишни талаб этади (ЖПК 173-модда 5-қисми).

Ундан ташқари гувоҳ ўзининг камчиликларини яширган, кўрсатувларни бузиб кўрсатган ҳолларда экспертиза зарур. Бу ўринда экспертнинг ваколатига шахснинг иш бўйича гувоҳ бўлиш қобилияти ёки шундай шахслар кўрсатувларининг ишончлилик даражаларини аниқлаш кирмайди.

ЖПКда иштирокчи сифатида гувоҳга тааллуқли бошқа масалалар мавжуд. ЖПК 116-моддасига биноан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошлари иш бўйича ўзларига маълум бўлган ҳолатлар юзасидан фақат ўз розиликлири билан сўроқ қилинади. Шундай ҳолда ўзларининг кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки кўрсатув беришни рад этганлик учун жиноий жавобгарликка тортилмайди (ЖПК 117-модда, 240-модда). Бу ҳолда қонун аввало гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг эр ёки хотини, ота-онаси, болалари, ака-укалари ва опасингиллари, қариндошларининг манфаатларига биноан уларнинг ишни муваффақиятли якунлашдан манфаатдор эканлигидан келиб чиқишига асосланади. Шунинг учун суд амалиёти қариндошлар кўрсатувини баҳолашга катта эътибор қаратади.<sup>121</sup>

Гувоҳ иш ҳолатларига ўзи шохид бўлганлиги учун унинг кўрсатувларини ўзгартириш мумкин эмас. Гувоҳнинг кўрсатувларини ўзгартириб бўлмаслик қоидаси биздаги судлов ишларини юритишнинг демократлашганлигини, шунингдек жиноят ишининг ўз вақтида, объектив баҳоланишини таъминлайди. Шу билан бир қаторда жиноят иши бўйича гувоҳ кўрсатуви ҳар қандай ички ва ташқи таъсирлардан ҳоли бўлиши лозим. Шунинг учун жиноят процессуал қонунчилиги гувоҳнинг айнан бир

<sup>121</sup> Зайцев О.А. Теория и практика участия свидетелья в уголовном процессе: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. –М.: 1993. –Б.12.; Чачина Г.Г. Нравственные правовые основы свидетельского иммунитета в уголовном процессе: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. –Ижевск: 1999. –Б.18.; Епихин А.Ю. Защита законных прав и интересов свидетелья в уголовном процессе: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук -М.:1995. –Б.15.

жиноят иши бўйича гувоҳликдан бошқа бир функцияни бажаришга йўл қўймайди. Агар шахс бирор жиноят ишида гувоҳ тариқасида иштирок этаётган бўлса, у ҳолда айнан шу жиноят иши бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ёки суд мажлисининг маслаҳатчиси, эксперт, таржимон мажбуриятларини бажариши мумкин эмас (ЖПК 76-модда).

Гувоҳ сифатида нафақат содир этилган жиноят шоҳидлари, балки турли мажбуриятларни бажариш давомида ишга алоқаси бўлган шахслар ҳам алоҳида ҳолатлар бўйича гувоҳ тариқасида сўроқ қилинади. Уларга қўйидагилар киради:

1. Тергов ёки суд ҳаракатларини ўтказиша жалб қилинган шахслар иш қайта кўрилганда гувоҳ сифатида тергов ва суд ҳаракатларини ўтказилиш ҳолатларини аниқлаштириш мақсадида, ушбу тергов ҳаракатларининг алоҳида қисмларини аниқлаштириш зарурати туғилганда ёки тергов баённомасида қайд этилган ҳолатлар ва суд тергови давомида вужудга келган қарама-қаршиликларни бартараф этиш бўйича сўроқ қилиниши мумкин. Худди шунингдек, ушбу тергов ҳаракатларни ўтказиша айбланувчиларнинг хулқ-автори тўғрисида савол туғилиши мумкин. Ушбу турдаги шахсларга холислар киради. ЖПК 74-модда 4-қисмига биноан холислар ўзи иштирок этган тергов ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолатлар бўйича гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин.

2. Ревизорлар (аудиторлар) назоратчилар, нозирлар ва тафтиш ёки бошқа текшириш материалларини жиноят ишига далил сифатида тикиб қўйган шахслар улар томонидан тақдим этилган материалларда мавжуд бўлган қарама-қаршиликларни бартараф этиш ва фактик маълумотларни тўлдириш учун ушбу ҳолатлар бўйича гувоҳ сифатида сўроқ қилинади.

3. Қидирувдаги шахсларни ушлаш ёки уларни кузатиб юришда иштирок этувчи милиция ва бошқа орган ходимлари, шунингдек жамоатчилик вакиллари ўзлари аниқлаган ҳолатлари бўйича гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин.

Гувоҳлик кўрсатувларининг хусусиятларини ўрганишда аввало гувоҳларни алмаштириб бўлмаслигига эътибор қаратиш лозим.

Гувоҳни алмаштириб бўлмаслиги гувоҳлик кўрсатувлари табиатини тасвиrlашда асосий ўрин эгаллайди. Эксперт, холис касаллиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра алмаштирилиши мумкин, лекин гувоҳни иш учун аҳамиятли ҳолатларни билмайдиган бошқа бир гувоҳ билан алмаштириб бўлмайди. Ушбу гувоҳга иш учун аҳамиятли ҳолат бошқа шахс орқали маълум бўлмаса, бундай гувоҳ ҳам алмаштириб бўлмайдиган гувоҳ ҳисобланади. Бундай ҳолатда терговчи ёки суд унинг кўрсатувларини бошқа далиллар билан солишириб кўриши мумкин, бироқ хабар қилинган маълумотни тўғрилигини текшириш, тергов ва суд учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни тўғридан-тўғри қабул қилган шахс томонидан бу маълумотлар олинган ҳолдагина самаралироқ бўлади.

Ўша ҳолатлар фақат ушбу гувоҳ эмас, балки бошқа шахслар томонидан қабул қилинган бўлса, бундай ҳолларда ҳам гувоҳ алмаштирилиши мумкин эмас. Агар иш ҳолатлари бўйича бир неча шахс қўрсатув берган бўлса, у ҳолда суд ёки дастлабки тергов органларида уларни синчковлик билан ва ҳар томонлама текширишга имкон беради.

Агар гувоҳ суд ва дастлабки тергов учун тушунарли ва тақорланган бир хил қўрсатувни берган бўлса, суд ва терговчи сўроқ қилинмаган бошқа гувоҳларни рад этиши мумкин.

Тергов ва суд органлари гувоҳдан бирор факт бўйича маълумот олишни режалаштиради. Демак, гувоҳ тергов қилинадиган факт бўйича ўзида мавжуд бўлган маълумотларни тергов ва суд органларига бериши лозим, шунингдек у гувоҳлик қўрсатувининг табиатини характерловчи ўзига хос хусусият ҳисобланади.

Гувоҳ ўз қўрсатувларида доимо иш учун аҳамиятли бўлган фактни ифодалаши лозим. Ўзи кузатган ҳолатлар бўйича гувоҳлик қўрсатуви беғараз, фактга нисбатан объектив хусусиятлар билан тавсифланиши лозим. Гувоҳ иш учун аҳамиятли фактни қай даражада тўла ва изчиллик билан ёритиб берса, қўрсатувларнинг қадри шунчалик юқори бўлади.

Одатда гувоҳ кўрган, билган, эшитган, бошқа органлари билан ҳис қилган нарсаларни ўз онги орқали қайта ишлайди. Кўп ҳолларда гувоҳлик қўрсатуви фактлар тўғрисида фикр юритиш ёки уни баҳолашдан иборат бўлади. Чунки гувоҳ факт тўғрисидаги барча маълумотларни қабул қиласди ва уларни ўз хусусиятларига қараб ифодалайди. Гувоҳнинг қабул қилинган ҳолатлар бўйича фикр юритиши ҳодисани ифодалашнинг мантиқий шакли ҳисобланади.

Гувоҳни сўроқ қилиш жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар юзасидан ўтказиладиган тергов ҳаракати ҳисобланади.<sup>122</sup>

Гувоҳни сўроқ қилишнинг самарадорлиги далилларни тўплаш воситаси сифатида кўпгина факторларга, яъни сўроқ қилишнинг процессуал тартиби, уни ўтказиш учун шароит яратувчи тактик усулларни ишлаб чиқиш ва кўллашга боғлиқ. Гувоҳни сўроқ қилишнинг тактик усуллари иш бўйича маълумотларга эга бўлган шахслар доирасини аниқлашдан; сўроқ қилиш предметидан; гувоҳни сўроқ қилиш вақти, жойи, кетма-кетлигидан; уларни чақириш усулидан; гувоҳнинг шахсини ўрганишдан; сўроқ қилишда гувоҳга қўрсатиладиган материаллар ва далилларни танлашдан; маҳсус қўрсатувлар талаб этиладиган саволларни ойдинлаштириш ва маҳсус терминларни билишдан иборат. Тушунарсиз, аниқ мақсадсиз сўроқ қилиш кам самарали бўлиб, ҳеч қандай манфаат бермайди ва гувоҳнинг тақорорий чақирилишига сабаб бўлади. Бу эса жиноят ишини тергов қилишнинг қийинлашиши ва муддатларининг чўзилишига олиб келиб, гувоҳ тариқасида чақирилган фуқарога қўшимишча ва беҳуда қийинчиликларни туғдириши мумкин.

<sup>122</sup> Доказывание в уголовном процессе: традиции и современность / Под ред. В.А. Власихина. – М.: Юристъ, 2000. –Б.28.

Қонун сўроқ қилинадиган шахснинг туар жойида сўроқ қилишга йўл қўяди (ЖПК 96-модда). Суд гувоҳни суд мухокамаси ўтказиладиган жойда сўроқ қиласди. Терговчи гувоҳларни сўроқ қилиш учун чақиришни режалаштирилаётган вақтида уларнинг бир-бирлари билан кўришиши ёки сұхбатлашишининг олдини олиш чораларини кўради.

Суд мажлисида раислик қилувчи гувоҳларнинг суд мажлиси хонасидан бошқа алоҳида хоналарга ўтиши учун фармойиш беради. Кейинчалик у сўроқ қилинмаган гувоҳларнинг сўроқ қилинган гувоҳлар билан, шунингдек суд мажлиси залидаги бошқа шахслар билан мулоқотда бўлмаслиги чораларини кўради (ЖПК 432- модда). Бундай процессуал қоида гувоҳнинг кўрсатувларига ташқаридан таъсир кўрсатишнинг олдини олишга қаратилган.

Сўроқ қилишдан олдин суриштирувчи, терговчи ва суд сўроқ қилинадиган шахснинг фамилияси, исми, отасинияг исми, туғилган вақти (йил, кун) ва жойини, яшаш, ишлаш жойини, мансабини, машғулот турини, маълумотини, оиласвий аҳволини, судланган ёки судланмаганлигини ва ушбу маълумотларни жиноят ишидаги маълумотлар ёки шахсини аниқловчи хужжатлар орқали текшириб кўриши лозим (ЖПК 98- модда).

Гувоҳнинг шахси аниқлангандан кейин унинг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади. Ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги ҳақидаги ёзув сўроқ ёки суд мажлиси баённомасида акс эттирилади (ЖПК 100-модда). Шунингдек баённомага гувоҳ ва жабрланувчи кўрсатув беришдан бош тортганлик ва ёлғон кўрсатув бериш учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги қайд этилади (ЖПК 117-модда, 1 - қисм ).

Гувоҳга бериладиган саволлар қуйидаги тўрт турга бўлиниши мумкин: тўлдирувчи, аниқлаштирувчи, эслаттирувчи ва назорат саволлари.<sup>123</sup>

Тўлдирувчи саволлар - етарли бўлмаган кўрсатувларни тўлдириш ёки янги маълумот олиш мақсадини кўзлайди. Улар гувоҳ иш ҳолатлари тўғрисида эркин сўзлаб беришда ўзига маълум бўлган ҳолатларга эътибор бермаган ёки эсламаган, терговчини қизиқтирадиган фактлар тўғрисида гапирмаган ҳолларда берилади.

Аниқлаштирувчи саволлар - гувоҳдан олинган маълумотларни аниқлаштириш ёки умумий шаклда ифода этилган кўрсатувларни ойдинлаштириш мақсадида берилади.

Эслаттирувчи саволлар - гувоҳга хотирасидан қўтарилган фактларни ёдга солиш мақсадида берилади. Мисол учун, гувоҳ айбланувчининг қачон учратганлигини билмаса, унга кун бўйи нима билан машғул бўлганлиги тўғрисида савол берилиши мумкин. Кўп ҳолларда эслаттирувчи саволлар жиноят ҳодисасига ўхшаш ҳолатлардан олдин ёки у билан бирга ёки кетма-кет содир этилган ҳолатларга тегишли бўлади.

Назорат саволлари - гувоҳ томонидан хабар қилинган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш учун берилади. Бу ерда асосий фикр маълумотнинг

<sup>123</sup> Уголовный процесс. / Под общей ред. П.А.Лупинской. –М.: 1995. –Б. 140.

ўзини текшириш, маълумот қайси манбадан олинганилиги, иш ҳолати қандай шароит ва ҳолатда қабул қилинганилиги, маълумотларни қайси гувоҳнинг кўрсатувлари тасдиқлаши мумкинлиги тўғрисида бориши мумкин.

Гувоҳнинг процессуал ҳолати унинг жиноят процессига қандай мақсадда жалб этилишига қараб белгиланади. Бундай мақсад гувоҳдан иш учун аҳамиятли бўлган маълумотлар - далиллар, иш ҳолатларини бевосита ёки билвосита қабул қилганилигидан қатъи назар, уларни олишга қаратилади.

«Гувоҳнинг жиноят процесси иштирокидаги вазифаларидан келиб чиқиб, шахс жиноят процессида гувоҳ процессуал мақомини сўроқ қилиш учун чақирилган вактдан бошлаб олади. Айнан шу вактдан бошлаб шахс жиноят процессини олиб борувчи ваколатли давлат органлари билан процессуал муносабатга киришади ва иш бўйича гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбурияти вужудга келади».<sup>124</sup> Агар шахс иш бўйича гувоҳ сифатида чақирилган, бироқ унда терговчини иш бўйича қизиқтирган маълумотлар бўлмаган ҳолларда ҳам шахс фактик жиҳатдан гувоҳ бўлмаса-да, бироқ юридик жиҳатдан гувоҳ мақомини олиб, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятидан фойдаланади.

Гувоҳнинг процессуал ҳолати тўла равишда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини анализ қилиш орқали аниқланади.

Гувоҳ эркин ва мажбуровсиз кўрсатув бериш ҳуқуқига эга. Қонун гувоҳ тариқасида ўз функциясини бажараётган шахсларга ташқаридан бўлаётган ҳар қандай шахсларнинг тазъиқларидан ҳимоя қилишни кафолатлади

Гувоҳнинг судда оғзаки жавоб бериши судга нафакат гувоҳ кўрсатувининг мазмунини текшириш, балки далил манбасини қабул қилиш ва баҳолаш имконини беради. Гувоҳ ўзидаги ёзма белгилардан фақатгина хотирада саклаш қийин бўлган рақамлар ва бошқа маълумотларга тааллуқли бўлган ҳолларда фойдаланилади. Суриштирувчи, терговчи ва суд сўроқ қилинувчидан сўроқ қилиш жараёнида у фойдаланаётган хужжатлар ва бошқа ёзувларни талаб қилиши, уларни кейин қайтариб бериши ёки ишга кўшиб қўйиши мумкин (ЖПК 103-модда).

Гувоҳнинг эркин сўзлаб бериш ҳукуки тергов ёки судга иш учун аҳамиятли бўлган ва ўз кўрсатувларини тасдиқлайдиган зарурый далилларни олиш имконини беради. Суднинг ажримига биноан гувоҳлик кўрсатувларига тегишли бўлган хужжатлар жиноят ишига қўшиб қўйилиши мумкин.

Суд амалиётида жиноят содир этилишида унинг айбини фош этувчи ҳолатлар тўғрисида гувоҳга савол бериш қўпол процессуал хато ҳисобланади. Давлат гувоҳнинг сўроқ қилиш учун кетган ҳаражатларини қоплаш ва жиноят ишини очишга фаол ёрдами учун рағбатлаштиришни ҳам ўз бўйнига олади (ЖПК 75-модда). Шунингдек, фуқаролар томонидан давлатнинг бошқа мажбуриятларини бажариш учун қилган ҳаражатлари давлат томонидан қопланади. Шу муносабат билан тергов-суд органларининг жиноят ишида гувоҳларни чақириш бўйича ҳаражатлари чекланмаган. Шу

<sup>124</sup> Безлепкин Б.Т. Комментарий к Уголовному процессуальному кодексу Российской Федерации. -М.: Кнорус, 2004. -Б.98.

йўл билан жиноят ишини ҳар томонлама ва холисона тергов қилиш, иш бўйича гувоҳ тариқасида чақирилган шахсларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш таъминланади.

Гувоҳ ўз манфаатларига таъсир қилувчи ҳар қандай ноқонуний ҳаракат ва фуқаролар устидан шикоят қилиши мумкин.

Жиноят процессуал қонун гувоҳнинг бошқа процессуал ҳаракатларда иштирок этишини назарда тутади. Гувоҳ юзлаштириш тергов ҳаракати ўтказиш учун бошқа гувоҳ, айбланувчи, жабрланувчи, шунингдек кўрсатувларида қарама-қаршилик бўлган ҳар қандай иштирокчилар билан бирга иштирок этади (ЖПК 122- модда). Зарур ҳолларда гувоҳ таниб олиш учун кўрсатиш, экспертиза, кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, кўздан кечириш, эксперимент каби тергов ҳаракатларида иштирок этиш учун чақирилиши мумкин (ЖПК 125, 153- моддалари). Эксперимент тергов ҳаракатини ўтказиша гувоҳ икки хил мақсадда чақирилиши мумкин: содир бўлган ҳодиса шароитларини яратиша терговчига ёрдам бериш ёки ўтказилаётган тажрибада ўзи бевосита иштирок этиш (ЖПК 143- модда).

Гувоҳ иш суд мажлиси вақтида тергов қилинаётганида тегишли барча қоидаларга, тартибга риоя қилиши лозим (ЖПК 66-модда).

ЖПКда гувоҳнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини ҳам белгилаб кўйилган. Хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисидаги қарор гувоҳларнинг хукуқ ва манфаатларини амалга оширишини таъминлашга бўлган хукуқларининг асосий воситаси ҳисобланади. Бу тўғридаги амалиёт қўлланманинг жабрланувчига бағишланган қисмида баён этилган.

## Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (ЎзР 24.04.2003 йилгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Т.: Ўзбекистон, 2003. -40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.-Т.: Адолат, 1999. -525 б.
3. Безлекин Б.Т. Комментарий к Уголовному процессуальному кодексу Российской Федерации. -М.: Кнорус, 2004. –Б.98.
4. Белкин А.Р Теория доказывания. Научно методическое пособие. – М.: Норма, 1999. –Б.176-206.
5. Владимиров Л.Е. Учение об уголовных доказательствах. – Тула: Автограф, 2000. -Б. 171.
6. Доказывание в уголовном процессе: традиции и современность / Под ред. В.А. Власихина. – М.: Юристъ, 2000. –Б.28
7. Дорохов В.Я. Теория доказательств в уголовном процессе.-М: Юрид. лит, 1973. –Б. 255.
8. Епихин А.Ю. Защита законных прав и интересов свидетелья в уголовном процессе: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук -М.:1995. –Б.15.
9. Жиноят процесси. Умумий қисм. / З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. –Б.149.

10. Зайцев О.А. Теория и практика участия свидетелья в уголовном процессе: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. –М.: 1993. –Б.12.
11. Зинатуллин З.З. Уголовно-процессуальное доказывание. Учебное пособие. –Ижевск: 1993. -Б. 30.
12. Золотых В.В.Проверка допустимости доказательств в уголовном процессе. -Ростов-на-Дону: Феникс, 1999. –Б. 164
13. Кипнис Н.М. Допустимость доказательств в уголовном судопроизводстве. - М.: 1995.- Б. 27.
14. Комментарий к уголовно-процессуальному кодексу РФ. /Под ред. проф. А.Г Коваленко.-М.: ЭКСМО, 2003. –Б. 114.
15. Кузнецов Н.П. Уголовный процесс: доказательства и доказывание. – Воронеж: 1995 - Б. 169.
16. Ожегов С.И. Словарь русского языка -М.:1988. –Б.19.
17. Полянский Н.Н. Уголовное право и уголовный суд Англии -М.: Юрид. лит., 1989. –Б. 268.
18. Рахунов Р.Д. Свидетельские показания в уголовном процессе. -М.: 1985. –Б.36.
19. Смыслов В.И Свидетель в уголовном процессе. –М.: 1973. –Б. 168.
20. Судебные речи известных русских юристов. -М.: 1978. –Б.730-731.
21. Теория доказательств в уголовном процессе. -М.: Юридическая литература, 1967. –Б.71.
22. Треушников М.К. Судебные доказательства. –М.: 1999. –Б.147.
23. Уголовный процесс. / Под общей ред. П.А.Лупинской. –М.: 1995. –Б. 140.
24. Уголовный процесс. Учебник для студентов юридических вузов и факультетов. / Под ред. К.Ф. Гуценко. Издания 4-е. – М.: Зерцало 2000. -Б 155.
25. Чачина Г.Г. Нравственные правовые основы свидетельского иммунитета в уголовном процессе: Автореф. дисс.... канд. юрид.наук. – Ижевск: 1999. –Б.18.

### **Назорат саволлари**

1. Жиноят судлов ишларини юритишда гувоҳнинг ўрни ва гувоҳлик кўрсатувларининг аҳамиятига таъриф беринг.
2. Гувоҳ қандай процессуал тартибда сўроқ қилинади?
3. Гувоҳнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларига тўхталиб ўтинг.
4. Гувоҳнинг хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлашда қандай муаммолар бор?

## **2-§. Жиноят процессида қатнашувчи бошқа иштирокчилар. Жиноят процессида иштирок этишга монелик қиладиган холатлар**

**Эксперт.** Экспертиза иш ҳолатларини аниқлашнинг самарали воситаси сифатида қўлланилади. Шунинг учун эксперт экспертиза қилиш учун тегишли иш материаллари билан танишиш ва ундан керакли маълумотларни ёзib олиш; ўзига қўшимча материаллар тақдим этилиши ҳақида илтимоснома бериш; башарти ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар унинг мутахассислигига оид бўлмаса ёки хulosса бериш учун унга тақдим этилган материаллар етарли бўлмаса, хulosса беришнинг иложи йўқлиги ҳақида ҳужжат тузиш; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг рухсати билан тергов ҳаракатлари юритилишида иштирок этиш ва тергов ҳаракатида иштирок этувчи шахсларга экспертизага оид далилларни текширишда суд муҳокамасида иштирок этиш ва суднинг рухсати билан сўроқ қилинаётган шахсларга саволлар бериш; ашёвий далилларни ва ҳужжатларни кўздан кечириш; ўз хulosаларида фақат унинг олдига қўйилган масалалар ҳақида эмас, балки экспертизага оид бошқа масалалар бўйича ҳам фикр билдириш; башарти иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хulosса ва кўрсатув бериш ҳамда бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш хукуқига эгадир.

Айни вақтда эксперт суднинг чақиравига биноан ҳозир бўлиши; олдига қўйилган саволлар бўйича ёзма хulosалар бериши; ўзи томонидан ўтказилган экспертиза бўйича кўрсатувлар бериши ва бу хulosаларни тушунтириш учун қўйилган қўшимча саволларга жавоб бериши; дастлабки тергов материалларини ошкор этмаслиги; суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт (ЖПКнинг 68-моддаси).

Эксперт узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилиши мумкин.

**Мутахассис.** ЖПКнинг 69-моддасида суд муҳокамасида мутахассиснинг иштироки тўғрисида тўхталиб ўтилган бўлиб, шунга кўра мутахассис суднинг чақиравига кўра суд муҳокамасига келиши, судга далиллар топиш, ўрганиш ва мустаҳкамлашда ўзининг маҳсус билими билан ёрдам бериши, суднинг диққатини иш юзасидан маълум бир ҳолатларни аниқлашга жалб этиши, алоҳида саволларга тушунтириш бериши керак. Шунингдек мутахассислар раислик қилувчининг рухсати билан далилларни текшириш мақсадида иштирокчиларга саволлар бериш хукуқига эга.

Мутахассисга тўғри ва аниқ тушунтириш бериш мажбурияти юклатилган. Мутахассис ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортган ёки бўйин товлаган тақдирда унга нисбатан жамоат таъсири чоралари ёки суд

томонидан жарима солиниши мумкин. Суд мухокамасида вояга етмаган шахсларни сўроқ қилиш вақтида педагог таклиф қилиниши мумкин.

Суд мухокамасида ўлим билан боғлиқ жиной ишлар кўрилаётганида врач ёки суд тиббиёт экспертизаси ходимлари, ишдаги текширилаётган далилларга қараб Ўзбекистон Республикаси ИИВга қарашли қриминалистика бўлимлари ходимлари, суд экспертиза институтлари ёки лабараторияларининг ходимлари ҳам жалб этилиши мумкин.

Суд мухокамасида мутахассисларнинг берган баёнотлари далилларга баҳо беришда катта аҳамиятга эга.

**Таржимон.** Давлат тилига ўтилиши муносабати билан жиноят процессининг иштирокчиси сифатида таржимоннинг аҳамияти ошиб бормоқда.

Таржимон қуидаги ҳолларда чақирилади:

- судланувчи ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёхуд уларнинг вакиллари, гувоҳ, эксперт, мутахассис иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарли даражада билмаса ёинки кар ёки соқов бўлса;

- бирор матнни бошқа тилдан таржима қилишга зарурат бўлса (ЖПКнинг 71-моддаси).

Таржимонга тегишли қоидалар иш юритишда иштирок этиш учун таклиф қилинган, кар ёки соқовнинг имо-ишораларини тушунадиган шахсга нисбатан ҳам қўлланилади.

Таржимон таржимани аниқлаштириш мақсадида процесс иштирокчиларига саволлар бериш; ўзи қатнашган тергов ҳаракатлари баённомаси, шунингдек суд мажлиси баённомаси билан танишиш ҳамда баённомага киритилиши лозим бўлган мулоҳазалар билдириш; башарти таржима қилиш учун зарур билим ва малакага эга бўлмаса, иш юритишда иштирок этишдан воз кечиш; суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоят келтириш ҳукуқига эгадир.

Айни вақтда таржимон суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ўзига топширилган таржимани аниқ ва тўлиқ бажариши; таржиманинг тўғрилигини ўзининг иштирокида ўтказилган тергов ҳаракати баённомаси ва суд мажлисининг баённомасига, шунингдек процесс иштирокчиларига уларнинг она тилига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилиб топшириладиган процессуал ҳужжатларга имзо чекиши билан тасдиқлаши; дастлабки тергов материалларини ошкор қилмаслиги; суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Таржимон била туриб нотўғри таржима қилган тақдирда қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади (ЖПКнинг 72-моддаси).

**Холислар.** Баъзида жиноят процессининг бу иштирокчилари, айниқса ишда бир хил холислар иштирок этса, статистлар деб аталади. Холислар суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ҳаракати ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганлигини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ЖПКда назарда тутилган ҳолларда чақирилади.

Тергов ҳаракатларини юритишда иштирок этиш учун ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмаган, камида икки нафар вояга етган фуқаро чақирилиши лозим. Дастребаки тергов босқичида олиб қўйиш, тинтув, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, эксперимент, таниб олиш учун қўрсатиш, қўрсатувни ҳодиса юз берган жойда текшириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, мурдани экспериментация қилиш каби теров ҳаракатларини ўтказишида камида икки нафар холиснинг иштирок этиши талаб этилади (ЖПКнинг 352-моддаси).

Фуқаро терговчининг қонуний талаб ва таклифларини бажаришдан бош тортаётганлиги ёки терговчига қаршилик қўрсатаётганлиги ёхуд дастребаки тергов юритиши тартибида мос келмайдиган бошқа ҳукуққа хилоф хатти-ҳаракатлар қилаётганини тасдиқлаш учун ҳам холислар таклиф қилинадилар. ЖПКнинг 93-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ички ишлар органлари, Миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура, адлия ёки суд ходимлари холислар сифатида таклиф этилиши мумкин эмас (ЖПКнинг 78-моддаси).

Тергов ҳаракатини бошлашдан олдин суриштирувчи, терговчи ёки прокурор холисларга уларнинг ҳукуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

Холис: тергов ҳаракатида иштирок этиш; тергов ҳаракати бўйича баённомага киритилиши лозим бўлган арз ва мулоҳазалар бериш; ўзи иштирок этган тергов ҳаракатининг баённомаси билан танишиш; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят келтириш ҳукуқларига эга.

Қонунда холиснинг: суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг чақиравига биноан ҳозир бўлиш; тергов ҳаракатини юритишида иштирок этиш; тергов ҳаракати ўтказилгани, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тергов ҳаракати баённомасида имзо чекиб тасдиқлаш; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг рухсатисиз суриштирув ва дастребаки тергов материалларини ошкор қилмаслик каби мажбуриятлари мавжуд.

Холис узрсиз сабабга кўра ўз вазифасини бажаришдан бош тортганлиги учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади.

Холис ўзи иштирок этган тергов ҳаракатини юритиши билан боғлиқ ҳолатлар бўйича гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин. У бундай ҳолларда гувоҳ ҳукуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради (ЖПКнинг 74-моддаси).

Жабрланувчи ёки унинг вакили, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ёки холис сифатида чақирилган шахснинг иш жойидаги ўртача ойлик маоши унинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳузурига чақирилиши муносабати билан кетган ҳамма вақт учун сақланади. Ишламайдиган шахсларга улар кундалик машғулотлари билан шуғуллана олмаганликлари учун ҳақ тўланади. Бундан ташқари, қўрсатилган ҳамма шахслар чақирилгани муносабати билан қилган сарф-харажатларини ундириш ҳукуқига эгадирлар.

Эксперт, мутахассис ва таржимон ўз мажбуриятларини бажарганликлари учун ҳақ олиш хуқуқига эга. Ушбу мажбуриятлар хизмат топшириги тарзида бажарилган ҳоллар бундан мустасно.

ЖПКнинг 75-моддасига қўра, сарф-харажатлар қонунда белгиланган тартиб ва миқдорда тўланади.

ЖПК жиноят процессининг аксарият иштирокчилари иш юритилишида иштирок этиши мумкин бўлмаган ҳолатларни назарда тутади.

Уларни қонунда белгиланган ҳолларда процессдан чиқариб ташлаш ишнинг холисона ўрганилишини ва моҳияти бўйича ҳал этилишини кафолатлади.

ЖПКнинг 76-моддасига мувофиқ судья, шунингдек ҳалқ маслаҳатчиси, прокурор, суд мажлисининг котиби жиноят ишини юритишида иштирок этишга ҳақли эмас ва уни рад қилиш лозим, башарти :

- у шу иш бўйича жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, эксперт, мутахассис, таржимон, холис, гувоҳ, ҳимоячи сифатида, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг қонуний вакили ёки жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этаётган ёки илгари иштирок этган бўлса;

- ушбу ишни юритиш учун масъул бўлган бирор мансабдор шахснинг ёки юқорида тилга олинган шахсларнинг қариндоши бўлса;

- унинг холислигига ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

Бундан ташқари, биринчи инстанция ёки кассация инстанцияси судларида ёхуд назорат тартибида ишни кўришда иштирок этган судья ўзининг иштирокида чиқарилган ҳукм, ажрим бекор қилинганидан кейин ўша ишни кўришда иштирок эта олмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларининг Пленумда жиноят ишларини кўришда иштирок этиши бундан мустасно.

Айни вақтда суд мажлиси котибининг ўз процессуал мажбуриятини бажариши, башарти ушбу иш судда янгидан кўриш учун жўнатилган бўлса, суд мажлиси баённомасини тузишга монелик қилмайди.

Жамоат айловчиси, жамоат ҳимоячиси ва жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг бошқа вакиллари юқорида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда ишда иштирок этишга ҳақли эмаслар ва рад қилинишлари лозим.

Эксперт, мутахассис, таржимон, холис шу ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек ишда иштирок этаётган шахслардан бирортасига хизмат юзасидан ёки бошқа жиҳатдан тобе бўлса, жиноят ишини юритишида иштирок этишга ҳақли эмас ва рад қилиниши лозим.

Бундан ташқари, башарти эксперт, мутахассис, таржимоннинг ўз касбига нолойиқлиги аён бўлиб қолса, холислар эса ички ишлар органи, Миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура, адлия ёки суд ходими бўлсалар, рад қилинишлари лозим.

Материаллари ишнинг қўзғатилишига асос бўлган тафтиш ёки ўзга идоравий текширув ўтказган шахс ушбу ишда эксперт ёки мутахассис

сифатида иштирок этишга ҳақли эмас. Лекин ишда мутахассис сифатида иштирок этган шахс келгусида ушбу иш бўйича эксперт қилиб тайинланиши мумкин.

Судъя илгари шу ишни юритища суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд мажлисининг котиби сифатида иштирок этган бўлса, ўша ишни келгусида қўришда қатнаша олмайди.

Чунки, жиноят иши юзасидан чиқарилаётган ҳукмнинг адолатлилиги ва қонунийлигига процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан шубҳа туғдирилишига асос бўлмаслиги ва суд мажлисининг тарбиявий аҳамиятини йўққа чиқаришга хизмат қиласлиги лозим.<sup>125</sup>

Судъяни рад қилиш масаласи қолган судъялар томонидан рад қилинган шахснинг иштирокисиз қўриб чиқилиши, ишни якка ўзи кўраётган бўлса, шу судъяни ўзи рад қилиш масаласини ҳал қилиши лозимлиги Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 80-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Фикримизча, масалани бундай тартибда ҳал этилиши мантиққа тўғри келмайди. Судъяни рад қилиш масаласини ҳалқ маслаҳатчилари мустақил равишда одилона ҳал этишлари, шунингдек, судъянинг ишни якка тартибда кўраётган вактида шахсан ўзи ҳал қилиши одил судловга нисбатан процесс иштирокчилари ўртасида шубҳа уйғотади. Одил судловни амалга ошириш чоғида ҳеч қандай шубҳаларга ўрин бўлмаслиги, масалани бир ёқлама кўриб чиқиши имкониятини берувчи ҳуқуқий замин яратилмаслиги мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун судъяни рад қилиш масаласини шу суд раиси томонидан, туман, шаҳарда факат битта судъя мавжуд бўлган жойларда юкори турувчи суд томонидан ҳал этилиши лозим.

Ҳимоячига, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг ёки фуқаровий жавобгарнинг вакилига нисбатан уларнинг ишда иштирок этишларига монелик қиласлар белгиланган. ЖПКнинг 79-моддасига биноан бу шахслар қўйидаги ҳолларда жиноят ишини юритища иштирок этишга ҳақли эмас, башарти улардан бирон-бири:

- илгари шу иш бўйича судъя, ҳалқ маслаҳатчиси, прокурор, терговчи, суриштирувчи, суд мажлисининг котиби, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ёки холис сифатида иштирок этган бўлса;

- ушбу ишнинг терговида ёки судда кўрилишида иштирок этган ёхуд иштирок этаётган судъя, прокурор, терговчи, суриштирувчи ёки суд мажлисининг котиби билан қариндошлиқ муносабатида бўлса ёхуд юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида у билан битим тузган процесс иштирокчисининг манфаатларига манфаати қарама-қарши бўлган шахс билан қариндошлиқ муносабатида бўлса;

- ўз ҳимояси остидаги судланувчининг ёки ўзи вакиллик қилаётган жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг манфаатларига манфаати қарама-қарши бўлган шахсга юридик ёрдам кўрсатаётган ёки муқаддам шундай ёрдам кўрсатган бўлса.

<sup>125</sup> Савицкий В.М. Отвод прокурора в уголовном судопроизводстве // Правоведение. 1970. -№4. -Б. -54-59.

Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш учун рад қилиш ва ўзини ўзи рад қилиш назарда тутилган.

ЖПКнинг 76-79-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда судья, ҳалқ маслаҳатчиси, прокурор, суд мажлисининг котиби, жамоат бирлашмасининг ёки жамоанинг вакили, ҳимоячи, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг ёки фуқаровий жавобгарнинг вакили, эксперт, мутахассис, таржимон, холис ўзини ўзи рад этиши шарт. Агар ўзлари бундай қилмасалар, улар шу асосга судланувчи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, ҳимоячи томонидан, суд мажлисида эса, бундан ташқари давлат айбловчиси, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг вакили томонидан рад қилиниши мумкин.

Рад қилиш ҳақидаги арз асослантирилган бўлиши керак.

Рад қилинган шахс рад этиш ҳақидаги масала кўрилгунига қадар тушунтириш беришга ҳақли.

Прокурорни рад қилиш масаласи ишни тергов қилиш чоғида юқори турувчи прокурор томонидан, суд мажлисида эса ишни кўраётган суд томонидан ҳал қилинади. Жамоат бирлашмаси ёки жамоа вақилини рад қилиш масаласи ишни тергов қилиш чоғида суриштирувчи ёки терговчи томонидан, суд мажлисида эса, ишни кўраётган суд томонидан ҳал қилинади.

Экспертни, мутахассисни, таржимонни, ҳимоячини, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакилларини рад қилиш масаласи ишни тергов қилиш чоғида суриштирувчи ёки терговчи томонидан, суд мажлисида эса, ишни кўраётган суд томонидан ҳал қилинади.

Жиноят процессуал қонун рад қилиш муаммосини ечиш муддатларини белгилайди. Хусусан, ишни тергов қилиш чоғида қўйилган рад қилиш масаласи суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан йигирма тўрт соат ичida ҳал қилинади. Рад қилиш суд мажлисида қўйилган бўлса, бу масала шу мажлисида дарҳол ҳал қилинади.

Рад қилишни қаноатлантириш ёки қаноатлантирмаслик ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Шунингдек, рад қилиш масаласини ҳал қилишдаги процессуал шакл дастлабки тергов ва суддаги шаклдан мутлақо фарқ қилмайди.

## Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (ЎзР 24.04.2003 йилгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Т.: Ўзбекистон, 2003. -40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.-Т.: Адолат, 1999. -525 б.
3. Жиноят процесси. Умумий қисм. / З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. –Б.149.
4. Досудебное производство по УПК Российской Федерации (участники досудебного производства, доказательства и доказывание, возбуждение уголовного дела, дознание и предварительное следствие): Учебно-практическое пособие / Пан Т.Д., Якимович Ю.К.. - СПб.: Юридический центр Пресс, 2003. –Б. 254.

5. Орлов Ю.К. Заключение эксперта и его оценка по уголовным делам.-М.: 1995. -Б.48.
6. Победкин А.В., Яшин В.Н. Следственные действия. -Тула: 2003. - Б.5.
7. Уголовный процесс. Учебник для вузов. / Отв. редактор А.В. Гриненко. –М.: Норма, 2004. -Б. 206.
8. Ратинов А.В. Вопросы следственного мышления в свете теории информации. – М.: Наука, 1997. –Б.58.

### **Назорат саволлари**

1. Жиноят процессида эксперт ва мутахассис иштирокининг аҳамияти ҳамда уларнинг хуқуқ ва мажбуриятларига тўхталиб ўтинг?
2. Жиноят судлов ишларини юритишда таржимон ва холислар қандай ўрин тутади?
3. Жиноят процессида иштирок этишга монелик қиласидаган ҳолатларни санаб ўтинг.

## Тест саволлари

**1. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга далил тўплашда ёрдам бериш учун кимлар таклиф этилади ?**

- A) жабрланувчи;
- B) эксперт;
- C) холислар;
- D) тўғри жавоб А, В, С.

**2. Жиноят процесси иштирокчиларидан қайси бири шахсни айбдор деб топиши мумкин ?**

- A) терговчи;
- B) прокурор;
- C) суд;
- D) суриштирувчи.

**3. Жиноят процесси иштирокчиларининг қайси бирига мажбурлов чораларини қўллаш ваколати берилган?**

- A) суд,прокурор,терговчи.суриштирувчи;
- B) жамоат айловчиси , прокурор;
- C) суд,прокурор,жамоат айловчиси терговчи;
- D) суд,терговчи,жамоат айловчиси.

**4. Гувоҳнинг хуқуқларига қуидагилардан қайси бири кирмайди ?**

- A) она тилида қўрсатув бериш;
- B) таржимонни рад этиш;
- C) суд розилиги билан судланувчига саволлар бериш;
- D) иш материаллари билан танишиб чиқиш.

**5. Таржимонни рад қилиш ҳақидаги талабни дастлабки тергов даврида ким ҳал қиласди ?**

- A) суриштирув органининг раҳбари;
- B) суриштирувчи;
- C) терговчи;
- D) прокурор.

**6. Дастлабки терговни олиб бориши ваколати берилган органлар:**

- A) прокуратура, ички ишлар органлари,солиқ хизмати органлари;
- B) прокуратура, божхона хизмати, миллий хавфсизлик хизматга
- C) прокуратура, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати;
- D) миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар органлари , суд.

**7. Терговга тегишлилик нима?**

- А) муайян жиноятни тергов қилиш у ёки бу терговчининг ваколатига тегишли эканлигини белгиловчи аломатлар йифиндиси;
- Б) ушбу жиноят буйича суриштирув ва дастлабки терговни олиб бориш у ёки бу терговчининг ваколатига тегишли эканлигини белгиловчи аломатлар йифиндиси;
- С) муайян жиноятни тергов қилиш у ёки бу терговчининг ваколатига тегишли эмаслигини белгиловчи аломатлар йифиндиси;
- Д) у ёки бу жиноятни тергов қилиш зарурати.

**8. Қайси тергов ҳаракатида холисларнинг иштироки мажбурий?**

- А) сўроқ қилиш;
- В) юзлаштириш;
- С) телефон ва бошка сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш;
- Д) экспертиза ўтказиш.

**9. Терговчининг топшириғи қанча муддатда бажарилиши лозим ?**

- А) 10 кун давомида;
- Б) терговчи томонидан кўрсатилган муддат ичида;
- С) тергов ҳаракатини ўтказишни буюрган прокурор томонидан кўрсатилган муддатда;
- Д) бир ой муддатда.

**10. Жиноят ишини бир терговчидан иккинчи терговчига ўтказиш ким томонидан амалга оширилади?**

- А) тергов бўлими бошлиғи томонидан;
- Б) юқори турувчи тергов бўлими бошлиғи томонидан;
- С) тергов бўлими бошлиғи томонидан прокурор розилиги билан;
- Д) прокурор томонидан.

**11. Дастлабки терговнинг умумий муддати қанча ?**

- А) терговчи ишни ўз иш юритувига олган кундан бошлаб кўпи билан 2 ой;
- Б) терговчи ишни ўз иш юритувига олган кундан бошлаб кўпи билан 3 ой;
- С) гумон қилинувчи шахс ушланган кундан бошлаб кўпи билан 2 ой;
- Д) дастлабки тергов муддати чекланмайди.

**12. Дастлабки тергов муддатига қуидагилар кирмайди ...**

- А)айбланувчи, ҳимоячи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вақиллари иш материаллари билан танишган вақт;
- Б) дастлаки тергов тўхтатилган вақт;
- С) қўшимча терговга қайтарилган иш терговчига етиб келганигача ўтган вақт;
- Д) тўғри жавоб А, В, С.

**13. Холислар фактларни тасдиқлаш учун қуидаги ҳолларда таклиф этилади...**

- А) фуқаро терговчининг қонуний талаблари ва таклифларини бажарищдан бош тортса;
- В) процесс иштирокчиларидан бирортаси тергов ҳаракати баённомасига имзо чекишдан бош тортса;
- С) тергов ҳаракатларининг бориши ва натижаларини тасдиқлаш учун;
- Д) экспертиза ўтказиш жараёнида.

**14. Ишда холис сифатида қатнашишга жалб этиш учун терговчи қандай ҳужжат тузади?**

- А) ҳеч қандай процессуал ҳужжат тузмайди;
- Б) қарор чиқаради;
- С) прокурорни хабардор қиласи;
- Д) илтимоснома ёзади.

**15. Айблов хulosаси билан прокурорга келиб тушган жиноят ишини кўриб чиқиши муддати.**

- А) 5 кун ;
- Б) 10 кун ;
- С) 3 кун ;
- Д) 15 кун.

**16. Айблов хulosасини тасдиқлаш ва унинг нуқсонларини кўрсатиши мажбурияти кимга юклатилган?**

- А) прокурорга;
- Б) прокурор котибига;
- С) терговчига;
- Д) судьяга.

**17. Терговчи айблов хulosасини имзолагач, жиноят ишини дархол...**

- А) судга юборади;
- Б) прокурорга юборади;
- С) назорат қилувчи прокурор ўринбосарига юборади;
- Д) тергов гурухининг бошлиғига юборади.

**18. Суриштирувчи ва терговчининг ноқонуний ва асоссиз қарорларини ким бекор қилиши мумкин?**

- А) суриштирув органи бошлиғи;
- Б) тергов бўлими бошлиғи;
- С) прокурор ва унинг ўринбосари;
- Д) суд.

**19. Терговни тамомлаб, ишни судга юбориш мумкинлиги тўғрисидаги ёзма кўрсатмани ким бера олади?**

- A) прокурорнинг ўринбосари;
- B) прокурор;
- C) тергов бошқармаси бошлиғи ;
- D) дастлабки тергов олиб борган тергов гурухининг раҳбари.

**20. Жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида қарор чиқарилгач, прокурор қўйидаги ҳаракатларни амалга оширади:**

- A) дастлабки терговни олиб бориш учун ишни суриштирувчига юборади;
- B) иш бўйича дастлабки терговни шахсан ўзи олиб боради ёки терговчига топширади;
- C) ишни тергов ўтказиш учун ички ишлар органининг терговчисига юборади;
- D) тўғри жавоб B, C.

**21. Судда тортишув кимлар ўртасида бўлади?**

- A) айловчи ва судланувчи ўртасида;
- B) суд ва ҳимоячи ўртасида;
- C) тарафлар ўртасида;
- D) тўғри жавоб A, B, C.

**22. Айбланувчи қачондан бошлаб судланувчи мақомини олади?**

- A) суд муҳокамасининг бошланишидан;
- B) жиноят ишини суд мажлисида кўриш учун тайинлаш тўғрисида қарор чиқарилгач;
- C) иш судга келиб тушиб, қайд этилгач;
- D) иш ишни қўрадиган судьяга келиб тушгач.

**23.Худудий судловга тегишлилик қўйидагича белгиланади...**

- A) жиноят содир этилган жойга қараб ёки агар жиноят содир этилган жойни аниқлаш мумкин бўлмаса, дастлабки тергов тамом бўлган жойга қараб;
- B) судланувчининг турар жойига қараб;
- C) суд жойлашган жойга қараб, агар ўша суд жойлашган худудда жиноятнинг олди олинган бўлса;
- D) жабрланувчиларининг кўпчилиги истиқомат этаётган жойга қараб.

**24. Ёлғон қўрсатув берган гувоҳга нисбатан жиноят иши қачон қўзғатилиши мумкин?**

- A) суд тергови даврида;
- B) ҳукм чиқариш вақтида
- C) ҳукм эълон қилингач
- D) исталган вақтда гувоҳга нисбатан иш қўзғатиш мумкин.

**25. Суд мажлисида бошқаларга раддия бериш ҳуқуқига кимлар эга эмас?**

- A) судланувчи ва унинг ҳимоячиси;

- В) жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари;
- С) давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси;
- Д) суд котиби, таржимон, эксперт.

**26. Суд мажлисида айблов хулосаси қачон ўкиб эшиттирилади?**

- А) раислик қилувчи суд мажлисини очиб, муҳокамага қандай жиноят иши қўйилганлигини эълон қилгач;
- Б) суд тергови олдидан;
- С) суд тергови тугагач;
- Д) судланувчининг охирги сўзидан олдин.

**27. Жиноят процесси иштирокчиларидан қайси бири шахсни айбдор деб топиши мумкин эмас?**

- А) терговчи ва суриштирувчи;
- Б) прокурор;
- С) суд;
- Д) тўғри жавоб А, В.

**28. Судланувчига охирги сўз қачон берилади?**

- А) суд музокараларидан сўнг;
- Б) суд терговидан сўнг;
- С) хукм чикқанидан сўнг;
- Д) судланувчига охирги сўз у хоҳлаган вақтда берилади.

**29. Халқ маслаҳатчилари судьяларнинг қайси ҳуқуқларидан фойдаланмайдилар?**

- А) судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар;
- Б) далилларни текшириш ва баҳолаш ҳуқуқидан;
- С) судьянинг ҳеч қандай ҳуқуқидан фойдаланмайдилар;
- Д) ҳукмни ижрога қаратиш учун фармойиш бериш ҳуқуқидан.

**30. Дастлабки терговда процесс иштирокчилари томонидан иш материаллари билан ташнишиб чиқилгач, қандай муддатда тарафларнинг аризасига биноан илтимосномалар таёрганади ва тақдим этилади?**

- А) 3 сутка;
- Б) дарҳол;
- С) 10 сутка;
- Д) 15 сутка.

**31. Терговчи айблов хулосасини имзолангандан кейин қандай муддатда уни прокурорга юборади?**

- А) дарҳол;
- Б) 3 сутка;

- C) 10 сутка;
- D) 15 сутка.

**32. Судда жиноят ишини муҳокама қилиш муддати қанча?**

- A) ишни муҳокама қилиш бошланган кундан эътиборан икки ой;
- B) ишни кўриш бошланган кундан эътиборан уч ой;
- C) ишни суда кўриш учун тайилangan кундан эътиборан бир ой;
- D) прокурор томонидан ишни судда кўриш учун юборилган кундан эътиборан.

**33. Амалдаги жиноят процессуал қонунчилигига ҳимоячи тушунчасига қандай таъриф берилган?**

- A) жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий маслаҳат бериш ва уларнинг манфаатларини судда судда ифодалаш орқали малакавий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи хуқуқшунос;
- B) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга оширишга ҳамда уларга керакли юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсdir;
- C) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судда ҳимоя қилишни амалга оширувчи шахsdir;
- D) амалдаги жиноят процессуал қонунчилигига ҳимоячи тушунчasi берилмаган.

**34. Ҳимоячи ва адвокат тушунчалари бир-биридан фарқланадими?**

- A) улар ўртасида фарқ мавжуд эмас;
- B) улар ўртасидаги фарқ жиноят процессида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тартибига кўра фарқланади;
- C) жиноят процессида ҳимоячи сифатида адвокатдан ташқари жамоат бирлашмаларининг ўз аъзоларининг ишлари бўйича вақиллари, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг яқин қариндишлари ёки қонуний вақиллари ва бошқа шахслар терговчининг қарориёки суд ажрими бўйича ҳимоячи сифатида иштирок этиши мумкин;
- D) ҳимоячи жиноят ишини судда кўришгacha бўлган пайтда иштирок этади. Адвокат эса судда ҳма иштирок этиш хуқуқига эга.

**35. Қуйидаги жавоблардан қайси бирида адвокат сўзининг лугавий маъноси тўғри берилган?**

- A) юонча сўздан олинган бўлиб, - «ҳимоя қиламан» деган маънони англатади;
- B) лотинча сўздан олинган бўлиб,- «таклиф қиламан» деган маънони англатади;
- C) инглизча сўздан олинган бўлиб,- «хуқуқий маслаҳатчи» деган маънони англатади;
- D) лотинча сўздан олинган бўлиб, - «ёрдам» деган маънони англатади.

**36. Қуидаги жавоблардан қайси бири ҳимоячи томонидан амалга ошириладиган ҳимоя предметини ўзида тўлалигича намоён этади?**

- А) инсоннинг амалдаги қонунчилик билан тақиқланмаган ҳар қандай ҳуқуқ ва манфаатлари;
- Б) инсоннинг қонунларда ўз ифодасини топган ҳуқуқ ва манфаатлари;
- С) инсоннинг факат жиноят ва фуқаролик ишларига дахлдор ҳуқуқ ва манфаатлари;
- Д) инсоннинг ҳар қандай, шу жумладан амалдаги қонунчилик билан тақиқланган ҳуқуқ ва манфаатлари.

**37. Ҳимоячининг процессда иштирок этишига қайси пайтдан бошлаб рухсат этилади?**

- А) фуқарога айблов эълон қилинган вақтдан бошлаб;
- Б) шахс гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор эълон қилинган пайтдан бошлаб;
- С) шахс ушланган пайтдан бошлаб рухсат этилади;
- Д) тўғри жавоб А, В, С.

**38. Куидаги жавоблардан қайси бири ҳимоячининг процессга киришиш усулларига кирмайди?**

- А) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ўзи ёки қонуний вақиллари томонидан таклиф қилиниши;
- Б) қонунда назарда тутилган ҳолда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори, суднинг ажрими;
- С) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг илтимоси ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан таклиф қилиниши натижасида;
- Д) шахсни ушлаб туриш муассасасининг маъмурияти томонидан таклиф қилиниши натижасида.

**39. Қонунда ҳимоячининг жиноят процессига киришишининг қандай йўллари белгиланган?**

- А) ҳимоячи ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг ўз ҳохиш-иродасини билдириш орқали ёки қонунда белгиланган тартибда ҳимоячининг мажбурий иштирок этиш ҳолларида;
- Б) адвокатнинг шахсий ташаббусига кўра;
- С) факат суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг илтимоси билан;
- Д) факат ҳимоячининг иштироки мажбурий бўлган ҳолларда.

**40. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини юридик ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман озод этиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар қайсилар?**

- А) адвокатлик бюросининг бошлиғи;
- Б) ушлаб туриш ёки тергов изоляторининг бошлиғи;
- С) прокурор ёки судья;

D) суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья.

**41. Адвокат жиноят иши бўйича қайси пайтдан бошлаб ҳимоячи вазифасини бажаришни рад этишга ҳақли эмас?**

- A) битим тузилган ёки тайинланган пайтдан бошлаб;
- B) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ёки унинг қариндошлари мурожаат этган пайтдан бошлаб;
- C) адвокатлик бюроси ёки фирмаси томонидан иш бўйича адвокат сифатида таклиф этилган пайтдан бошлаб;
- D) иш материаллари билан танишиб чиқсан пайтдан бошлаб.

**42. Айбланувчи ёки судланувчи қамоқда бўлса, ҳимоячининг у билан учрашувлари сони ва давом этиш вақти чегараланганди ?**

- A) ҳафтасига бир марта 2 соатдан ошиб кетмаслиги керак;
- B) 1 суткада бир марта 1 соатдан ошмаслиги керак (кунига бир марта);
- C) учрашувлар сони ва давом этиш вақти чегараланмайди;
- D) суриштирувчи, терговчи, прокурор руҳсати билан бир кунда бир марта.

**43. Адвокат жиноят процессида ҳимоячи вазифасидан ташқари яна қандай вазифани бажариш мумкин?**

- A) эксперт ёки мутахассис;
- B) суриштирувчи вазифасини;
- C) холис вазифасини;
- D) тўғри жвоб йўқ.

**44. Қуйидаги ҳолатлардан қайси бирида адвокат манфаатдор шахс номидан жиноят ишининг асоссиз қўзғатилганлиги ҳақида шикоят бериши мумкин?**

- A) жиноят ишини қўзғатишга оммавий ахборат воситалари берган хабар асос бўлган бўлса;
- B) жиноят тўғрисидаги хабар корхона, муассаса, ташқилотларнинг мансабдор шахслари томонидан ваколатли органга хизмат хати тарзида юборилган бўлса;
- C) жиноят ишини қўзғатиш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан қўзғатилган бўлса;
- D) жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш ва текшириш муддатлари ўtkазиб юборилган ҳолда жиноят иши қўзғатилган бўлса.

**45. Қуйидаги шахслардан қайси бири жиноят процессида ҳимоячининг хизматларидан фойдалана олмайди?**

- A) айбланувчи, судланувчи, гумон қилинувчи;
- B) маҳкум;
- C) суд томонидан оқланган шахслар.
- D) Тўғри жавоб йўқ .

**46. Эълон қилинган айдан ҳимояланиш қайси бандда кўрсатилган усулда амалга оширилади?**

- A) ҳимоячининг иштироки билан;
- B) айбланувчининг эълон қилинган айбловга қарши қонун томонидан ҳимояланиш учун белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланиши йўли билан;
- C) ҳимоя учун аҳамиятга молик бўлган барча илтимосномаларни терговчи томонидан қоноатлантирилиши билан;
- E) A,B,C бандларида кўрсатилган усуллар орқали.

**47. Ҳимоячи қачон шахсни ҳимоя қилишдан воз кечиши мумкин?**

- A) айбланувчи ўз айбига иқорор бўлганда;
- B) ўзининг билим ва тажрибаси етарли эмаслиги ёхуд бошқа узрли сабаблар мавжуд бўлганда;
- C) содир этилган жиноятнинг характеристига кўра;
- D) юридик ёрдам сўраб келган инсоннинг шахсиятига боғлиқ ҳолда.

**48. Айбланувчининг таклиф этилган ёки тайинланган ҳимоячидан воз кечишига қандай ҳолатлар асос бўлиши мумкин?**

- A) айбланувчининг бошқа ҳимоячига эга бўлиш истаги;
- B) ҳимоячидан ҳимояни амалга оширишга истак ёки имкониятнинг йўқлиги;
- C) айбланувчининг шахсан ўзи ҳимояни амалга ошириш имкониятига эга эканлиги;
- D) A,B,C бандларида кўрсатилган ҳолатларнинг барчаси айбланувчининг ҳимоячидан воз кечишига асос бўла олади.

**49. Қонунга кўра адвокатлар бюроси, ҳайъати ёки фирмаси раҳбари суринтирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг талаби бўйича тегишли билдиришномани олганидан сўнг, қандай муддат ичида ҳимоячи тайинлаши шарт?**

- A) 72 соат ичида;
- B) 48 соат ичида;
- C) 24 соат ичида;
- D) бундай муддат қонунда белгиланмаган.

**50. Шахс қандай асосларга кўра фуқаровий даъвогар деб эътироф этилади?**

- A) жиноят туфайли фуқарога моддий ва маънавий зарар етказилган бўлса;
- B) жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг жамоат учун хавфли қилмиши шахсга, корхонага, муассасага ёки ташкилотга мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлса;
- C) шахснинг даъвоси фуқаролик судида кўрилган бўлса;
- D) агар жиноят иши бўйича жабрланувчи деб эътироф этилган бўлса.

# М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши .....	3
1-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИНинг ИШТИРОКЧИЛАРИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА ВА УЛАРНИНГ КЛАССИФИКАСИЯСИ.....	4
2-БОБ. ЖИНОЯТ ИШИНИ ЮРИТИШ УЧУН МАСЪУЛ БЎЛГАН ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАР.....	10
1-§. Суд ва унинг ваколатлари.....	10
2-§. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари.....	14
3-§. Прокурор - жиноят процесси иштирокчиси сифатида .....	20
4-§. Терговчининг жиноят процессидаги иштироки .....	39
5-§. Суриштирув органлари .....	47
3-БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИНИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ИШТИРОК ЭТИШИНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН МУАММОЛАРИ .....	56
4-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЖИНОЙИ-ҲУҚУҚИЙ МАНФААТГА ЭГА БЎЛГАН ИШТИРОКЧИЛАР .....	60
1-§. Жиноят процессида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг иштироки, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари .....	60
2-§. Жиноят процессида жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг иштироки.....	71
5-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ҲИМОЯЧИ ИШТИРОКИНИ ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАШ ВА УНИНГ ВАКОЛАТ ДОИРАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ .....	86
6-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ БОШҚА ШАХСЛАР. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИШТИРОК ЭТИШГА МОНЕЛИК ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАР.....	106
1-§. Гувоҳ жиноят судлов ишлари юритишнинг иштирокчиси сифатида.....	106
2-§. Жиноят процессида қатнашувчи бошқа иштирокчилар. Жиноят процессида иштирок этишга монелик қиласиган ҳолатлар....	115
ТЕСТ САВОЛЛАРИ.....	122